


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

Абдувоҳид ОЧИЛДИЕВ

# Маданият фалсафаси



Тошкент  
«Муҳаррир нашриёти»  
2010

Китобда маданиятнинг ижтимоий-тарихий моҳияти, функциялари, маънавий маданиятнинг айрим структуравий элементларига хос хусусиятлар таҳлил қилинган. Маданият тараққиётида миллийлик ва умуминсонийлик, ворислик ва янгиланиш диалектикасининг ўрни, бошқарув ва маданий қадриятларни тарқатиш тизимининг аҳамияти кўрсатиб берилган. Айни пайтда, ҳозирги даврда маданият ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва истиқболлари тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан молиялаштирилаётган "Ҳозирги даврда маданий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланишининг истиқболлари ва фуқаролик жамиятининг маданий-маърифий асосларини мустаҳкамлашдаги ўрни" мавзудаги илмий лойиҳа доирасида яратилган мазкур китоб маданиятшунослик, маданият фалсафаси билан қизиқувчи кенг ўқувчилар оmmasига мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир:

**С.Шермуҳамедов,**

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, фалсафа фанлари доктори, профессор*

Тақризчилар:

**Б.Алиев,**

*фалсафа фанлари доктори, профессор*

**У.Қўшаев,**

*фалсафа фанлари номзоди*

ISBN 978-9943-354-59-3

© «Муҳаррир нашриёти»,  
Тошкент, 2010 йил.

## КИРИШ

Маданият мураккаб ва серқирра ҳодиса сифатида турли фанлар томонидан ўрганилади. Хусусан, маданиятни фалсафий тушуниш уни яхлит ижтимоий феномен сифатида ўрганиш, талқин қилишга асосланади. Маданиятни ижтимоий ҳодиса сифатида тушуниш унинг ҳар бир тарихий даврда конкрет мазмунга эга бўлиши ва ўзгарувчан характери тўғри тушуниш ва баҳолаш имконини беради. Шу билан бирга, фалсафий ёндашув маданиятни инсоннинг табиат, жамият ва ўз-ўзини англаш ва ўзгартириш йўлидаги фаолияти ва унинг ҳосиласи ҳамда жамият ва шахснинг универсал, яхлит ва ҳар томонлама ривожланишининг меъёри сифатида тавсифлашга йўл очади.

Маданият ҳамда шахс тарбияси ва камолоти билан боғлиқ масалаларни тизимли тадқиқ этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу маданиятнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳақидаги назарий билимларни шакллантириш, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни фалсафий таҳлил қилишга ёрдам беради.

Маданиятда миллийлик ва умуминсонийлик, ворислик ва янгиланиш диалектикаси, маданий қадриятларни тарқатиш тизими, маданият тараққиёти истиқболи таҳлили ҳам маданият ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўлақонли тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашади.

Маданиятнинг ривожланиш босқичлари ва истиқболни бир бутун ҳодиса сифатида ўрганишда фалсафий қонунлар ва категорияларни тўғри ва ўринли қўллай билиш маданият тараққиёти билан боғлиқ муаммоларни назарий-методологик жиҳатдан тўғри ечиш учун замин яратади. Китобда шу каби масалалар таҳлилига алоҳида эътибор берилган. Албатта, маданият фалсафаси тадқиқ этадиган масалалар кенг қамровли характерга эга. Битта китобда уларнинг барча жиҳатларини қамраб олиш ниҳоятда қийин. Аммо имкон даражасида ёритилган масалаларнинг ўзиёқ китобхонларда қизиқиш уйғотишига умид қиламиз.

# 1-БОБ. МАДАНИЯТ ИЖТИМОИЙ ҲОДИСА СИФАТИДА

## § 1. Маданиятга фалсафий ёндашувнинг моҳияти

Биз "маданият фалсафаси" билан бир қаторда "маданиятшунослик" атамасининг ёнма-ён, синонимлар сифатида ишлатилишига кўплаб марта дуч келганимиз. Аслида бу тушунчалар мазмунан бир-биридан фарқи қилади ва уларни асло синонимлар сифатида ишлатиб бўлмайди.

Маданият мураккаб ва серқирра ҳодиса. Ҳар бири ўзига хос ривожланиш қонуниятларига, ички ривожланиш мантиқига эга адабиёт, санъат, ахлоқ, халқ оғзаки ижоди каби кўплаб ҳодисалар унинг турли соҳаларидир. Уларнинг ҳар бири инсон билимлари ривожланиб бориши билан алоҳида илмий изланишлар объектига айланди ҳамда адабиётшунослик, эстетика, этика, фольклоршунослик каби мустақил фанларнинг шаклланишига олиб келди. Шундай экан, "маданиятшунослик" атамасини маданиятнинг турли соҳаларини ўрганувчи фанларга нисбатан бир умумлашма, деб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Айни пайтда, қанчалик мураккаб ва серқирра бўлмасин маданият яхлит бир ҳодиса. У ҳам барча ижтимоий ҳодисалар каби ўзининг ривожланиш қонуниятларига ҳамда юксалишлар ва турғунликларга бой бетакрор тарихига эга. Бу тарих муайян методология ва назарий принципларга таянган ҳолда ўрганилсагина маданият ривожланишидаги қонуниятлилик, изчиллик ва тадрижийлик яхлит тарзда намоён бўлади. Маданият тарихи эса ривожланиш жараёнидаги ўхшаш томонлар билан бир қаторда фарқли, ўзига хос жиҳатларни, хилма-хилликни, ўзаро таъсир ва бойишдек жараённи ёрқин намоиш этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, маданият фалсафаси маданиятнинг моҳияти, ривожланиш қонуниятлари ва истиқболини яхлит, бир бутун ҳодиса сифатида ўрганади, дейиш мумкин.

Маданият фалсафасининг фалсафа фанидан ажралиб чиққани улар ўртасидаги узвий боғлиқликни кўрсатади. Айни пайтда, фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд. Жумладан, маданият фалсафаси ўрганадиган қонунларнинг қамров-

лилиги кенг бўлса-да, фалсафий қонунларга нисбатан умумийлик даражаси торроқ эканини бир қарашдаёқ сезиш мумкин. Зеро, маданият фалсафаси фақат маданиятни ўрганиш билан чекланса, фалсафа борлиқнинг хилма-хил кўринишлари ривожланишининг энг умумий қонунларини ўрганади.

Шу билан бирга, фалсафа устун даражада конкрет фанлар натижаларини ўрганиш ва умумлаштириш асосида ривожланса, маданият фалсафаси учун бошқа фанлар маълумотларидан фойдаланиш билан бир қаторда ўзининг эмпирик материалларини йиғиш, таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлаш зарур.

Умумийлик даражаси юқори бўлган қонунлар ва категорияларни билиш хусусий-конкрет вазифаларни ҳал этишнинг муҳим шартларидан биридир. Шу нуқтаи назардан қараганда, фалсафий қонунлар ва категорияларни тўғри ва ўринли қўллай билиш маданият ривожланиши муаммоларини назарий-методологик жиҳатдан тўғри ечиш учун замин яратади.

Маданият фалсафаси ҳам ўз навбатида маданиятнинг хилма-хил кўринишларини таҳлил қилиш асосида фалсафий қонунлар ва тушунчалар аппаратининг мазмунан бойишига, фалсафанинг ижтимоий амалиёт билан алоқасининг кенгайиши ва чуқурлашишига, у илгари сураётган хулосалар ва қоидаларнинг конкретлашувига хизмат қилади.

Қайд этилган мулоҳазалар фалсафа маданият фалсафаси учун умумназарий ва методологик база сифатида чиқишини, маданият фалсафаси фалсафанинг ҳаёт билан алоқасининг кучайишига хизмат қилишини кўрсатади.

Маданият фалсафасининг бошқа фанлар билан алоқаси, ўзаро таъсири ҳақида гап кетар экан, унинг ижтимоий-гуманитар фанларнинг маълумотлари, категориялардан фаол фойдаланишини алоҳида қайд этиш лозим. Масалан, фалсафа фанидан "фаолият", "тараққиёт", "ворислик", "бошқарув" каби категорияларни қабул қилиб олиб, маданият фалсафаси уларни ўз предметидан келиб чиққан ҳолда талқин қилишини ҳамда "маданий фаолият", "маданий тараққиёт", "маданий ворислик", "маданиятни бошқарув" каби категорияларни ишлаб чиққанини таъкидлаш зарур.

Ҳар бир фан ўз тадқиқот методларига эга. Шундай экан, барча фанлар фойдаланадиган умумилмий ва барча ижтимоий-гуманитар фанлар қўллайдиган умумсоциологик методлар билан бир қаторда маданият фалсафаси ҳам ўз методларини ишлаб чиқиши табиий.

Маданият фалсафаси методларининг ўзига хослиги фалсафий методларнинг маданиятни бир бутун ижтимоий феномен сифатида ўрганишда ўзига хос намоён бўлиши, конкретлашувида кўринади. Хусусан, маданиятни тизим сифатида ўрганиш ва унга фаолиятли ёндашув маданият фалсафасида маданиятнинг ҳар бир соҳаси (моддий, маънавий) ва ҳар бир субъекти (шахс, этнос ва ш.к.) тизимости ҳодисалари сифатида қараладиган ҳамда маданиятнинг умумий тизимидаги ўрни ва ролини аниқлашга хизмат қиладиган структуравий-функционал таҳлил методининг кенг қўлланишини белгилаб берганини таъкидлаш зарур.

Маданиятни ўрганишда яланғоч эмпиризм ҳамда ўта рационализм ва ҳалдан ташқари назарийчиликка йўл қўймаслик ниҳоятда муҳим. Биринчи ҳолатда тадқиқотчи қўплаб эмпирик материалларни тўплагандан сўнг уни системалаштиришдек улкан муаммога дуч келади ёки фактларни баён қилиш билан чегараланади. Иккинчи ҳолатда схоластик назарийчилик эмпирик маълумотларни инкор этишга олиб келади. Демак, ҳаётий материаллар, эмпирик маълумотларсиз маданият фалсафасига оид тадқиқотларнинг аҳамияти ва мақсадга мувофиқлиги камайса, фактлар билангина чекланиб қолиш улар ортида ётган қонуниятни англашга халақит беради.

Маданиятнинг моҳиятини ўрганиш методологиясидан келиб чиқиб илмий адабиётларда бир неча ёндашувни ажратиш кенг тарқалган. Хусусан, натуралистик ёндашув доирасида маданият инсон табиати ривожланишининг оддий давоми, эволюциясининг якуний босқичи сифатида қаралади. Классик ёндашув номини олган йўналишда эса, маданият инсон ва жамият маънавий ҳаёти билан айнанлаштирилади, маданият табиатдан ташқаридаги, ғайритабиий ҳодиса сифатида тушунилади.

Экзистенциализм вакиллари ишлаб чиққан ноклассик

(модернистик) ёндашув доирасида инсон кундалик ҳаёти-ни таҳлил қилиш марказий ўринни эгаллайди. Унга кўра, шахс маданияти ҳам, гуруҳ, этнос маданияти ҳам индивид томонидан шахсий кечинмалар жараёнида идрок этилади-ган воқелик элементларининг мажмуи ҳисобланади.

Бир қатор олимлар томонидан асосланган аксиологик ёндашувга кўра, инсон борлигининг қадриятлар соҳасига нисбатангина маданият тушунчасини қўллаш мумкин. Фаолиятли ёндашув доирасида маданият инсон ҳаётий фаолиятининг ўзига хос усули, фаолият, унинг манбалари ва натижаларининг диалектик бирлиги сифатида намоён бўлади.

Юқоридаги, нисбатан кенг тарқалган ёндашувлардан ташқари семиотик ёндашувни ҳам ажратиш мумкин. Бундай ёндашувда ҳар бир маданият сўз (вербал), имо-ишоралар, образли, формаллаштирилган белгилар тизими сифатида қаралади. Айнан шу маданият доирасидагина у ёки бу белги ўз мазмунига эга бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, қайд этилган ёндашувларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Улар ўзаро таъсирда бўлади, бир-бирини тўлдиради, баъзан бир-бири билан боғланиб ҳам кетади. Масалан, бугунги кунда маданият фалсафаси доирасида олиб борилаётган тадқиқотларда фаолиятли-қадриятли ёндашув кенг қўлланилаётганини таъкидлаш зарур. Айни пайтда, маданиятнинг моҳиятини тушунишга кўмаклашувчи ягона, кўпчилик томонидан қабул қилинадиган, универсал ёндашувни ишлаб чиқишга назарий ва амалий эҳтиёж сақланиб қолмоқда.

Ҳар қандай фан ўз тадқиқот предметиға ва вазифалар доирасиға эға. Ижтимоий тараққиёт доимий равишда уларнинг предмети, ўрганадиган масалалари кўламиға ўзгартишлар киритиши, мунтазам ўрганиб келган муаммоларининг янги қирраларини намоён қилиши мумкин. Бу, айниқса, доимий ўзгариш ва ривожланишда бўлган инсон ва жамият ҳаётининг турли томонларини ўрганадиган ижтимоий-гуманитар фанларда ёрқин кузатилади.

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида янгиланиш кечаётган ҳозирги даврда бундай ўзгаришлар кўламли характер касб этиши, табиий. Бу ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-

хукуқий, маънавий-мафкуравий янгиланиш, ўсиш ва юксалиш жараёнини бошдан кечираётган, буюк келажак пойдеворини кураётган республикамиз илм-фанига ҳам тегишлидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маданият фалсафаси олдида бир қатор долзарб вазифалар турганини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, маданият, унинг тараққиёт қонуниятларига эски андозалардан холи ҳолда ёндашиш, маданиятни яхлит ва доимий ривожланиб боровчи тизим сифатида ўрганишни таъминлаш ҳаётий-амалий аҳамиятга эгаллигини таъкидлаш зарур.

Ўзбек халқи маданияти босиб ўтган йўлни, унинг юксалишлар ва зиддиятларга бой тарихини, жаҳон маданиятида тутган ўрнини холис ёритиш эса ўтмишимизни янада теранроқ англашга, маданият тараққиётини таъминлашнинг оқилона йўлларини топишга хизмат қилади.

Мустақиллик шароитида ўзбек маданияти эришган ютуқлар, маданий ҳаётимизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришларни чуқур таҳлил қилиш, уларнинг мамлакатимиз буюк келажagini таъминлаш ва комил инсонни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб бериш эса кишиларда эртанги кунга ишонч туйғусини тарбиялашга мустаҳкам замин яратади.

Жаҳон халқлари маданияти тарихи, ўзига хос хусусиятлари, миллий маданиятларнинг ўзаро таъсир ва бойиш жараёнини ҳар томонлама объектив ва илмий ёритиш уларга хос қонуниятларни чуқурроқ тушунишга, содир бўлаётган ўзгаришларни оптималлаштиришга ёрдам беради.

Маданий тараққиётга хос замонавий зиддиятлар ва уларни ҳал этиш йўлларини тадқиқ этиш эса умуминсоний маданият истиқболини тасаввур қилиш, юзага келадиган муаммоларни прогноз қилиш ва зарур чораларни кўриш орқали маданий ривожланишнинг прогрессив йўсинда кечилишини таъминлашга йўл очади.

Қайд этилган вазифаларнинг ижобий ҳал қилиниши маданият фалсафасининг янгиланишига, мустақил фан сифатида изчил юксалиш йўлидан боришига хизмат қилади.



## § 2. "Маданият" тушунчасининг мазмуни

Кенг маънода бутун инсон фаолиятини, кишилик дунёсини қамраб олгани учун ҳам маданиятни турли фанлар ўрғанади ва уларнинг ҳар бири маданиятнинг моҳиятига ўз вазифа ва мақсадларидан келиб чиқиб ёндашади. Масалан, археология фани учун маданият тушунчаси бизгача етиб келган, ўтмишда яшаган кишилар фаолиятининг моддийлашуви натижасида чиққан осори атиқалар билан боғлиқ бўлса, этнографияга маълум бир халқнинг маданиятини хилма-хилликнинг бирлиги сифатида ўрганиш хосдир.

Маданият тушунчасига турлича мазмун бериш тадқиқотчиларнинг қайси дунёқараш позициясида турганига ҳам боғлиқ. Лекин маълум бир дунёқараш позициясида турган олимлар ҳам кўпинча маданият тушунчасига турлича мазмун берадилар. Бундай ҳолатда масалага ёндашишдаги фарқ намоён бўлади. Ана шундай ўзига хосликлар туфайли маданиятга умумий, кенг қамровли, моҳиятли таъриф беришга уриниш хануз тўхтагани йўқ. Француз олими А.Моль XX асрнинг олтинчи йилларида маданиятнинг 250 дан ортиқ таърифи яратилганини таъкидлаган эди. Бугунги кунда маданият тушунчасининг таърифи бундан икки баробар ортиқ бўлса ҳам ажаб эмас. Демак, асосий эътибор маданиятнинг ягона, умумий, охириги таърифини беришга эмас, балки маданиятнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги моҳиятини англашга қаратилиши лозим.

Маданият тушунчасига фалсафий ёндашув ана шундай имконият беради. Зеро, фалсафани маданият ўзининг алоҳида, якка-якка кўринишларида эмас, балки яхлит, бир бутун ижтимоий ҳодиса сифатида қизиқтиради. Масаланинг бу тартибда кўйилиши унга "хусусий ҳолатлардан холи бўлган ҳолда маданиятнинг ўзи нима?" деган саволга жавоб беришга йўл очади.

Маданият сўзи арабча "мадина" ва "ият" сўз ясовчи қўшимчасининг бирикишидан ҳосил бўлган бўлиб, айнан "шаҳарга оид", деган маънони англатади. Лекин бу сўз киб борган халқлар тилларида, шаҳарлар илм-фан, маърифат ўчоғи бўлиб келгани таъсирида бўлса керак, у маъри-

фатлилик, билимлилик, тарбия кўрганлик маъноларида ишлатила бошланган<sup>\*</sup>.

Кўпгина халқларда "маданият" тушунчаси ўрнида лотин тилидан қабул қилинган "cultura" термини ишлатилади. "Cultura" деганда дастлаб табиат объектларининг инсон меҳнати натижасида ўзгариши, бошқача айтганда, ерга ишлов бериш, деҳқончилик билан шуғулланиш тушуниланган. Мисалан, рус тилидаги "агрокультура" сўзида ана шундай мазмун ифодаланади. Шундай бўлса-да, "cultura" терминининг лотин тилидаги мазмуни рус тили орқали ўзбек тилига ҳам кириб келганини таъкидлаш зарур. Хусусан, қишлоқ хўжалигида "культивация" термини шу маънода ишлатилади. Биз ботаникада, кўпинча кундалик ҳаётда ҳам, "маданий ўсимликлар" деган терминни ишлатамиз. Бунда "маданий" сифати "cultura" сўзидаги мазмунни ифодалашини ва инсон меҳнати сингган, ишлов берган ўсимликларнинг табиий ҳолда ўсадиганларидан фарқини кўрсатишга хизмат қилишини англаш қийин эмас.

Инсоннинг энг бебаҳо бойликларидан бири бўлмиш сўзлар, тушунчалар реал ижтимоий жараёнлар таъсирида бойиб, ўзгариб, такомиллашиб боради. "Cultura" терминини қабул қилган халқларда тушунчанинг дастлабки маъноси сақлаб қолинган ҳолда кейинги даврларда унга кенгроқ мазмун берилгани ҳамда маърифатлилик, билимлилик, тарбия кўрганлик маъноларида ишлатила бошлангани ҳам шундай ҳулоса чиқариш учун асос бўла олади.

Кейинроқ маданиятни деярли барча халқларда, маънавий фаолият соҳаси сифатида тушуниш устувор бўлганини алоҳида қайд этиш лозим. Фақат XIX аср ўрталарига келиб "маданият" тушунчаси кенгроқ маънода -инсон фаолияти натижасида юзага келган нарсаларга нисбатан ишлатила бошланди. Бундай ҳолатда маданият инсон томонидан яратилган, бокира табиат устига қурилган "иккинчи табиат" маъносини касб этади. Айни пайтда, ушбу қараш маданиятни инсон фаолиятининг маълум бир соҳаси билан боғлаб қўйиш керак эмас, чунки инсон, унинг фаолияти,

---

<sup>\*</sup> Ҳозирда ўзбек тилида "маданият" тушунчасига бериладиган мазмунни араблар "сақофа" термини билан ифодалайдилар.

инсонлараро муносабат бор жойда маданият ҳам бор, деган хулосани келтириб чиқаради. Шундай бўлса-да, маданиятни "инсон фаолияти натижасида юзага келган барча нарсалар" деб тушуниш ҳам етарли ва тўлиқ эмас. Чунки бундай ёндашув маданиятни инсондан ташқарида мавжуд бўлган ҳодиса сифатида тушунишга олиб келади. Шу билан бирга, маданият ва жамият тушунчаларининг нисбати ойдинлашмайди.

Маданият ва жамият тушунчаларининг фарқи маданиятни инсон томонидан яратилган қадриятлар тизими, деб тушунилганда очик кўринади. Зеро, ҳақиқатан ҳам, маданият инсоний мазмун ва маъно билан суғорилган моддий ва маънавий қадриятлар дунёсидир. Бундай тушуниш натижасида маданият жамиятнинг маълум бир соҳаси сифатида намоён бўлади. Албатта, маданиятни фақат қадриятлар тизими сифатида тушуниш ҳам тўғри ва тўлиқ эмас. Чунки бундай ёндашувда ҳам маданият тайёр натижалар тизими сифатида чиқади, унинг яратилиш жараёни, динамикаси эътибордан четда қолади.

Айни пайтда, инсон томонидан яратилган ҳамма нарсалар ҳам фойдали эмаслиги, демакки, унинг тараққиётига хизмат қилмаслигини, у ёки бу ҳодисани ижобий ёки салбий деб қабул қилиш тарихан белгиланган - давр, жамият, ижтимоий гуруҳларнинг қадриятлар мўлжалларига боғлиқлигини ҳам унутмаслик лозим.

"Маданият" тушунчаси таърифларининг хилма-хиллиги уларни туркумлаш эҳтиёжини келтириб чиқаради. Энг оддий туркумлаш доирасида маданиятнинг жамиятнинг бутун ҳаётини қамраб оладиган кенг ва маънавий соҳа билан боғлаб талқин этиладиган тор таърифларини ажратиш мумкин.

Бошқа мезонларга асосланган классификациялар ҳам мавжуд. Хусусан, XX асрнинг 70-йилларида маданиятнинг ғайритабiiй, ноорганик характерини таъкидловчи антропологик, уни ижтимоий ҳаётнинг алоҳида, мустақил соҳаси сифатида талқин қилувчи социологик ҳамда соф абстракт, аналитик йўл билан ёндашилган фалсафий таърифларини ажратиш кенг тарқалган эди.

Маданиятнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги моҳиятини англаш ҳақида гап кетар экан, кўпчилик тадқиқотчилар томонидан унинг кенг қамровли, умумий, глобал таърифи ўрнига ишчи (функционал) таърифларини беришга ҳаракат қилиш ҳам борлигини қайд этиш лозим. Маданиятни "маросимлар, анъаналар ва ижтимоий институтлар мажмуи" ёки "инсон фаолияти натижалари мажмуи" ёки "инсон фаолиятининг ўзига хос усули", деган шаклдаги таърифларнинг мавжудлиги ҳам бунинг исботи бўла олади.

Маданият тушунчасида инсон фаолияти ва унинг натижалари, тарихий тараққиётнинг маълум босқичидаги, муайян даврдаги, ижтимоий ва этник гуруҳлар ривожланишидаги сифатий хусусиятлар ҳам ўз ифодасини топади. "Қадимги давр маданияти", "ўзбек маданияти", "нутқ маданияти", "сиёсий маданият", "шахс маданияти", "ёшлар маданияти" тушунчалари ана шундай мазмун касб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, юқоридаги каби таърифлар ўзининг ҳаётий илдизларига эга, дейиш мумкин.

Аслида, маданиятга таъриф бераётганда у инсоннинг ижтимоий мавжудот сифатидаги камолотининг, инсонда инсонийлик ривожланишининг меъёрини тавсифловчи ҳодиса эканидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Зеро, маданият инсон фаолиятини, унинг натижасида яратилган моддий ва маънавий қадриятларни қамраб олган ҳолда шахс камолоти ва жамият тараққиётига хизмат қилувчи ижтимоий ҳодиса ҳисобланади.

### **§ 3. Маданиятнинг ижтимоий-тарихий табиати**

Маданият мураккаб ва серқирра ҳодиса сифатида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига дахлдордир. Ўз навбатида жамият ҳаётининг ҳар қандай соҳасини ҳам маданиятнинг ривожланиши нуқтаи назаридан талқин этиш мумкин. Бундай ҳолат маданиятнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги хусусиятини, унинг ривожланишининг ижтимоий белгиланганини кўрсатади. Шундай экан, маданиятга конкрет-тарихий ёндашувгина унинг моҳиятини тўғри тушуниш имконини беради.

Айни пайтда, бундай ёндашув мавҳум ҳодиса сифатида

талқин этиб, у ёки бу давр маданияти ривожланишининг хусусиятларини тан олмаслик ҳамда миллий-маданий ўзига хосликларни мутлақлаштириш орқали кишилик жамияти тараққиётининг бирлиги ва узвийлигини инкор этишдек икки янглиш йўлдан сақланиш учун замин яратади.

Мутахассислар фикрича, сиёсий ҳодисалар, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, технологик янгиликларга бойлиги фан ва маданият алоқаларининг интенсивлик даражаси нуқтаи назаридан XX асрнинг сўнги йиллари XIX асрнинг 10 йилига, антик ва ўрта асрларнинг 100 йилига, қадимги даврнинг 1000 йилига тенг бўлган. Шу нуқтаи назардан қараганда, маданиятнинг моҳиятига конкрет-тарихий ёндашув у ҳар бир даврда ўзига хос структурага, ривожланиш темпига, ўзаро таъсир ва бойишнинг специфик кўринишларига эгаллиги ҳақидаги хулосани чиқариш имконини беради.

Энг аввало, икки асосий соҳа доирасида маданиятнинг структураси тарихан мураккаблашиб боргани, янгидан-янги элементлар пайдо бўлганини таъкидлаш зарур. Масалан, қўлда ясалган, самарадорлиги паст бўлган ишлаб чиқариш қуролларидан машиналарга, ундан автоматлаштирилган тизимларга ўтишни моддий маданият ривожланишининг тарихий босқичлари сифатида қараш мумкин. Пайдо бўлганига 100 йилдан сал кўпроқ вақт бўлган кино эса маънавий маданиятнинг структураси ҳам доимий такомиллашиб борганига далил бўла олади.

Шу билан бирга, мавжуд маданият структуравий элементларининг ўзининг ичида тармоқлашув, шаклий такомиллашув узлуксиз давом этаётганини ҳам қайд этиш лозим. Ибтидоий давр рассомчилиги билан бугунги кун рассомчилиги ўртасидаги қиёслаб бўлмайдиган фарқ ҳам бундай хулосаларнинг ўринли эканини тасдиқлайди.

Тараққиёт маданиятнинг сифатий хусусиятлари ва миқдорий характеристикаларини ҳам кескин даражада ўзгартирмоқда. Моддий маданият соҳасида - ишлаб чиқариш қуролларини яратишда хилма-хил материаллар қўлланилаётгани, даставвал фақат қўлёзма шаклда кўпайтирилган китоблар, бугунги кунда янги сифатий хусусият касб этиб

катта ададларда нашр этилаётгани ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Маданиятнинг яратувчиси халқ бўлса-да, ҳар бир маданий қадрият ўзининг аниқ ижодкори, яратувчисига эга. Шундай экан, маданиятнинг структуравий жиҳатдан мураккаблашиб бориши табиий равишда унинг ижодкорларининг янгидан-янги қатламларини юзага келтиргани ва келтириши мумкинлигини ҳам ҳеч қачон унутмаслик лозим.

Дастлаб билимлар, қадриятлар оғзаки шаклда узатилган бўлса, ёзувнинг кашф қилиниши китобат ишига йўл очди. Сўнгра газета ва журналлар, бир оз кейинроқ радио ва телевидение пайдо бўлди. Бугунги кунда интернет тизими жадал ривожланиб бормоқда. Мазкур мисоллар маданий қадриятларга бўлган эҳтиёжни қондириш усуллари, шакллари ҳам узлуксиз такомиллашиб, қамров доираси кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Ҳар бир давр олдинги давр ютуқларига таянади. Шундай экан, ривожланиш манбаи йиллар оша кенгайиб, кўламлилиқ касб этишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бу ўз навбатида маданиятнинг янгидан-янги структуравий элементлари шаклланишига шароит яратиши табиий, албатта.

Маданиятда инсон тасаввурлари, билими, қобилияти, тажрибаси, "инсон-инсон", "инсон-табиат", "инсон-жамият" муносабатлари гавдаланади. Қайд этилган мулоҳазалар ижтимоий тараққиёт давомида улар ўзгариб, чуқурлашиб, кенгайиб борганини ва жамият ривожланиши тезлашгани сари янада кенг қамров касб этиб бораётганини кўрсатади.

#### **§ 4. Моддий маданиятнинг тузилиши**

Илмий адабиётларда маданиятни моддий ва маънавий маданиятга бўлиш расм бўлган. Бундай бўлиш инсон фаолиятининг икки асосий соҳаси - моддий ва маънавий ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Моддий маданият моддий фаолиятнинг барча соҳалари ва натижаларини, жумладан, ишлаб чиқариш, транспорт, алоқа воситалари, уй-жой, кийим-бош, уй-рўзғор буюмлари, истеъмол воситаларини ўз ичига олади. Уларсиз муайян халқ маданияти ёки унинг

тарихий тараққиётининг турли босқичларидаги ўзига хосликлари ҳақида тўғри фикр юритиш мумкин эмас. Хусусан, истеъмол воситаларини ўрганиш ижтимоий ривожланишнинг муайян бир босқичида турган инсон нималарни истеъмол қилаётгани тўғрисидагина эмас, балки қандай истеъмол қилаяпти, унинг эҳтиёжлари қанчалик бой ва тараққий қилгани ҳақида ҳам маълумот беради.

Моддий маданиятни фақат ишлаб чиқариш ва истеъмол воситалари билан чеклаш ҳам тўғри бўлмаган бўлар эди. Чунки моддий маданият юқоридаги воситаларни яратиш ва фойдаланиш соҳасидаги фаолият усулини ҳам ифодалайди. Айнан шундай фаолият жараёнида инсоннинг билими, тажрибаси, профессионал малакаси моддий маданиятнинг таркибий қисмига айланадиган жисмий кўринишга киради.

Моддий ва маънавий маданиятга мансуб предметлар, ҳодисалар турли мақсадларга хизмат қилади, уларнинг вазифалари, функцияларида ҳам жиддий фарқлар бор. Лекин бу фарқлар нисбийдир ва уларни асло мутлақлаштириб бўлмайди. Зеро, униси ҳам, буниси ҳам маданият. Барча нарсалар ҳам ақлий, ҳам жисмоний меҳнатнинг натижаси ҳисобланади. Бошқача айтганда, моддий маданият инсоннинг маълум бир ғоялари, билимлари, мақсадларининг намоеён бўлишидир. Айни пайтда, ҳар қандай маънавий маданият маҳсули ҳам объективлашуви, ёзув, нутқ, расм, ҳайкал ва шу каби шакллардаги ўзининг моддий ифодасини топмоғи лозим. Бундай объективлашув жисмоний ҳаракат, куч-қувватни талаб қилади. Баъзи ҳолларда, масалан, ҳайкалтарошликдаги каби бундай жисмоний ҳаракат анчайин катта ўринни эгаллайди.

Моддий маданият, унинг структуравий элементлари ҳақида гап кетар экан, энг аввало биринчи табиатнинг ўзлаштирилган, ижтимоийлаштирилган қисми унинг таркибий қисмини ташкил қилишини қайд этиш лозим. Хусусан, маданийлаштирилган ҳайвонлар, ўсимликлар дунёси, ўзлаштирилган ер ҳудудлари, сунъий яратилган кўллар, сув ҳавзалари каби ҳодисалар унинг ёрқин кўриниши ҳисобланади. Тарихий тараққиёт уларнинг доираси тобора кен-

гайиб бораётганини кўрсатмоқда.

Маданийлаштириш турли минтақаларда фауна ва флоранинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бир-биридан кескин фарқ қилади. Масалан, Ҳиндистонда филдан, шимолда буғудан транспорт воситаси сифатида фойдаланилгани, қисман ҳозир ҳам шундайлиги фикримизнинг исботи бўла олади. Айрим маълумотларга кўра, бугунги кунда инсон томонидан озиқ-овқат маҳсулотли, саноат учун хомашё, жониворларга озиқа сифатида фойдаланиш учун ва декоратив мақсадларда ўсимликларнинг 2500 дан ортиқ тури маданийлаштирилган. Бундай маданийлаштириш бугунги кунда нафақат мавжуд турлар ва навларни ўзлаштириш шаклида, балки селекция қилиш, чагиштириш йўли билан уларнинг янгидан-янги турлари ва навларини яратиш кўринишида ҳам амалга оширилмоқда.

У ёки бу ҳайвон, ўсимлик инсон учун қанчалик фойдали бўлса, кишилиқ жамиятининг бу йўлдаги уринишлари шунчалик кучли ва қамровли бўлмоқда. Бу отлар, қора моллар, қўйлар, паррандаларнинг янги зотлари ҳамда мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари, бошоқли дон ўсимликларининг олдин мавжуд бўлмаган навлари кўплаб яратилаётганида кўринади. Баъзи йўналишларда инсон табиатдан кўра ижодкорроқ бўлиб, табиий ҳолда учрайдиганидан кўпроқ нав ва зотларни яратмоқда. Махсус илмий тадқиқот институтлари, селекциячилик хўжаликлари олиб бораётган ишлар бу йўналишда ҳали кўплаб янгиликлар яратилишини кўрсатиб турибди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши, ҳаётимиз фаровонлиги селекция жараёнида яратилган навлар ва зотларга боғлиқ бўлиб қолаётгани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради. Бу селекция жараёнининг инсоният ва унинг истиқболи учун алоҳида аҳамият касб этаётганини билдиради. Хусусан, навларнинг турли касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги масаласи алоҳида эътибор талаб қилаётганини таъкидлаш зарур. Зеро, маълумотларга кўра, агроэкологизимларга зарар келтирадиган турларнинг сони 100 мингдан ортиқни ташкил этади. Фақат ўсимликларнинг касалланиши оқибатида дунё бўйича йилига



50 триллион долларлик ҳосилнинг йўқотилаётгани ҳам бу масала ҳаётий-амалий аҳамиятга эгалигидан далолат беради.

Янгидан-янги ер ҳудудларининг ўзлаштирилаётгани, сунъий сув ҳавзалари, боғ-роғларнинг яратилаётгани ҳам моддий маданият структурасидаги ўзгаришларга мисол бўла олади. Хусусан, У.Қорабоев фикрича, юртимизда дастлабки боғлар милоддан аввалги 3-1 минг йилликда деҳқончилик қилишга ўтилиши билан боғлиқ ҳолда шакллана бошлаган. Аста-секин боғлар ҳовуз, фавворалар, чўмилиш ҳавзалари, зилол сувлар оқадиган ариқлар, бутазор ва гулзорлар, декоратив ва мевали дарахтлар, сайроқи ва гўзал қушлар ҳамда декоратив кўприкларни ўзида мужассам эта бошлаган. Шундай қилиб, юртимиз боғлари табиат, архитектура, яшиллик ва сув бир-бирини уйғун тўлдирган ҳолда яхлит табиий-маданий комплексга айланган. Масалан, XIV—XV асрларда биргина Самарқанд ва унинг атрофида шаҳарни яшил ҳалқа каби ўраб олган 100 га яқин ана шундай боғлар бўлган.

Бугунги кунда Ер юзида инсон таъсирига учрамаган жойнинг ўзи деярли қолмади, дейиш учун барча асослар бор. Натижада Ер шари тобора "инсоний" қиёфа касб этиб бормоқда.

Моддий маданият моҳиятан инсоннинг моддий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган. Аммо ўзлаштирилган, маданийлаштирилган айрим биринчи табиат ҳодисалари ҳозирда кўпроқ маънавий қиёфа касб этмоқда. Бу, айниқса, декоратив кабутарлар, уй ўсимликлари мисолида яққол кўринади. Зеро, улар асосан инсоннинг гўзалликка интилишининг ҳосиласидир. Шу маънода улар инсон маънавий-руҳий эҳтиёжларининг қондирилишига хизмат қилади.

Бинолар, уй-жойларда моддий маданиятга хос хусусиятлар ўзини ёрқин намоён қилади. Улар тараққиёт давомида жиддий ўзгаришга учраб, шаклан хилма-хиллашиб, яшаш ва ишлаш учун қулай бўлиб бормоқда. Уларнинг турли табиий офатлардан (масалан, зилзиладан, кескин совуқ ёки юқори даражадаги иссиқликдан) ҳимоя қилишдек си-

фати ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Сейсмологларнинг йилига тахминан 500 минг зилзилани қайд қилишлари, улардан фақат 100 мингтасини одамлар сезишларини, 1000 таси эса бевосита талофатлар келтириб чиқаришини инobatга оладиган бўлсак, бундай эътибор бежиз эмаслигини англаш мумкин.

Маълумотлар аجدодларимиз жуда қадимдан юқоридаги каби омилларни инobatга олган ҳолда уй-жой қуришганини кўрсатади. И.Жабборов фикрича, Фарғона водийсида синчли уйлар қурилиб, бино томига ётқизилган сомонли лой (лўмбоз)нинг қалинлиги 40-50 сантиметрни ташкил этганида, Хоразмда эса пахсали уйлар қуришнинг кенг тарқалиб, бино лўмбозининг қалинлиги 10-15 сантиметрдан ошмаганида сейсмик омилнинг таъсири ҳамда ёмғир ёғишининг миқдори инobatга олинганини кўриш мумкин.

Маълумотларга кўра, милoddан аввалги 2580 йилда бунёд этилган 146 метрлик Мисрдаги Хеопс пирамидаси XIII асрга қадар энг баланд иншоот ҳисобланган. Черков миноралари ўз узунлиги билан машхур бўла бошлаган ўрта асрларга келиб вазият ўзгарди. Аммо тўпланган тажриба фақат XX аср бошига келиб осмонўпар уй-жойлар қуриш учун имконият яратди. Бугунги кунда АҚШнинг Чикаго шаҳрида жойлашган, узунлиги 196,7 метрни ташкил этадиган бир нечта 70 қаватлик бино энг баланд уй-жойлар ҳисобланади.

Ҳозирда, мутахассислар маълумотига кўра, Ер юзида баландлиги 350 метрдан юқори бўлган 50 та иншоот бор. Ушбу осмонўпар иншоотлар қаторида офис, меҳмонхона, яшаш учун мўлжалланган бинолар, радио ва телетўлқинларни узатадиган, турли аттракционлар жойлашган миноралар, электростанциялар, эритиш печларининг трубалари бор. Улар қаторида узунлиги 374,9 метр бўлган Тошкент телеминораси ҳамда 350 метрлик Сирдарё ГЭСи трубаси ҳам борлигини таъкидлаш зарур.

828 метрлик "Бурж Дубай" (БАА) осмонўпар биноси бугунги кундаги энг баланд иншоот ҳисобланади. Аммо "Тасаи Корпорейшн" қурилиш компанияси томонидан Япония пойтахти Токио шаҳри учун ишлаб чиқиладиган

"X-Seed 4000" номли лойиҳа кишини янада ҳайратга солади. Денгиз сатҳидан 4000 метр баланд бўладиган ушбу бинода 700 мингдан 1 миллионгача одам яшаши мумкин. Минглаб хонадонлардан ташқари ушбу иншоотда дам олиш жойлари, парклар ва ҳатто ўрмонлар мавжуд бўлади. Барча зарур эҳтиёжлари Куёш энергияси ҳисобидан қондирилдиган иншоотнинг лойиҳа қиймати 900 миллиард доллар, деб баҳоланмоқда. Яшовчиларни барча табиий офатлардан ҳимоя қила оладиган ушбу бино, агар хоҳиш бўладиган бўлса, 8 йилда қуриб битказилиши мумкин экан.

Умуман олганда, бугунги кунда у ёки бу бино тузилишига қараб унинг қайси даврда яратилгани билан бир қаторда миллий ва минтақавий анъаналарнинг ўзига хослигини ҳам кўриш мумкин. Биноларни қуриш билан боғлиқ анъаналарнинг шаклланишида географик муҳитнинг таъсири ҳам катта бўлган. Буни, хусусан, океан ва денгиз олди ҳамда иқлими иссиқ ва ўта совуқ минтақалардаги бинолар, уй-жойлар қурилиш услуби, материалларидаги жиддий фарқларда ҳам кўриш мумкин.

Бундай фарқлар моддий маданиятнинг бошқа бир муҳим элементи - кийим-бош, уй-рўзғор буюмларида ҳам яққол кўринади. Географик муҳит таъсирида шаклланган бундай ўзига хосликлар бора-бора миллий ўзига хослик сифатида англана бошланганини ҳам қайд этиш зарур.

Тарихий тажриба муайян ҳолларда бинолар, кийим-бош, уй-рўзғор буюмлари ўзининг бирламчи функциясини йўқотишини ҳам кўрсатади. У ёки бу маданият ҳодисалари ноёб тарихий дурдоналар сифатида англана бошлаган пайтда шундай бўлади. Жумладан, тарихий ёдгорликлар сифатида асралаётган қасрлар, саройлар, кийим-бош, уй-рўзғор буюмларига нисбатан шундай дейиш мумкин. Бошқача айтганда, ўз вазифасини бажармас, яъни бевосита инсоннинг у ёки бу эҳтиёжини қондирмас экан, уларни ўтмиш моддий маданиятининг намунаси сифатида қараш мумкин, холос. Бундай моддий маданият элементлари замонавий киши учун аждодлар ақлу заковатининг нишонаси, эстетик, маънавий-руҳий завқланиш манбаи сифатида чиқади. Бир сўз билан айтганда, маънавий маданият элементига

айланади. Бундай ҳолатларни, жумладан халқимиз моддий маданиятининг кўплаб элементларида кузатиш мумкин. Президентимиз таъкидлаганларидек, олис ота-боболаримизнинг ақл-заковати, қалб кўри маҳсули бўлмиш ноёб ёдгорликларнинг замон тўфонларидан, қанчадан-қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзида катта маъно мужассам. Мамлакатимиз худудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани эса бундай ўлмас осори атиқалар бу кўҳна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда қадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради.

Ишлаб чиқариш қуроллари, воситалари ва иншоотлари ҳам моддий маданиятнинг муҳим элементлари ҳисобланади. Уларнинг хусусиятларини ўрганмай туриб моддий маданият ҳақида тўлиқ ва тўғри тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмас.

Моддий маданиятнинг юқорида қайд этилган предметли кўринишларидан ташқари унинг техник карталар, паспортлар, чизмалар, ҳисоб-китоблар, программалар шаклидаги семиотик кўриниши ҳам мавжуд. Улар билан танишиш моддий маданиятнинг предметли кўринишининг структураси, конструкцияси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бундан ташқари семиотик кўринишнинг мавжудлиги моддий маданиятнинг предметли кўриниши у ёки бу сабабга кўра йўқ бўлиб кетган тақдирда ҳам уни айнан қайта тиклаш имконини беради.

Моддий маданият уларни ишлаб чиқиш ва фойдаланишдан ташқари ана шу жараёнда инсонлар ўртасида юзага келадиган муносабатларни ҳам ўз ичига олади. Уларнинг характери инсоннинг яшаши учун зарур бўлган моддий шарт-шароитлар ва воситаларнинг яратилишида муҳим роль ўйнайди.

Моддий маданият, унинг хусусиятлари ҳақида гап кетар экан, яна бир ҳолатни таъкидлаш зарур. Инсоннинг табиат устидан зўравонлиги оқибатида кўплаб ўсимлик ва ҳайвон турлари йўқолиб кетди. Бугунги кунда ана шу аччиқ

ҳақиқатни англаб етган инсон бу борада зарур чораларни кўришга ҳаракат қилмоқда. Генетиканинг ривожини, бу соҳада сўнгги пайтда қўлга киритилаётган ютуқлар ҳатто қачонлардир қирилиб кетган ҳайвонлар турини тиклаш масаласининг муҳокама объектига айланишига олиб келди. Яқин келажакда бу реал воқеликка айланиши ҳам мумкин. Аммо маданият намуналарига нисбатан бундай қилиб бўлмайди. Зеро, уларнинг ҳар бири такрорланмас, ноёб характерга эга. Унга ўхшаш нарсани тиклаш, яратиш мумкин. Аммо, бу энди мутлақо бошқа нарса бўлади...

## § 5. Маданиятнинг функциялари

Маданиятнинг ўзи серқирра бўлганидек, у бажарадиган функциялар ҳам хилма-хилдир. Шундай бўлса-да, биринчи навбатда маданиятнинг билиш функциясини алоҳида қайд этиш лозим.

Ҳар бир ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият маданиятида теваарак оламини билиш натижалари акс этади. Одатда маълум бир давр маданиятини шу даврда оламини англаш, билиш даражасидан келиб чиққан ҳолда баҳолаймиз. Оламини билиш натижалари аксарият ҳолларда соф маданият чегарасини ёриб чиқиб, кенг маънодаги тарихий жараённинг таркибий қисмига, жамият тараққиётининг муҳим омилига айланиб кетади. Масалан, космик учиш аппаратларининг яратилиш жараёнини олайлик. Космик учиш воситаларини яратиш, коинотга парвоз қилиш инсониятнинг азаллий орзуси эди. Ниҳоят космик учиш аппаратлари яратилди, инсон коинотга парвоз қилди ҳам. Космонавтиканинг кейинги ривожланиши шунга олиб келдики, энди у жамиятдаги иқтисодий, сиёсий, ҳатто ҳарбий жараёнларнинг кечишига фаол таъсир кўрсатадиган бўлиб қолди. Шу тариқа лойиҳалар ва чизмаларда бўлган, синалган космик аппаратларнинг ҳақиқатан пайдо бўлиши уни фан, демакки, маданиятга хос бўлган ҳодисадан ижтимоий тараққиётга таъсир кўрсатувчи омилга айлантириб юборди. Бу аввало космик аппаратлар ёрдамида газ, нефть ва бошқа ер ости қазилма бойликларини, денгиз ва океанлардаги балиқ

заҳираларини топиш, ҳисобга олиш, дунёнинг турли чеккаларини космик алоқа ёрдамида бир зумда боғлай олиш имкониятлари тобора кенгайиб бораётганида айниқса яққол кўринади.

Космонавтика тараққиёти ҳарбий қурол-аслаҳалар такомиллашувига ҳам кескин таъсир қилди. Оммавий қирғин қуролларини ҳатто космосга олиб чиқиш имконияти пайдо бўлди. Космосдан фақат тинч мақсадларда ва умуминсоний тараққиёт йўлида фойдаланишнинг долзарб масалага айланишига олиб келди. Шу тариқа муҳим иқтисодий ва ҳарбий омилга айланган космонавтиканинг ривожини халқаро муносабатлар, музокараларнинг муҳим ва доимий объекти бўлиб қолмоқда. Теварак олам сирларини тушунишга интилиш натижасида пайдо бўлган билимлар инсоният ривожланишининг муҳим омилига айланиб кетганини кўрсатувчи бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Маданият нафақат теварак оламини, балки инсонни ўраб турган ижтимоий воқеликни билишга интилиш натижаси ҳамдир. Шу жиҳатдан олганда, маданият ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятнинг ўз-ўзини англашининг ҳосиласидир. Чунки маданиятда кишилар бирликларининг эҳтиёжлари ва манфаатлари, ўзига хосликлари, жаҳон тарихида тутган ўрни, турли ижтимоий системаларга бўлган муносабати ўз ифодасини топади.

Албатта, у ёки бу ҳодиса соф маданият чегарасидан чиқиб, тарихий тараққиётнинг элементига айланиши учун маълум бир шарт-шароит мавжуд бўлиши керак. Яъни, биринчидан, жамиятнинг умумий тафаккур даражаси юзага келган янги билимни қабул қилишга тайёр бўлиши ва, иккинчидан, уни текшириб кўриш, тасдиқлаш ёки инкор этиш имкониятига - зарур воситалар, моддий-молиявий ресурсларга эга бўлиши лозим. Акс ҳолда у тарихий ривожланиш элементига айланмай, маълум бир маърифий ҳодиса сифатида қолиб кетиши мумкин. Буюк бобокалонимиз Берунийнинг "Ғарбий ярим шарда қуруқлик бор" деган фикрлари билан ана шундай бўлди. Жамиятнинг уни қабул қилишга тайёр эмаслиги туфайли ўша пайтда бу ғоя ўзининг ҳақли

баҳосини топмади. Орадан бир неча аср ўтгандан сўнг Фарбий ярим шарда қуруқлик борлиги ҳақиқатан тасдиқланди. Бу инсониятнинг ўзи яшаб турган она-замин тўғрисидаги тасаввурларининг бутунлай ўзгаришига олиб келди. Айни пайтда, Фарбий ярим шарнинг "ўзлаштирилиши", гарчанд зиддиятли кечган бўлсада, уни ягона инсоният тараққиётининг таркибий қисмига айлантирди.

Маданиятнинг билиш функцияси билан ахборот (информатив) функцияси узвий боғлиқ. Маданиятнинг ахборот функциясининг мазмуни тўпланган ижтимоий тажриба, билим, малакани узатишда кўринади. Бу тажриба, билим маълум бир ривоятлар, фан, адабиёт, санъат асарлари орқали янги авлод томонидан қабул қилиб олинади, ўзлаштирилади. Бундай узатиш "вертикаль" - ўтмиш авлодлардан янги авлодларга ва "горизонталь", яъни айни бир тарихий даврда яшовчи кишилардан кишиларга, бир халқдан иккинчи халққа узатиш кўринишида содир бўлади.

Гўдак ҳаётга қадам қўяр экан, аввало ўзини бевосита ўраб турган кишилар - ота-она, ака-опалари ёрдамида тўпланган тажрибани ўзлаштириб боради. Кейинчалик бу доира кенгайиб бориб, унга таълим тизими, фан адабиёт, санъат асарлари келиб қўшилади. Инсон энди улар ёрдамида ўтмишда тўпланган тажрибани ўзлаштира боради. Бу тажриба, билим эса, унга ҳар бир кузатилаётган ҳодисани ўз танасида ҳис қилиш, синаб кўриш, текшириш заруриятини йўққа чиқариб, олдин эришилган натижаларни фаолият дастури сифатида қабул қилишга олиб келади.

Қизиғи шундаки, ушбу фикрларни ўқийдиган ўқувчи ҳам унинг ёрдамида маданият каби мураккаб ижтимоий ҳодиса ҳақидаги ўтмишда бўлган қарашлар билан танишиб, маданиятнинг ривожланиш қонунлари тўғрисида маълум бир тасаввурга эга бўлди. Демак, ушбу китоб ҳам маълум бир маданий-маърифий ҳодиса сифатида маданият фалсафаси илми соҳасида тўпланган тажрибани узатишга хизмат қилди, бошқача айтганда, ахборот функциясини бажарди.

Маданиятнинг ахборот функциясининг мазмуни тўпланган тажрибани "горизонталь" шаклда узатишда янада яққол намоён бўлади. Агар тажрибани узатишнинг бундай шакли

бўлмаганда эди ҳар бир халқ айтайлик, велосипедни, музлатгични ўзича, янгидан яратаверган бўлар эди. Ҳаётда эса бундай эмас. Бир халқ маданиятида эришилган аҳамиятли натижалар бошқа халқлар томонидан тайёр ҳолда қабул қилинади ва миллий-маданий ҳаётнинг таркибий қисмига айлантирилади. Ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти ва демократик ҳуқуқий давлат асосларини шакллантираётган мамлакатлар ўзларининг миллий-тарихий хусусиятлари, халқ турмуш тарзи ва менталитети ҳамда мавжуд ижтимоий-иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бу соҳада катта ютуқларга эришган давлатлар тажрибасини ўрганаётгани, тайёр ҳолда қабул қилаётгани ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Қайд этилган мулоҳазалар маданиятнинг ахборот функцияси муҳим аҳамиятга эгалигини кўрсатади. Зеро, маданиятнинг ахборот функцияси бўлмаганда эди ҳар бир авлод ўз ҳаётини "ноль"дан бошлайверишга мажбур бўлар, инсоният тараққиёти, маданиятларнинг бойиши ҳақида эса гапириш мумкин бўлмаган бўлар эди.

Маданиятнинг ахборот (информатив) функцияси кишилар ўртасида муомала, мулоқот, ўзаро таъсир бўлгандагина юзага чиқади. Бу маданиятнинг ушбу функцияси унинг алоқа (коммуникатив) функцияси билан узвий боғлиқ эканлини кўрсатади. Маданият мулоқот орқали мавжуддир. Айни пайтда, маданият инсон мулоқот соҳасининг кенгайишига хизмат қилади, кишилар ўртасидаги тўғридан-тўғри бевосита мулоқот ўтмиш авлодларига мансуб кишилар, шунингдек, замондошларимиз билан билвосита мулоқот орқали тўлдирилади. Биз Форобий, Беруний, Ибн Сино фалсафий рисолалари, Лутфий ва Навоий ғазалларини, Қодирий ва Чўлпон романларини, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовнинг гўзал шеър ва дostonларини ўқиб, уларнинг дунёқараши, фикрлаш тарзи билан ошно бўламиз, фикран сўзлашамиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, бевосита мулоқот ҳам, билвосита мулоқот ҳам шахс ривожланишига ҳамма вақт ҳам бирдек таъсир кўрсатавермайди. Аксарият ҳолларда мулоқот шахснинг маънавий камолоти учун хизмат қилади. Аммо



у шахс ҳаётида ҳеч қандай из қолдирмаслиги ҳам, муайян ҳолларда эса унинг дунёқараши ва хулқиға салбий таъсир қилиши ҳам мумкин.

Илмий-техника инқилоби асрида оммавий-ахборот ва комуникация воситалари - матбуот, радио, телевидение, интернет таъсирида билвосита мулоқотнинг доираси кенгайиб бормоқда. Демакки, шахс ривожланишида билвосита мулоқотнинг роли ҳам ўсиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, оммавий-ахборот ва комуникация воситалари фаолияти жамият назорати остида бўлмоғи лозим. Бу кенг халқаро муносабатларға киришиб бораётган, демократик ўзгаришларни бошдан кечираётган республикамиз учун айниқса муҳимдир. Чунки маданият байроғи остида Ғарб мамлакатларида чуқур илдиз отган фаҳш, зўравонлик каби ходисаларни тарғиб этувчи санъат, адабиёт, кино асарларининг кириб келишиға асло йўл қўйиб бўлмайди. Шундай экан, И.Каримов таъкидлаганларидек, "ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, "оммавий маданият" ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор". Зеро, миллий маънавиятимизға зид бўлган бундай ҳодисалар асрлар давомида шаклланган қадриятларимиз учун реал таҳдид ҳисобланади.

Маданият, бир томондан, кишилар ўртасидаги бевосита ва билвосита мулоқотни тартибға солса, бошқа томондан, мулоқотнинг ўзи маданий ҳодиса сифатида баҳоланади ва биз бундай ҳолларда "мулоқот маданияти" деган тushунчани ишлатамиз.

Кишилар ўртасидаги мулоқот турли воситалар ёрдамида амалға оширилади. Ҳар бир халқнинг ўз миллий тили бор. Айни пайтда, ҳар бир миллат мулоқотининг ранг-баранглигини, мазмундорлигини таъминлайдиган ўзига хос имо-ишоралар, рақс, мусиқа, хулқ-одоб нормалари тилиға ҳам эга. "Шашмақом", "Муножот", "Тановар"ни тинглаб, халқимиз тарихи, ҳис-туйғулари, кечинмалари, орзу умидларини дилдан ҳис қиламиз, миллий ахлоқ-одоб нормала-

рига қулоқ тутар эканмиз, ундаги нозиклик, инсоний меҳр-муҳаббат, ҳурмат ва улуғворликни қалбдан англаймиз.

Этнослар тарихи ва психологиясини акс эттирувчи миллий тиллар билан бир қаторда ҳамма учун баробар ва тушунарли бўлган, миллатлараро мулоқот ва илм-фан ютуқларининг тез тарқалишида муҳим роль ўйнайдиган интернационал тил - фан тили, унинг тушунчалар ва формулалар тили ҳам бор. XX аср қўлланиш доираси тобора кенгайиб бораётган компьютер "тилларини" ҳам яратди. Интернет ва компьютер технологияларининг кишилар ҳаётидаги ўрни ва роли ўсиб бораётган ҳозирги даврда бу "тиллар" ахборотларнинг узатилиши ҳамда қабул қилинишида катта аҳамият касб этмоқда ва вақт бу жараёнларнинг янада тезлашаётганини кўрсатмоқда.

Маданият нафақат кишилар ўртасидаги мулоқотнинг амалга ошишига, балки кишилар фаолияти ва улар ўртасидаги муносабатларни ҳам тартибга солишга хизмат қилади. Бунда маданиятнинг тартибга солиш (регулятив) функцияси намоён бўлади. Маданиятнинг регулятив функцияси кишиларнинг жамиятдаги шароитларга муваффақиятли кўни-киши учун хизмат қиладиган турли нормаларда айниқса, яққол намоён бўлади. Ахлоқий, эстетик, диний, сиёсий, ҳуқуқий нормалар ана шулар жумласидандир.

Маданиятнинг тартибга солиш вазифаси маросимлар, урф-одатларда ҳам ёрқин кўринади. Албатта, ҳар қандай маданият нормаси кишининг ички эътиқодига айланган тақдирдагина унинг фаолиятини тартибга солувчи омил сифатида чиқа олади. Шунинг учун ҳам, биз кишиларнинг маданият нормаларини қай даражада ўзлаштирганини уларнинг турли шароитларда ўзларини қандай тутишларига қараб билиб оламиз. Демак, кишиларнинг фаолияти, мулоқотини тартибга солиш, турмуш тарзини шакллантириш, ижтимоий муносабатларни маълум нормаларга бўйсундириш маданиятнинг муҳим атрибутив хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Кундалик ҳаётда ҳар хил омиллар таъсирида ўзимиз учун янги бўлган кадриятларга дуч келиб турамиз. Уларга биз ўзимизда шаклланган маданий кадриятлар нуқтаи назари-

дан келиб чиқиб, ижобий ёки салбий, чиройли ёки хунук, адолатли ёки адолатсиз, деб баҳо берамиз. Бизга манзур ёки номанзур бўлган жараён, воқеа-ҳодисаларни, адабиёт, санъат, кино асарларини яхши ёки ёмон ҳодисалар сифатида баҳолаймиз. Бундай пайтда айниқса, баҳоланилаётган ҳодиса ўзга маданиятга тегишли бўлса, ўзимиз мансуб бўлган маданият руҳимизга сингдирган қадриятлар тизими устувор бўлади ва бутун бўй-басти билан ўзлигини намоён қилади.

Шаклланган барқарор қадриятлар тизими, бир томондан, ижобий ҳодисаларни қабул қилиб, маданиятнинг бойишига хизмат қилса, иккинчи томондан, ўзига зид бўлган ҳодисаларнинг улар хоҳ ўтмишда, хоҳ ҳозирги даврда яратилган бўлсин кириб келишига йўл қўймайди, қаршилик кўрсатади. Демак, маданиятнинг аксиологик функцияси туфайли селекция, танланиш содир бўлади, маданиятдаги барқарорлик, ҳар бир даврдаги айнийлик, ўзига хослик, давомийлик, ворислик таъминланади.

Маданиятнинг функциялари ҳақидаги мулоҳазаларга яқун ясаб шуни айтиш мумкинки, уларнинг барчаси маданиятнинг бош ва асосий - инсон яратувчилик функциясининг турли кўринишларидир. Негаки, ҳар қандай маданият жамият манфаатларидан келиб чиқиб, шахснинг маълум типини шакллантириш ва камол топтиришга хизмат қилади.

## **§ 6. Цивилизация: моҳият ва талқинлар**

Цивилизация серқирра, сермазмун илмий билиш объекти ҳисобланади. "Цивилизация" (лотинча - гражданликка оид, гражданлик) тушунчасини шотланд тарихчиси ва файласуфи А.Фергюссон (1723-1816) жаҳон тарихий жараёнининг маълум бир босқичини, француз маърифатпарварлари ақл-идрок ва адолатга асосланган жамиятни ифодалаш учун ишлатган эдилар. Айрим ҳолларда уни маданиятнинг, баъзан фақат моддий маданиятнинг синоними сифатида ишлатиш ҳам мавжудлигини таъкидлаш зарур.

Немис файласуфи О.Шпенглер ушбу тушунчани мада-

ниятнинг ҳалок бўлиш жараёни, босқичини, инглиз социологи ва тарихчиси А.Тойнби эса ўзига хос ва нисбатан ёпиқ бўлган жамиятларни ифодалаш учун ишлатган эди.

Ҳозирда ҳам "цивилизация" тушунчасининг ҳажми ва мазмунини белгилашда турфа хиллик мавжуд. Чунончи, олимлар ушбу тушунчани ижтимоий ривожланишнинг ёввойилик ва варварликдан кейин келадиган босқичини ёки умуман кишилик жамияти тараққиётининг маълум бир даврини характерлаш учун, (масалан, неолит ёки ҳозирги замон цивилизацияси) ишлатишда давом этмоқдалар.

Ушбу тушунчани маълум бир ижтимоий-иқтисодий формация (масалан, қулдорлик цивилизацияси), географик жиҳатдан (масалан, Европа ёки Осиё цивилизацияси) ёки диний мансублигига кўра (масалан, христиан ёки ислом цивилизацияси) фарқланувчи маданий бирликларга нисбатан ишлатиш ҳам кенг тарқалганини таъкидлаш зарур.

Шунингдек, мазкур тушунчани келиб чиқиши ва планетар мансублигига (масалан, Ер цивилизацияси, Ердан ташқаридаги цивилизациялар) ҳамда этник асосга кўра фарқланувчи (масалан, қадимги Миср ёки Ҳинд цивилизацияси) ижтимоий-маданий бирликларни ифодалаш учун қўллаш ҳоллари ҳам мавжуд.

Бугунги кунда "цивилизация" тушунчасини бозор иқтисодиёти, демократиянинг ривожланганлик даражасини характерлаш учун ишлатиш ҳам кенг тарқалиб бормоқда. Рус тилида кўп ишлатиладиган "цивилизированный мир", "цивилизированные страны" сўзлари айнан шундай маънога эгаллиги ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Замонавий ижтимоий фанлар ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб "цивилизация" тушунчасини юқоридаги каби маъноларда ишлатишда давом этмоқда. Уларнинг барчасига тарихий жараёндаги маълум ўзига хосликларни ифодалашдек битта умумийлик хослигини қайд этиш лозим.

Ҳар қандай илмий тушунча аниқ мазмунга эга бўлиб, муайян ижтимоий ҳодиса, жараёни тушунтиришга хиз-

мат қилганда методологик аҳамиятга эга бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, "цивилизация" тушунчасининг юқоридаги талқинларида муайян бир ёқламалик борлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

"Цивилизация" тушунчасини ижтимоий ривожланишнинг ёввойилик ва варварликдан кейин келадиган босқичини ифодалаш учун ишлатиш маълум маънода ўринли. Бундай ҳолатда цивилизация кишилиқ жамияти ривожланишининг ибтидоий ҳолатидан кейинги даврини тўлалигича қамраб олади. Л.Морган фикрича, варварликдан цивилизацияга ўтиш ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиши, товар ишлаб чиқаришнинг юзага келиши, савдо-сотиқнинг пайдо бўлиши ва уни касб қилиб олган савдогарлар қатламининг пайдо бўлиши билан характерланган. Айни пайтда, бу жараён ақлий ва жисмоний меҳнатнинг бир-биридан ажралиши ҳамда сиёсий ҳокимиятнинг қарор топишига олиб келган.

Бундай ёндашувда цивилизация ижтимоий-иқтисодий формацияга нисбатан кенгроқ мазмун касб этади. Жамиятнинг формацияларга бўлиниши цивилизацияга ижтимоий муайянлик, тарихий конкретлилик бағишлайди. Аммо "цивилизация" тушунчасига бундай мазмун берилганда ибтидоий ҳолатдан ўсиб чиққан жамиятлар ўртасидаги фарқлар формациявий тафовутларгагина бориб тақалади. Формация назарияси эса варварликдан кейинги даврда ижтимоий ривожланишнинг хилма-хил кечганини ҳам, бугунги кунда дунё мамлакатлари тараққиётнинг бозор иқтисодиётига, демократик қадриятлар ва инсон ҳуқуқлари устуворлигига асосланган босқичида турган ёки у томон бораётган пайтда улар ўртасида кескин фарқлар мавжудлигини ҳам тушунтириб беролмайди.

"Цивилизация" тушунчаси жамият ривожланишининг ихтиёрий маълум бир босқичини, шунингдек, муайян ижтимоий-иқтисодий формацияни ифодалаш учун ишлатилганда эса мустақил гносеологик мазмунга эга бўлмайди. Масалан, ҳозирги замон цивилизацияси, деб ишлатилганда ривожланишнинг турли босқичларида турган халқлар сунъий тарзда бирлаштирилгани учун бирор-бир илмий

қимматга эга бўлмаса, иккинчи ҳолда "ижтимоий-иқтисодий формация" тушунчасининг синонимига айланиб, ўзининг мустақил мазмунини йўқотади.

"Цивилизация" тушунчасини географик жиҳатдан фарқланувчи бирликларга нисбатан ишлатиш эса умуман ўринли эмас. Масалан, Осиё қитъаси ҳеч қачон муайян ижтимоий-иқтисодий, маданий яхлитликни ташкил этмаган. Ҳозир ҳам Осиёда ривожланишнинг турли даражаларида турган халқлар мавжуд. Албатта, маълум бир географик маконда яшаш ижтимоий-маданий ҳаётда қандайдир ўхшаш, умумий томонларни келтириб чиқариши табиий. Аммо бу ўзининг дини, тили, маданияти, турмуш тарзига кўра бир-биридан фарқланувчи турли халқларни мустақкам бирлик, яхлитлик, деб баҳолаш учун асос бўла олмайди.

Диний мансублигига кўра фарқланувчи кишилар бирлигига нисбатан ишлатилганда ҳам "цивилизация" илмий тушунча сифатида бирор бир қимматга эга бўлмайди. Чунки, биринчидан, ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам на ислом олами, на христиан дунёси мустақкам бир бутунликни, яхлитликни ташкил этмаган. Иккинчидан, юқоридаги динларнинг ҳар бирининг ичида турли оқимлар мавжудки, бу уларнинг монолит бирликни ташкил этмаслигидан далолат беради. Учинчидан, диний мансублик муайян из қолдирсада, лекин ҳеч қачон халқлар ҳаётини тўлалигича белгилаб бермайди.

Таҳлил этилаётган тушунчани "Ер цивилизацияси", "Ердан ташқаридаги цивилизациялар" шаклларида ишлатилишига ҳам юқоридагича муносабат билдириш мумкин. Зеро, "цивилизация" тушунчаси бундай мазмунда ишлатилганда "тарих", "кишилик жамияти" тушунчаларининг синонимига айланиб қолади. Айни пайтда, Ердан ташқаридаги цивилизациялар ва уларга хос хусусиятларнинг номаълумлиги "Ер цивилизацияси" тушунчасини ишлатишнинг ўзини мантиқсиз қилиб қўяди.

"Цивилизация" тушунчаси бозор иқтисодиёти ва демократиянинг ривожланганлик даражасини характерлаш учун ишлатилганда у дунё давлатлари ва халқларини "цивилизациялашган" ва "цивилизациялашмаганлар"га ажратишга

олиб келади, муайян халқлар ва мамлакатларга нисбатан камситувчи характер касб этади. Шундай экан, бундай талқинларга умуман қўшилиб бўлмайди.

"Цивилизация" терминининг мазмуни "ижтимоий-иқтисодий формация" ва "маданият" тушунчалари билан солиштирилганда ойдинлашади.

"Ижтимоий-иқтисодий формация" тушунчаси жамият-ни ўзининг юзага келиш ва ривожланиш тарихига эга бўлган бир бутун ижтимоий организм сифатида қараш имконини беради. У жамиятнинг умумий, ички, асосий, такрорланувчан алоқа ва муносабатларини ёритишга шароит яратади. Формация тарих, жамиятни ҳодисалар даражасида эмас, балки моҳият даражасида акс эттиради. Шунинг учун ҳам, тарихни формациялар даражасида типларга бўлиш тарихий жараёнларнинг реал кечиши билан мос келмаслиги мумкин. Чунки юқорида таъкидланганидек, ижтимоий-иқтисодий формациялар тарихий тараққиётни объектив, зарурий, қонуниятли жараён сифатида қарайди ва турли тасодифий чекинишларни назардан соқит қилиб, унинг ривожланиш мантиқини акс эттиради.

Шундай қилиб, ижтимоий-иқтисодий формациялар назариясидаги муҳим томон, бу ривожланишнинг объектив қонунлари нуқтаи назаридан маълум босқичда турган жамиятга хос бўлган умумий томонни топишдир.

Ижтимоий-иқтисодий формациядан фарқли равишда цивилизация жамиятнинг сифатий ўзига хослигини, умумий ижтимоий қонуниятларнинг у ёки бу мамлакат доирасида амал қиладиган, ишлаб чиқариш кучлари (технология), инсон фаолияти, маданияти томонидан белгиланган спецификасини ифодалайди. Ҳар қандай цивилизация такрорланмас маданияти, қадриятлари, дунёқараш, ахлоқ-одоб нормалари ҳамда ҳаётий тамойилларига эга бўлади. Буларнинг барчаси цивилизацияни яхлит бирлик сифатида мавжуд бўлиши учун имконият яратади. Бу сифатий хусусиятлардан маҳрум бўлиш цивилизацияни ҳалокатга олиб келади.

Қайд этилган мулоҳазалар "цивилизация" тушунчаси муайян халқ, мамлакат (жамият)га ёки унинг ривожлани-

шининг сифатий жиҳатдан фарқланувчи айрим босқичларига нисбатан ишлатилгандагина аниқ илмий мазмунга ва, демакки, методологик аҳамиятга эга бўлишини кўрсатади. Айнан этник бирликлар, мамлакатлар даражасида унинг ўзига хослиги, асосий сифатий белгилари ўзини яққол намоён этади.

Цивилизациянинг моҳиятини белгилашда маданиятнинг ўрни ва роли беқиёсдир. Зеро, ишлаб чиқариш цивилизациянинг моддий асосини ташкил этса, маданият ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади, унинг қиёфасини, ўзига хос рангини белгилаб беради. Ҳатто ишлаб чиқариш кучларига ҳам ўзига хос характерлилик, аҳамиятлилик беради. Бу билан маданият ижтимоий ҳаётнинг ташкиллашувини, яъни цивилизациянинг шаклланиши, мавжуд бўлиши ва ривожланишини белгилаб берувчи ўзига хос негиз, ўқ вазифасини ўтайди. Демак, цивилизация маданиятнинг конкрет намоён бўлишини, унинг реал мавжуд ҳаётини акс эттиради.



## 2-БОБ. МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ СТРУКТУРАСИ

### § 1. Ахлоқий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари

Маънавий маданият ўз моҳиятига кўра маънавий ишлаб чиқариш, ижтимоий онг шаклларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган фаолиятнинг барча соҳаларини қамраб олади. Ҳар хил тасаввурлар ва ғоялар, таълимотлар, илмий билимлар, санъат асарлари ва ахлоқий нормалар каби маънавий маданиятнинг турли шакллари ана шундай фаолият натижасидир. Улар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки тараққиётнинг маълум бир босқичида турган ва ўзаро маълум бир муносабатларга киришган кишилар томонидан яратилади. Демак, маънавий маданият маънавий фаолият натижаси сифатида чиқаётган ҳодисаларнигина эмас, балки уларни яратиш жараёнида кишилар ўртасида юзага келадиган муносабатларни ҳам ифодалайди.

Ахлоқ инсон маънавиятининг энг қадимий элементларидан биридир. Ахлоқ, ахлоқий нормаларнинг пайдо бўлиши, аста-секин шаклланиб, тараққий қилиши инсонда инсонийликнинг шаклланиши учун замин яратди. Алоҳида олинган киши фаолиятини, жамоа, жамият манфаатларини тан олишга, унга бўйсундиришга бўлган ижтимоий эҳтиёж туфайли вужудга келган ахлоқ ижтимоий муносабатларда нисбий барқарорликни таъминлашга хизмат қилди. Ҳозирда ҳам мавжуд ахлоқий нормаларнинг ўзлаштирилиши инсон ижтимоийлашувининг муҳим белгиси ҳисобланади.

Ахлоқий маданият маънавий маданиятнинг бошқа шакллари каби мураккаб тузилишга эга. У ўз ичига ахлоқий қоидалар, тамойиллар, қадриятлар ҳақидаги тасаввурларни, яъни ахлоқий онгни, уларни рўёбга чиқариш, сингдириш, ҳимоя қилиш билан боғлиқ фаолият ва муносабатларни қамраб олади. Содда қилиб айтганда, ахлоқий маданият деганда, мавжуд ахлоқий меъёрларни ўзлаштириш ва риоя қилиш даражаси тушунилади.

Ахлоқий фаолият ахлоқий билимларни эгаллаш, риоя этиш, ҳимоя қилиш, сингдириш каби жараёнларни қамраб олади. Ахлоқий фаолиятда ахлоқий онг намоён бўлади.

Сўз ва хатти-ҳаракатлар бирлигида ахлоқий маданият ўзини ёрқин намоен қилади. Инсон сўзда бир нарсани қайд этиб, амалиётда ўзи унга риоя қилмаслиги, хушмуомалалик, тавозе ортида ғаразли манфаатлар ётишидек ҳолатлар ахлоқий маданиятда мазмун ва шакл бирлиги, улар ўртасидаги уйғунлик алоҳида аҳамият касб этишини кўрсатади.

Ахлоқий муносабатлар ахлоқий фаолият жараёнида кишилар ўртасида таркиб топадиган ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликни ифодалайди. Бунда, инсоннинг жамиятга, бошқа кишиларга ва ўз-ўзига муносабати унинг ахлоқининг индикатори сифатида чиқади.

Ахлоқий маданият меъёрийликнинг кучлилиги билан ажралиб туришини ва шу маънода ҳуқуққа яқин туришини алоҳида қайд этиш лозим. Шундай бўлса-да, уларнинг орасида жиддий фарқ ҳам мавжуд. Хусусан, ҳуқуқий тартибга солишнинг чегараси, ахлоқий тартибга солиш доирасидан торроқ эканини таъкидлаш зарур. Чунки ахлоқ ҳуқуқдан фарқли равишда ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос соҳаларига ҳам кириб бора олади.

Айни пайтда, ҳуқуқ бўйсинишга, маълум даражада зўрликка асослангани учун махсус аппарат - давлат кучига, ахлоқ эса одатда ички эътиқодга, ижтимоий фикрга таянади.

Ҳуқуқий нормалар ижтимоий муносабатларни тартибга солиб туриш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ўзгариб, такомиллашиб боради. Шу маънода у ўзгарувчан бўлса, ахлоқ нисбатан консерватив бўлиб, секин ўзгаришини алоҳида қайд этиш лозим.

Ҳуқуқий нормалар мақсадга мувофиқ, онгли тарзда яратилгани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат ҳисобланади. Ахлоқий қоидаларни эса декрет билан жорий қилиб ҳам, йўқ қилиб ҳам бўлмайди. Бу ахлоқий нормалар, қоидалар ҳаётий жараёнларни умумлаштириш асосида, стихияли тарзда шаклланишини кўрсатади.

Ҳуқуқ билан ахлоқ ўртасида қайд этилган фарқли жиҳатлар билан бир қаторда муайян ўхшашликлар ҳам мавжуд. Бу айрим хатти-ҳаракатларнинг ҳам ҳуқуқ, ҳам ахлоқ томонидан бирдай қораланишида айниқса яққол кўринади.

Жамиятнинг ахлоқий маданияти устувор ахлоқий қарашлар, фаолият ва муносабатлар тизимининг яхлит ифодаси, шахс ахлоқий маданияти ана шу тизимнинг индивидуаллашган шакли сифатида намоён бўлади. Жамият ахлоқий маданиятининг шахслар, индивидлар ахлоқий маданияти орқали мавжудлиги уларнинг ўзаро бир-бирини тақозо этишини кўрсатади.

Шахс ахлоқий маданиятининг шаклланишида касб-кори, у яшаётган миллий-маданий ва диний муҳит, турмуш тарзи, тортилган муносабатларнинг характери ҳам муҳим роль ўйнайди. Улар, айти пайтда, шахс ахлоқий маданияти намоён бўладиган ўзига хос майдон ҳам ҳисобланади.

Шахс ахлоқий маданияти шаклланишида тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган тарбиянинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Бунда ҳар бир инсонга индивидул тарзда ёндашиш ҳамда ахлоқий маданиятни камол топтиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланган ўз-ўзини тарбиялашга алоҳида эътибор талаб қилинади. Зеро, ўзига талабчан бўлиш, қарашлари ва фаолиятини танқидий кўз билан қараш каби унсурларни ўз ичига оладиган ўз-ўзини тарбиялаш мавжуд ахлоқий нормаларни шахсий эътиқодга айлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ахлоқ ҳамиша конкрет-тарихий мазмунга эга бўлади. Бу соҳиби - субъектига кўра фарқланувчи шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият ахлоқий маданиятига ҳам бирдек дахлдордир. Шу маънода, ҳар бир даврнинг ўз ахлоқи бор, дейиш мумкин. Зеро, ўзгариб бораётган ижтимоий муносабатлар унга мос бўлган ахлоқ нормаларини талаб қилади. Шунинг учун ҳам, бир ахлоқий кадриятлар тизимида табиий ҳисобланган ҳодисалар бошқа бир ахлоқий муносабатлар доирасида ноўрин, ғайритабиий ҳисобланиши, ҳаттоки, ёввойилик, деб баҳоланиши ҳам мумкин. Аммо бу барча даврларда ҳам ахлоқсизлик деб баҳоланган ҳодисалар, хатти-ҳаракатлар мавжудлигини инкор этмайди. Шахс шаънига тажовуз қилиш, ҳақоратомуз муносабатда бўлиш ҳамма даврларда ҳам ахлоқсизлик сифатида баҳоланган ва ижтимоий фикр томонидан қаттиқ қоралангани ҳам фикр

римизнинг исботи бўла олади. Моҳиятан олганда эса, ахлоқнинг ҳар қандай кўриниши умуминсоний ахлоқнинг намоён бўлиш шакллари дир. Умуминсоний ахлоқий қадриятларга мўлжал олишгина кишиларни бирликка етаклайди, уларни умуминсоний тараққиёт йўлидан ажралиб қолишдан сақлайди.

## **§ 2. Дин - маънавий маданиятнинг муҳим элементи**

Инсон маънавий маданиятининг энг қадимий элементларидан бўлган дин (арабча - ишонч, ишонмоқ) одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган таянч нуқталаридан биридир. Дин олам ва одамнинг моҳияти, келиб чиқиши, ривожланиши ва истиқболини англашга интилиш натижаси, инсонни муайян билимлар, қадриятлар, ҳаётий мўлжаллар билан қуроллантиришнинг алоҳида, ўзига хос усулидир.

Бу диннинг инсон ҳаётида беқиёс аҳамиятга эгалигини кўрсатади. Зеро, И.Каримов таъкидлаганларидек, дин, биринчидан, умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олиб, уларни ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган; иккинчидан, одамларнинг баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган; учинчидан, одамларда ишонч ҳиссини мустақкамлаган ҳамда ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган; тўртинчидан, умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишга ёрдам берган ва шу йўл билан маданият ривожига катта таъсир кўрсатган.

Тарих диний тасаввурлар турли нарсалар, предметлар, жонзотларга сиғинишдан, муайян соҳаларни бошқарувчи, улар учун "масъул" бўлган, ҳамма нарсани кўра билувчи хилма-хил худолардан (политеизм) ягона ва ҳамма нарсага қодир, шериги бўлмаган ягона худо (монотеизм) гача бўлган босқичлардан иборат узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтганини кўрсатади.

Бугунги кунда миллий ҳаётни диндан ташқарида тасаввур қилиш ниҳоятда қийин. Бу диннинг кишилар турму-

шининг турли соҳаларига кириб борганида, маданияти, урф-одатлари, анъаналарига сингиб кетганида кўринади. Бундай уйғунлашув шунчалик кучлики, баъзан қайси қадриятлар диний, қайси миллий эканини ажратиш олиш ниҳоятда мушкул.

Диннинг миллат ҳаётидаги ўрни ҳақида гап кетар экан, миллий маданиятнинг диний адабиёт, санъат асарлари, деб аталадиган маданият дурдоналари, турли йўналишдаги диний-фалсафий таълимотлардан иборат махсус қатлами ҳам шаклланиганини таъкидлаш зарур. Бу қатламсиз миллий маданиятнинг бир бутунлигини тасаввур қилиш ниҳоятда қийин, амалий жиҳатдан мумкин эмас.

Маълумки, узоқ вақт давомида маданиятимизнинг ана шу қатламини ўрганиш ман қилинган эди. Истиқлол туфайлигина динга, диний меросимизга муносабат ўзгарди. Давлатимиз бу соҳада ўзининг илмий асосланган сиёсатини ишлаб чиқди ва собитқадамлик билан ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Республикамиз Президенти И.Каримов таъкидлаганларидек "Биз ота-боболаримизнинг муқаддас дини бўлган ислом динини қадрлаймиз, ҳурмат қиламиз, одамзот руҳий дунёсида иймон - эътиқодни, инсоний фазилатларни мустаҳкамлашда унинг ўрни ва таъсирини юксак баҳолаймиз". Президентимизнинг ушбу сўзларида халқимизнинг ўзлигига, тарихига, динига бўлган муносабати ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Мустақиллик йилларида динга бўлган ижобий муносабат эътиқод эркинлиги, давлат билан диннинг ўзаро муносабати масалалари мутлақо янги ҳуқуқий асосга қўйилганида яққол кўринади. Бунинг натижасида Рўза ва Курбон ҳайитлари дам олиш кунлари, деб эълон қилинди, масжиду мадрасалар диний ташкилотларга қайтариб берилди, таъмирга муҳтожлари эса реставрация қилинди ва қилинмоқда. Бир сўз билан айтганда, бундай иншоотлар ўз вазифасини бажармоқда.

ЮНЕСКОнинг "Дунё хотираси" рўйхатига кирган, ҳазрати Усмон даврида кўчирилган нодир Мусҳафи шариф, Абул Қосим Замахшарийнинг "Кашшоф" тафсири, Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Тошкент ислом

университети, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхоналарида сақланаётган бошқа беназир қўлёзмалар нафақат халқимиз, балки бутун мусулмон дунёси ва инсониятнинг бебаҳо мулки ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Куръони карим тўрт марта ўзбек тилида чоп этилганини (1992, 2001, 2004, 2007 йиллар), ҳадис тўпламларининг таржимаси, ислом маданияти, хусусан, тафсир, ҳадис, фикҳ, тасаввуф, калом илмлари ривожига беназир ҳисса қўшган алломаларимизнинг юзлаб китоблари халққа етказилганини фахр билан қайд этиш лозим. Бугунги кунда Бурҳониддин Марғинонийнинг "Ҳидоя", Имом Термизийнинг "Сунан", Маҳмуд Замахшарийнинг "Муқаддаматул - адаб" каби асарлари халқимиз маънавий дунёсининг узвий қисмига айланганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Буюк мутафаккир аждодларимиз - Имом Бухорийнинг 1225 (1998 йил), Имом Термизийнинг 1200 (1990 йил), Имом Мотуридийнинг 1130 (2000 йил), Маҳмуд Замахшарийнинг 920 (1995 йил), Абдухолиқ Фиждувонийнинг 900 (2003 йил), Нажмиддин Кубронинг 850 (1995 йил), Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 (1993 йил), Ҳожа Аҳрор Валийнинг 590 (1994 йил) йиллик юбилейлари кенг миқёсда нишонланганини ҳам маданиятимизнинг бетакрор диний - маърифий қатламини ўрганиш орқали унинг бир бутунлигини тиклаш йўлидаги ишлар сирасига киритиш мумкин.

Мамлакатимизда исломий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, аллома ва азиз авлиёларнинг муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида ҳам беназир ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Хусусан, Самарқанддаги Имом Бухорий, Имом Мотуридий зиёратгоҳлари, Шоҳи Зинда мажмуаси, Бухородаги Абдухолиқ Фиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Фарғонадаги Бурҳониддин Марғиноний ёдгорликлари, Сурхондарёдаги Ҳаким Термизий ва Имом Термизий, Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуаси сингари ўнлаб қадамжоларни обод этиш бўйича бажарилган бунёдкорлик ишлари фикримизнинг исботи бўла олади. Диний-маърифий меросимизни ўрганиш, келажак авлодларга етказиш, аҳолини исломнинг асл моҳияти ҳақидаги билим даражасини ошириш ва замо-

навий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 2000 дан ортиқ масжид, 9 та ўрта-махсус ислом билим юрти ва Тошкент ислом институти фаолият кўрсатмоқда. Ҳукумат қарори билан бу таълим муассасаларининг битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим ҳужжати сифатида эътироф этилди. Шундай ҳужжат (диплом)ларга эга бўлган шахсларга давлат олий таълим тизимида ўқишни давом эттириш ҳуқуқи берилди. Яқин ўтмишда битирувчиларнинг бундай мақоми у ёқда турсин, диний таълим муассасаларининг ташкил этилиши ва эмин-эркин фаолият кўрсатиши ҳақида тасаввур қилишнинг ўзи мумкин эмас эди.

Мустақиллик шарофати туфайли Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тошкент ислом университети ташкил этилди. Ушбу университет мамлакатимизда шундай юксак мақомга эга ягона олийгоҳ экани ҳам юртимизда ислом динига бўлган эътиборнинг намунаси ҳисобланади. Ислום Конференцияси Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган тузилмаси (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрига Ислום маданияти пойтахти деган юксак ном берилди. Бу бутун Ўзбекистон халқи учун улкан тарихий ва маданий-маърифий воқеа бўлди. Бундай мақомнинг берилишида мамлакатимизнинг умумий, хусусан, ислом дини билан боғлиқ тарихи, ислом цивилизацияси ва маданиятига қўшган ҳиссаси, халқ ҳаётида ислом динига хос қоида ва арконлар, анъана ва қадриятларнинг ўрни, ажодларимиз қолдирган илмий-маънавий мерос инобатга олинди. Айни пайтда, бу қарор бугунги кунда ана шу ноёб ва мўътабар меросни асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш, кенг омма, жумладан, жаҳон жамоатчилигига етказиш бўйича қилинаётган ишларнинг эътирофи ҳам бўлди.

Шундай бўлишига қарамай эътиқод эркинлигини ўз билганича тушунадиган, диндан ўзининг ғаразли сиёсий мақсадларида фойдаланишга уринаётган кимсалар, кучлар ҳам мавжудлигини ёддан чиқармаслик керак.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Президентимиз таъкид-

лаганларидек, "...муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда".

Диний бағрикенглик, яъни турли динга эътиқод қилувчиларнинг бир-бирини тушуниши ва ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлиши, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда, халқимизга хос бўлган бағрикенгликнинг илдизлари узоқ мозийга бориб боғланишини таъкидлаш зарур. Тарихан Марказий Осиё турли маданиятларнинг ўзаро тўқнашуви, таъсири ва бойишига имконият яратган. Шарқни Ғарб билан бирлаштириб турган Буюк ипак йўлининг Марказий Осиёдан ўтгани бунинг учун қулай шароит яратган, албатта.

Маданий алоқалар, ўзаро таъсирлашув интенсив тарзда айниқса, Хитой, Ҳиндистон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Кичик Осиё, Ўрта ер денгизи минтақаси билан амалга оширилган. Антик давр олимлари асарларида минтақамиз, жумладан, бизнинг аجدодларимиз, тарихи, тили, маданияти, урф-одатлари ҳақида кўп ёзилгани ҳам қадим ўтмишда Марказий Осиё нафақат Шарқ, балки Ғарб билан ҳам чуқур алоқалар ўрнатганидан, хилма-хил динлар ўзаро тинч-тотув ва ҳамкорликда яшаган марказ бўлиб келганидан далолат беради. Бугунги маънавий уйғонишимизнинг манбаи бўлиб хизмат қилаётган ўзбекона бағрикенглик, халқимизга хос этник, маданий ва диний сабр бардошлиликнинг илдизлари ана шу даврларга бориб тақалади.

Бағрикенглик, сабр-бардошлилик маданиятимизнинг беназир намуналарини сақлаб қолиш, асрлар синовидан олиб ўтиш, камол топтириш ҳамда ўзга маданиятларнинг аҳамиятли натижалари билан бойитишга шароит яратди. Ўз навбатида бундай муносабат халқимизга хос бўлган хулқ-одоб нормалари, маънавий қадриятларнинг қўшни халқлар томонидан қабул қилинишига йўл очгани ҳам тарихий ҳақиқатдир. Хусусан, қадимдан диёримизда буддавийлик, зардуштийлик, насронийлик, яҳудийлик, ислом динлари



ёнма-ён яшаб келган, масжид, черков, синагогалар фаолият кўрсатган. Уларда турли динга мансуб бўлган халқлар, қавмлар ўз диний амалларини эмин-эркин адо этган. Ватанимиз тарихида диний асосда можаролар бўлган эмас. Бу - юртимиз халқларининг диний бағрикенглик борасида катта тажрибага эга бўлганидан далолат беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда 16 конфессияга мансуб диний ташкилот фаолият кўрсатаётгани, уларнинг ўз диний маросимларини ўтказиш, қадриятларини эъозлаш учун зарур барча шарт-шароитлар яратилгани эса ана шу анъаналар бардавомлигини кўрсатади. Дунёнинг турли бурчакларида айрича динга эътиқод қилувчилар ўртасида низолар, қонли тўқнашувлар келиб чиқаётган бир пайтда бу ниҳоятда муҳимдир.

Шундай бўлса-да, замонавий воқелик динга, диндорларнинг ҳис-туйғуларига чуқур ҳурмат, айна пайтда, сохта диндорлар, турли диний-мафкуравий таълимотлар, йўналишларнинг ғаразли мақсадларига қарши мунтазам ва изчил кураш дин ва диний муносабатлар соҳасида олиб бораётган ишларимизнинг ўзагини ташкил этмоғи лозимлигини кўрсатмоқда. Шундагина, эл-юрт тинчлиги, ижтимоий тараққиёт таъминланади, дин маънавиятимиз юксалишига, кишиларимиз онгида ўзаро ёрдам, ҳамкорлик ва ҳамжихатлик руҳи устуворлигини таъминлаш, мулк хилма-хиллиги, моддий фаровонликка интилиш шароитида поклик, диёнатлилик, ўзгалар ҳақида хиёнат қилмаслик каби фазилатларнинг турмуш ва тафаккур тарзининг узвий қисмига айлантиришга хизмат қилади.

### § 3. Эстетик маданиятнинг моҳияти

Эстетик маданият ахлоқий маданият каби узоқ тарихий илдизларга эга бўлган маънавий маданият шакли ҳисобланади. Инсоннинг теварак-оламни ва ўз-ўзини англаш, ўзгартиришга интилишининг ўзига хос инъикоси бўлган эстетик маданиятда маданий мерос, замонавий тажриба ва истиқбол ҳақидаги тасаввурлар уйғун тарзда намоён бўлади.

Шахс, ижтимоий гуруҳлар ва жамият эстетик мадания-

ти табиий ва ижтимоий шарт-шароитларнинг таъсирида ҳар бир даврда конкрет мазмун ва муайян ўзига хосликлар касб этиб келган. Жумладан, алоҳида олинган шахс, ижтимоий гуруҳлар эстетик маданиятидан фарқли равишда жамиятнинг эстетик маданияти санъат, унинг турли шакллари, эстетик тарбия назарияси ва амалиётининг ривожланганлик даражаси, шу соҳада фаолият олиб борадиган ижтимоий институтларнинг фаоллиги билан ҳам характерланишини таъкидлаш зарур. Шахс ва ижтимоий гуруҳлар эстетик маданияти эса мос равишда инсоннинг ижтимоий, социал гуруҳларнинг тарихий тажрибаси билан узвий боғлиқ бўлади. Зеро, эстетик дунёқараш, воқеликка аксиологик муносабат, мутаносиблик ва мукамаллик тўғрисидаги тасаввурлар ҳамда шундан келиб чиқиб олиб бориладиган амалий фаолият, бир томондан, мавжуд тарбиянинг моҳиятига, иккинчи томондан, тўпланган ижтимоий ва тарихий тажрибанинг мазмунига боғлиқ бўлади.

Эстетик маданиятнинг асосини ташкил этадиган, эстетик ҳис, қарашлар, дид, мақсад, идеал ва назарияларни ўзида мужассам этган эстетик онг ўзига хос маънавий-руҳий воқелик ҳисобланади. У олдинги авлодлар томонидан шакллантирилган, жамият ҳаётида муҳим регулятив функцияни бажараётган эстетик кадриятларга таянган, уларни ўзлаштирган ҳолда шаклланади ва ривож топади. Айни пайтда, у ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга мос равишда доимий янгилашиб, такомиллашиб боради.

Узвийлик, ички боғлиқлик ва ўзаро тақозоланганлик мавжуд бўлса-да, ўз мазмунига кўра жуда кенг ва бой бўлган жамият эстетик онги ҳаётнинг барча томонларини, шахс эстетик онги унинг маънавий дунёсининг бир қисмини қамраб олиши билан ажралиб туришини алоҳида қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, жамият ва шахс эстетик онги ўртасида кучли ўзаро таъсир мавжудлигини ҳам таъкидлаш зарур. Жумладан, жамият эстетик онги алоҳида одам эстетик онгига кучли таъсир кўрсатувчи, унинг ривожланиш йўналишини муайян даражада белгилаб берувчи омил, илгарилаб кетиш хусусиятига эга шахс эстетик онги эса жамият эсте-

тик онги янгиликни, юксалишининг манбаи сифатида намоён бўлади.

Эстетик онг элементларининг ахлоқий маъно-мазмун билан йўғрилган бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, шундагина у ўзининг юксак таъсир кучига, улкан йўналтирувчилик ва уюштирувчилик қудратига эга бўлади.

Эстетик маданият фаолиятда ўзини намоён этади. Бошқача айтганда, фаолият эстетик маданиятнинг муҳим элементи ҳисобланади. У инсон ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб оладиган эстетик эҳтиёжларнинг инъикоси ҳисобланади. Бу эҳтиёжлар эстетик қадриятларни англаш, баҳолаш, мукамаллаштириш ва мутаносибликка интилишнинг инъикоси ҳисобланади. Шу маънода, маънавий ва моддий жиҳатларнинг бирлиги сифатида чиқадиган фаолият жараёнида унинг субъектлари томонидан, биринчидан, эстетик қадриятларни ўзлаштириш, иккинчидан, уларни ўз тасаввурлари ва идеалларига мувофиқ қайта ишлаш, такомиллаштириш, учинчидан, ижтимоий аҳамиятга эга бойликларни яратиш содир бўлади.

Қайд этилган мулоҳазалар эстетик фаолиятнинг, бир томондан, эстетик қарашлар, кечинма, дид ва идеаллар каби эстетик онг ҳодисаларини ифодалайдиган назарий, иккинчи томондан, уларнинг турли предметлар, санъат асарларида гавдалантирилишини қамраб оладиган предметли-амалий даражасини фарқлаш имконини беради.

Турли кўринишларда чиқадиган, табиий ва ижтимоий воқелик ҳамда ўз-ўзини мақсадга мувофиқ ўзгартириш, қайта яратиш ва мукамаллаштиришга қаратилган эстетик фаолият ҳар бир даврда конкрет тарихий мазмунга эга бўлади. Бугунги кунда хилма-хил шаклларда намоён бўлаётган дизайн, халқ амалий санъати, кўча ва майдонларни жиҳозлаш каби бадиий-амалий фаолият турларининг кенг тармоқ отиб, янги мазмун касб этаётгани ҳам шундай ҳулоса чиқариш имконини беради. Хулқ, турмуш тарзида гўзалликни тарбиялашга йўналтирилган эстетик фаолият ҳам янги шаклу шамойил ва моҳиятга эга бўлиб, мукамаллашиб бораётганини қайд этиш лозим.

Фаолият жараёнида субъектнинг объектга муносабати

ўзлигини намоён этади. Бунда тарихан шаклланган, эстетик муносабат субъектлари томонидан эътироф этилган мезонлар ўзига хос белгиловчи омил сифатида чиқади.

Эстетик муносабат субъект ва объект алоқаларининг ўзига хослигига асослангани, ҳиссий ва рационал томонларнинг бирлиги сифатида чиққани учун ҳам инсоннинг воқеликка биологик, гносеологик ва ижтимоий-практик муносабатларига ҳам ўзига хос ранг бағишлайди. Бунда ўз моҳиятига кўра эстетик идрок объектларидаги қисмлар, шакл ва мазмун, функционалликдаги мутаносиблик ва уйғунликка муносабат гавдаланади.

Эстетик маданият тизимида хилма-хил қирраларга эга эстетик воқеликни яратиш орқали инсонни тарбиялашга хизмат қиладиган, кишилар фаолиятига кучли таъсир ўтказадиган санъатнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш зарур. Бу ўрин унинг гўзал хосса, хусусият, хислат ва фазилатларни, хунук ҳодисалар ва ижтимоий иллатларни бадийий тимсолларда ёритиш йўли билан инсоннинг ҳис-туйғулари ва тафаккурини уйғота олишдек хусусияти билан белгиланади.

Тарихан ўзгарувчан ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилиб келган санъат ҳамиша турли - ижтимоий турмуш, фалсафий, диний, сиёсий қарашлар, ахлоқий қоидалар каби омиллар таъсири остида ривожланиб келган. Уларнинг ичида мафкура ўзига хос аҳамиятга эга. Бу эстетик меросдан фойдаланиш, дунёнинг турли нуқталарида юзага келаётган, яратилаётган ҳодисаларни ўзлаштириш жараёнида айниқса яққол кўринади. Чунки айнан устувор ғоявий-мафкуравий қарашлар нималар ва қандай ўзлаштирилишини, нималар қандай асосларга кўра рад этилишини белгилаб беради.

Санъатнинг мафкуравий омиллар, ғоявий мақсад муддаолар билан қўшилиб, уйғунлашиб кетиши унга ўзига хос мафкуравий қиймат бағишлайди. Бундай қиймат санъатга таъсир ўтказётган мафкуранинг мазмун-моҳиятига боғлиқ бўлади.

Мустақиллик шарофати туфайли бугунги кунда шахс ва жамият эстетик маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, инсоннинг ҳис-

туйғулари ва тасаввурлари, дид ва идеаллари, хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атвориға таъсир ўтказиш орқали ижодий фаол, эзгу хислат-фазилатлари, бунёдкорлик ва яратувчилик қобилияти юксак, ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришға хизмат қиладиган эстетик тарбияни амалга ошириш, шахсий ташаббускорлик, ижодий ғояларни рўёбга чиқариш учун етарли институционал, моддий-молиявий ва ташкилий асослар яратилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Айни пайтда, ҳозирги даврда жамият эстетик маданиятининг ўзагини ташкил этадиган санъатнинг янги соҳалари жадал ривожланиб бораётганини, мафкуравий тўсиқ ва тазйиқлардан холи бўлган ҳолда ижод қилиш имконияти пайдо бўлганини, натижада жаҳон санъат майдонида ўз ўрнига эга миллий ижод намуналари яратилаётганини фахр ва ифтихор билан қайд этиш лозим.

#### **§ 4. Экологик маданиятнинг маънавий маданият тизимидаги ўрни**

Бугунги кунда экологик маданиятнинг маънавий маданият тизимидаги ўрни шунчалик беқиёски, уни ривожлантирмай туриб инсониятнинг эртанги кунини тасаввур қилиш ниҳоятда қийин, амалий жиҳатдан мумкин эмас.

Инсоният тарихини маълум маънода инсон ва табиат муносабатининг ўзгариб, ривожланиб, янги шакл ва мазмун касб этиб бориши тарихидир, дейиш мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, инсон ва табиат муносабати бугунги кунда тор доирадан чиқиб глобал характер касб этмоқда. Жамият тараққиётининг илк даврларида кишилар тақдири табиат неъматларини ўз вақтида топиш ва ўзлаштиришға боғлиқ бўлган бўлса, бугунги кунда у истаган пайтда ўзлаштира оладиган неъматлардан қанчалик оқилона фойдалана олишиға боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу ҳозирги даврда инсон тақдирининг табиатға боғлиқлиги масаласи мутлақо янгича мазмун ва шаклда намоён бўлаётганини кўрсатади.

Экологик маданият ҳам маданиятнинг бошқа шакллари каби ҳамиша маънавий ва моддий томонларнинг бирлиги

сифатида чиқади. Унинг маънавий шакли инсоннинг табиат ҳақидаги билим ва тасаввурлари, табиат қонуниятларини идрок этишга асосланган кўникма ва малакаси каби кўринишларда намоён бўлса, моддий шакли табиатнинг инсон фаолияти доирасига тортилган, унинг таъсирига учраган, илмий адабиётларда "сунъий табиий муҳит" деб аталадиган ҳодисаларни қамраб олади.

Қайд этилган ҳолатлар экологик маданиятнинг моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятларини турли томонлардан тадқиқ этиш зарурлигини кўрсатади. Хусусан, инсон биоиҷтимоий мавжудот сифатида нафақат жамият, балки табиатнинг ҳам бир бўлагидир. Демак, инсон табиат билан ўзининг биологик ва иҷтимоий эҳтиёжларини қондириш йўлида муносабатга киришади, уни ўзлаштиради. Бундан экологик маданият инсоннинг табиатни ўзлаштириш ва ўзгартириш йўлидаги онгли фаолияти ва унинг натижасидир, деган хулоса келиб чиқади.

Инсоннинг табиатга муносабати барча даврларда мақсадга мувофиқ, онгли фаолият сифатида намоён бўлса-да, унинг даражаси ҳар бир даврда ўзига хос мазмун касб этади. Бу экологик маданиятни ана шу онглилик даражасини характерловчи ҳодиса сифатида тавсифлаш имконини беради.

Айни пайтда, экологик маданият "инсон-табиат" муносабатлари билан боғлиқ билимлар, қадриятлар, идеалларни ишлаб чиқиш, кишилар онгига сингдириш билан боғлиқ жараёнларни ҳам қамраб оладик, бу унинг ана шу муносабатларнинг сифатий даражасини ифодалашини ҳам кўрсатади.

Инсон фаолияти бугунги кунда тобора кенг қамровли бўлиб бормоқда. Шундай вазиятда теварак-оламга оқилона муносабат нафақат табиатни, балки инсоннинг ўзини-ўзи асрашининг зарурий шарти бўлиб қолмоқда. Шу маънода экологик маданият инсоннинг ўзини биосферанинг таркибий қисми сифатида англашининг даражаси, ноосферани шакллантиришнинг асоси ҳисобланади.

Экологик маданият тизимида табиат қонунларини билиш, табиий ресурслардан фойдаланиш шу жумладан, си-

ёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик онгнинг табиат билан боғлиқ соҳаларига алоқадор билимлар ва уларнинг асосида шакллланган қадриятлар муҳим ўринни эгаллайди.

Экологик маданият атроф-муҳитни сақлаш ва қайта тиклаш, табиат ресурсларини тақсимлаш ва уларни истёмоқ қилиш ҳамда табиатга зарар келтирадиган хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш билан боғлиқ амалий фаолиятни, бу борада юзага келадиган муносабатларни ҳам қамраб олади.

Экологик маданиятни тарбиялашда мақоллар, ахлоқий нормаларда ўз ифодасини топган халқ фалсафасининг аҳамияти беқиёсдир. Бунда хусусан, асрлар давомида шакллланган экомаданий анъаналарнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Бундай анъаналар бевосита табиат фасллари ва меҳнат мавсуми билан боғлиқ урф-одатлар, маросимлар, анъаналар ва турли халқ байрамларини қамраб олади. Жумладан, халқимизнинг "Наврўз", "Гул сайли", "Ҳосил байрами", "Меҳржон" каби байрамларида бундай анъаналар ўзининг ёрқин ифодасини топганини алоҳида қайд этиш лозим.

У.Қорабоев таъкидича, табиат ва йил даврлари билан боғлиқ афсоналар, ривоятлар, кўшиқлар, рақслар, ўйинлар каби ҳодисаларни қамраб оладиган экофольклор намуналари ҳамда гўзаллик қонуниятларидан келиб чиқиб, атроф-воқеликни ўзгартиришга йўналтириган, табиат бойликларини сақлаш ва кўпайтиришга қаратилган ҳаракатларни ўз ичига оладиган экоижод шахс ва жамият экологик маданияти ривожини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Шундай бўлса-да, эскича қарашлар, табиатга ваҳшиёна муносабат сақланиб қолаётганини таъкидлаш зарур. Масалан, маълумотларга кўра, ноёб ўсимликлар ва ҳайвонлар билан савдо қилиш наркотик савдосидан кейин 2 ўринда туради. Бу соҳадаги йиллик айланма ҳисоб-китобларга кўра 8 миллиард долларни ташкил этади. Ҳар йили 4,5 миллиард тонна кўмир ва 3,2 миллиард тонна нефть ва нефть маҳсулотлари ёқиляётгани ҳам инсон табиатдан истаганча фойдалана олиши мумкин, у фақат кишиларнинг эҳтиёжлари-

ни қондириш учун яратилган ва ҳеч қачон тугамайдиган бир хазина, деган қараш ҳануз чуқур илдиизга эга эканини исботлайди.

Бугунги кунда сувдан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни ифлослантириш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси хилма-хиллигини асраш соҳаларидаги аҳвол ҳам муайян ҳолларда табиатга юқоридаги каби муносабат ўз кучини сақлаб қолаётганидан далолат беради. Инсониятнинг табиат қонунларини ўйлаб-нетмай бузавериши кишилиқ жамиятининг бешиги бўлмиш табиатнинг ўзига оғирлиқ қилмоқда. Бу жараён охир-оқибатда инсониятнинг ўзини ҳам жарёқасига келтириб қўйиши мумкин. Бундай таҳдид реал характер касб этаётганини исботловчи мисолларни истаганча топиш мумкин. Масалан, мутахассислар фикрича, қуруқликнинг 10 фоизи музликлар билан қопланган. Агар барча музни Ер шари бўйича тақсимлайдиган бўлсак, планетамиз 50 метр қалинликдаги сув билан қопланади. Маълумотларга кўра, Шимолий муз океанининг музли ҳудуди сўнгги 20 йилда 10 фоизга қисқарган. Иқлим ўзгариши таъсирида Антарктида музликлар ҳудуди тобора қисқариб бормоқда. Иш шу даражада кетса тахминан 600 йилдан кейин Антарктида ўзининг муз қатламидан тўлиқ маҳрум бўлади.

Бундай таҳликали воқелиқ экологик сиёсатнинг мамлакатлар сиёсатининг узвий қисмига айланишига, шахс ва жамият экологик маданиятини юксалтириш ҳаётий-амалий аҳамият касб этишига олиб келмоқда. Бугунги кунда дунё саҳнида мазкур йўналишда кўплаб сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва халқаро ташкилотларнинг фаолият олиб бораётгани ҳам ана шундай жараёнларнинг ҳосиласи ҳисобланади. Жумладан, мамлакатимизда "Ўзбекистон экологик ҳаракати" самарали фаолият олиб бораётганини таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ўн беш нафар депутати мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишидан келиб чиққан ҳолда ушбу ҳаракатдан сайланиши белгилаб қўйилгани эса экология масалаларига давлат сиёсатида нечоғлиқ катта аҳамият берилаётганини кўрсатади.

Маълумки, 2008 йил 2 августда ташкил этилган Ўзбе-



кистон экологик ҳаракати сиёсий маслагидан қатъи назар, барча учун бирдек дахлдор бўлган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик аҳволни яхшилаш, одамлар саломатлиги учун курашишдек муаммоларни ҳал этишда давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг саъй-ҳаракатларини сафарбар этиш йўналишида фаолият олиб борадиган оммавий жамоат ҳаракати ҳисобланади.

"Ўзбекистон экологик ҳаракати: саволлар ва жавоблар" (Тошкент, 2009) китобида таъкидланганидек, экологияни яхшилаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, биологик ранг-барангликни асраш, тиклаш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш соҳасида жамоатчилик фаоллигини ошириш Экоҳаракатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Айни пайтда, замонавий педагогик ва инновацион технологиялардан фойдаланиш, жумладан, масофавий экологик таълимни жорий этиш орқали экологик тарбия тизимини ривожлантириш, мутахассислар ва фаолият йўналиши экологик мазмунга эга ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларининг экологик малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, соғлом турмуш тарзи фалсафасини тарғиб қилиш орқали аҳоли барча қатламларининг умумий экологик маданиятини юксалтириш ҳам ҳаракат фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Экологик муаммоларни ҳал этишга қаратилган маблағлардан оқилона фойдаланиш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, экологик хавфсизликни таъминлашнинг самарали иқтисодий механизмларини жорий қилиш, экологик жиҳатдан тежамкор технологияларни амалиётга татбиқ этиш, ишлаб чиқаришда экологик новацияларни қўллаш ҳам долзарб масалалар сирасига киради.

Шу билан бирга, экологик вазият барқарорлигини таъминлашда экология соҳасидаги умуммажбурий тусга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга барча даражаларда қатъий риоя этилишини таъминлаш, экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш, бу борадаги ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришнинг ўрни ва аҳамияти ҳам беқиёс. Шу нуқтаи назардан қараганда, Экоҳаракат

мазкур йўналишларда ҳам комплекс тадбирларни амалга оширишни мўлжаллаганини қайд этиш лозим.

Серқирра кўринишга эга экологик муаммолар аксарият ҳолларда минтақавий ёки глобал характерга эга. Уларни фақат халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш орқалигина ҳал этиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, Экоҳаракат экологик муаммолар бўйича кўп томонлама илмий-амалий алоқаларни йўлга қўйишни устувор вазифалардан бири сифатида эълон қилганини ҳам таъкидлаш зарур.

Қайд этилган мулоҳазалар Экоҳаракат экология соҳаси билан боғлиқ масалалар ва муаммоларни тизимли ҳал қилиш механизмларини яратишни ўзининг стратегияси қилиб белгилаганини кўрсатади. Бугунги кунда ҳаракат томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ва унинг амалий натижалари эса унинг муваффақиятидан далолат беради.

Хулоса ўринда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, экологик маданиятни камол топтиришда табиат билан инсон фаолияти мувофиқлигининг ифодаси бўлган экологик масъулиятни тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Зеро, жамиятнинг табиатга таъсири миқёсининг кенгайиб, унинг оқибатлари тобора хатарли тус олаётгани шуни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, экологик масъулиятнинг юқори бўлишига эришиш нафақат табиат ҳодисаларини сақлаб қолиш, уларга келтирилаётган зарарларни камайтиришга, балки ундан оқилона фойдаланиш ва юксак иқтисодий самарага эришишга ҳам хизмат қилади.

Айни пайтда, экологик масъулият тарбияси кишиларнинг табиат билан бир қаторда энг аввало ўз-ўзига ва бошқа инсонларга бўлган муносабатининг ўзгаришига замин яратади. Бу, умуман олганда, экологик маданиятни тарбиялаш, табиат ҳақида қайғуриш, уни асраш инсонлараро муносабатлардаги гуманизм, ҳозиржавоблик, ахлоқий масъулият ҳиссининг камол топишига хизмат қилишини кўрсатади.

## § 5. Сиёсий маданиятнинг ижтимоий-тарихий табиати

Сиёсий маданият алоҳида олинган шахс, ижтимоий, этник гуруҳлар, жамиятнинг сиёсат, сиёсий муносабатлар билан боғлиқ эҳтиёжлар ва манфаатларнинг инъикоси сифатида шаклланидиган билимлар, қадриятлар, мақсадлар ва улар асосида олиб бориладиган фаолиятнинг ифодаси ҳисобланади. У ўз моҳиятига кўра, жамиятнинг сиёсий ҳаёти билан узвий боғлиқ маданият шакли ҳисобланади.

Кўп асрлик ривожланиш тарихига эга сиёсий маданиятнинг илдишлари жамият социал структурасида ўзининг ўрни ва мавқеига эга бўлган гуруҳлар ва уларнинг тафовутланувчи манфаатлари мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилувчи давлатнинг пайдо бўлиши даврига бориб тақалади. Шу маънода сиёсий маданиятнинг пайдо бўлиши сиёсий манфаатларнинг кишилар фаолиятига кучли таъсир кўрсата бошлашининг натижаси эди.

Сиёсий маданият доимий ривожланиб боровчи тизимдир. Бу жамият социал структурасидаги ўзгаришларга мос равишда сиёсий маданиятнинг янги шакллари пайдо бўлиб ёки йўқолишида ҳамда ҳар бир тарихий давр доирасида ўз субъектлари билан биргаликда ўзгариш, такомиллашиш жараёнини бошдан кечиришида яққол кўринади.

Сиёсий маданиятнинг муҳим қисми ҳисобланган сиёсий билимлар кундалик ҳаётини тажриба, махсус назарий тайёргарлик ҳамда мақсадга қаратилган гоъвий-сиёсий тарбия таъсирида шаклланиб боришини таъкидлаш зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, тарих ва замонавий воқелик ҳар бир гуруҳ ўз сиёсий манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида кишиларни муайян йўналишда тарбиялашга алоҳида эътибор беришидан далолат беради. Бу улар манфаатига мос келадиган дунёқарашни шакллантириш, муайян сиёсий назариялар, дастурлар, идеалларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни кенг тарғиб қилишга интилишда айниқса, ёрқин намоён бўлади. Мазкур жараёнда сиёсий мафқуранинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта эканини алоҳида қайд этиш лозим.

Сиёсий маданият таркибида сиёсий жиҳатдан аҳамият-

ли бўлган ҳодиса ва жараёнларга бўлган муносабатни муайян баҳолар шаклида ифодаладиган қадриятлар муҳим ўринни эгаллайди. Сиёсий билимлар қанчалик чуқур ва қамровли бўлса, унинг замирида шаклланган қадриятлар шунчалик мустаҳкам бўлади, фаолиятдаги собитликни таъминлайди. Билимларга нисбатан сиёсий қадриятларнинг секин ўзгариши ва нисбатан консерватив характери эса сиёсий маданиятдаги нисбий барқарорликни таъминлашга замин яратади.

Айни пайтда, бундай қадриятлар ҳаётий тажриба, эҳтиёж ва манфаатларни англаш билан уйғунлашган ҳолда фаолиятдаги изчиллик ва мақсадлилиқни таъминлашга хизмат қиладиган эътиқоднинг шаклланишига олиб келади. Такрор ва такрор танқидий ўзлаштирилган, манфаатлар тарозисида ўлчанган, қарор топган ёки шаклланиб бораётган эҳтиёжларни қондиришга хизмат қиладиган билимлар асосида шаклланган қадриятларгина эътиқод мустаҳкамлиги учун замин яратади.

Сиёсий маданият фақат сиёсий режалар ва қарорларни ишлаб чиқиш, ижросини ташкил этиш, кадрларни танлаш ва ўз ўрнига қўйиш, тарбиялаш, ташкилотлар устидан зарурий сиёсий раҳбарлик ва ғоявий-тарбиявий, мавжуд ижтимоий-сиёсий тартиб ҳамда институтларни такомиллаштириш ёки ўзгартиришга йўналтирилган ишларни амалга ошириш каби шаклларни ўз ичига оладиган фаолият орқалигина ўзлигини намоён қилади, билиб олинади. Айнан шундай фаолият давомида у мустаҳкамланади, ривож топади ёки инқирозга юз тутади.

Лоқайдлик, сиёсий пассивлик жамият сиёсий ҳаётида иштирок этишни хоҳламасликда ифодаланадиган сиёсий индифферентлик (лотинча - бифарқлик) ҳам сиёсий маданиятнинг даражасини кўрсатувчи муҳим индикатор ҳисобланади. Бу сиёсий пассивлик мавжуд ҳокимият ёки унинг вакиллари фаолиятдан норозилиқнинг ифодаси, ўзига хос протест сифатида чиқадиган ҳолларга ҳам тегишлидир.

Сиёсий маданият, бир томондан, маънавий маданиятнинг бир қисми сифатида маданият ривожланиши қонунларига бўйсинса, иккинчи томондан, у конкрет сиёсий

тизим таъсири остида бўлади, кишиларнинг иқтисодий манфаатлари ҳамда давлат ва ҳокимият масалалари билан чамбарчас боғланиб кетади.

Ўтмишсиз келажак йўқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, сиёсий маданият сиёсий-маданий мерос ва амалдаги сиёсий маданият каби кўринишларда мавжуд бўлади.

Сиёсий-маданий меросни жамият ривожини давомида тўпланган тарихий тажриба, шаклланган сиёсий фаолият воситалари, усуллари, сиёсий билимлар, қадриятлар, идеаллар, анъаналарнинг заҳираси сифатида қараш лозим. Жумладан, сиёсий анъаналар жамият сиёсий ҳаётидаги барқарорликни, тўпланган сиёсий тажрибанинг авлодлардан авлодларга ўтишини таъминловчи механизм сифатида чиқади. Прогрессив моҳиятга эга бундай анъаналар амалдаги сиёсий маданиятнинг ривожига хизмат қилса, уларнинг негатив моҳиятга эга бўлиши жамият сиёсий ҳаётининг чигаллашувига замин яратади.

Жамият, этник ва ижтимоий гуруҳлар, шахснинг бевоқифа сиёсий фаолияти билан боғлиқ жараёнларни қамраб оладиган амалдаги сиёсий маданият ана шу мероснинг ўзлаштирилиши лозим бўлган қатламлари, устувор йўналишларини белгилаб беради.

Сиёсий маданиятни турли мезонлар асосида классификациялаш унга хос хусусиятларни чуқурроқ англашга хизмат қилади. Хусусан, жамият, этник ва ижтимоий гуруҳлар, шахс сиёсий маданиятини фарқлаш унинг ҳар бир субъект даражасидаги хусусиятларини, уларни белгилаб берувчи омилларни тушунишга ёрдам беради. Демократик ва нодемократик (тоталитар, авторитар, бюрократик) сиёсий маданият шакллари ажратиш эса, унинг йўналишини, хайрихоҳлик ва мухолифий шакллари фарқлаш эса, мавжуд сиёсий тизим, амалга оширилаётган сиёсатга муносабатнинг моҳиятини англашга хизмат қилади.

Замонавий воқелик сиёсий маданиятни камол топтиришда сиёсий ҳодиса ва жараёнларга системали ёндашувни тарбиялаш, сиёсий тарбиянинг сифати, йўналиши ва самарадорлигини ошириш, унинг янги усулларида унумли фойдаланиш ҳамда миллий ўзлигимизга, тарихан қарор топ-

ган сиёсий-маданий тажрибамиз, анъаналаримизга зид бўлган ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари, моҳиятини чуқур англаб етиш ва уларга қарши кураш малакасини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор бериш лозимлигини кўрсатмоқда. Уларнинг оқилона ҳал этилиши жамиятимизни янада демократлаштириш учун мустаҳкам замин яратади.

## **§ 6. Ҳуқуқий маданият: барқарорлик ва ўзгарувчанлик бирлиги**

Ҳуқуқий маданият ҳам сиёсий маданият каби жамиятда мулкӣ муносабатларнинг шаклланиши, давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда шаклланган маънавий маданият шаклларида биридир. У моҳият эътибори билан кишилар, ижтимоӣ ва этник гуруҳлар, халқлар ва жамиятнинг ҳуқуққа, қонунчиликка, адлияга бўлган муносабатини ифодалайди ҳамда ҳуқуқ, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабатлар ва фаолият каби элементларда намоён бўлади. Ушбу элементлар шахс, ижтимоӣ, этник гуруҳлар, халқ, жамият ҳуқуқий маданиятига, яъни унинг соҳибига кўра фарқланувчи барча шаклларига хосдир.

Ҳуқуқ - ижтимоӣ муносабатларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий юридик нормалар тизими сифатида ҳуқуқий маданиятнинг асосини ташкил этади. Аксарият мамлакатларда миллий ҳуқуқий тизим Конституция ва унга таяниб қабул қилинган қонунларга асосланади. Жамият ҳуқуқий маданиятининг даражаси уларнинг мазмун-моҳияти қанчалик чуқур англаб етилгани ва қанчалик қатъий ижро этилаётгани билан белгиланади.

Ҳуқуқий онгда эса жамиятда қабул қилинган нормалар акс этади. Ҳуқуқий онга хос хусусиятлар ҳақида гап кетар экан, энг аввало у ҳуқуқда ўз ифодасини топишини қайд этиш лозим. Шу маънода ҳуқуқий онг ҳуқуқдан олдин келади, у қанчалик ривожланган бўлса, ижтимоӣ жараёнларни тартибга солишга йўналтирилган ҳуқуқий нормалар шунчалик тўғри, тўлиқ ва қамровли бўлади. Айни пайтда, ҳуқуқнинг амал қилиши, қўлланилиши, унга риоя қили-

ниши ҳам ҳуқуқий онгга боғлиқлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Зеро, ҳуқуқий онгнинг пастлиги энг ажойиб, энг тугал қонунларнинг амал қилинишини ҳам йўққа чиқариши мумкин.

Ҳуқуқий маданият тизимида ҳуқуқий онг ўзгарувчан элемент ҳисобланади. Чунки ўзгариб турувчи ижтимоий жараёнларни тартибга солишни мунтазам такомиллаштириб бориш эҳтиёжи ва мавжуд ҳуқуқий актлардаги нисбий барқарорлик ҳар доим муайян бўшлиқни шакллантириб, уни тўлдириш заруратини келтириб чиқаради. Бу энг аввало ҳуқуқий онгда, сўнгра эса ҳуқуқий актларда ўз ифодасини топади.

Шундай бўлса-да, муайян қонунларнинг қабул қилиниши ўз-ўзидан ҳуқуқий онгнинг ўзгаришига олиб келмайди. Ҳуқуқий онгнинг ўзгариши ҳуқуқий тизимнинг ўзгаришидан қийинроқ кечиши ҳам мумкин. Бундай зиддиятли ҳолат ҳуқуқий онгнинг икки жиҳати - ҳуқуқий идеология ва ҳуқуқий психологияга хос хусусиятлар билан белгиланади. Зеро, ҳуқуқнинг моҳияти, аҳамияти ва талаблари тўғрисидаги ғоялар тизими - ҳуқуқий идеология нисбатан тез, ҳиссиётлар ва кайфиятларда ифодаланадиган ҳуқуқий психология эса секин ўзгаради.

Ҳуқуқий онгда ҳуқуқ акс этса-да, аммо у ҳамма вақт ҳам адолатли ва тўғри, деб баҳоланмаслиги мумкин. Улар ўртасидаги бундай соғлом зиддият жамият ҳуқуқий тараққиётининг манбаи ҳисобланади.

Амал қилаётган юридик нормаларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларни рўёбга чиқариш, ҳимоя қилиш ва уларга риоя этиш борасида юзага келадиган муносабатларни ўз ичига оладиган ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий маданиятнинг муҳим индикатори ҳисобланади. Зеро, ҳуқуқий маданият айнан ҳуқуқий муносабатлар жараёнида ўзлигини намоён этади. Шу ўринда сиёсий маданият доирасида у ёки бу сиёсий нормаларга риоя қилмаслик кўпи билан сиёсий маданиятнинг пастлиги деб баҳоланса, ҳуқуқий қоидаларга риоя қилмаслик оғир оқибатлар - ҳуқуқбузарликни келтириб чиқариши мумкинлигини таъкидлаш зарур.

Ҳуқуқий маданият белгиланган ҳуқуқий нормаларни

рўёбга чиқариш, ҳимоя қилиш, шунингдек, қонунга хи-лоф ҳаракатлардан ўзини тийиш, ҳуқуққа тажовуз бўлган-да одил судловга мурожаат қилишдек шаклларда амалга ошириладиган ҳуқуқий фаолиятда ўзини яққол намоён эта-ди. Илмий адабиётларда унинг моҳиятан ижобий бўлган, аммо намоён бўлиш шаклига кўра фарқланадиган пассив ва актив турлари ажратилишини қайд этиш лозим.

Пассивлик юридик нормаларга риоя этиш, қонунга зид хатти-ҳаракатларни қилмаслик, активлик ҳуқуқни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишдаги фаол ҳаракатлар ва ташаб-бускорликда намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан қараган-да, бугунги куннинг асосий вазифаси кишиларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ҳимоя қилиш билан боғлиқ фаоллигини янада ривожлантиришдан иборат. Зеро, у демократик ислоҳотларни амалга ошириш, ҳуқуқий дав-лат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва таъминлаш билан шуғулланувчи юридик инсти-тутлар фаолиятини ҳам қамраб олади. Зеро, биринчидан, у ёки бу зарурий бўлган юридик институт мавжудлигининг ўзи, иккинчидан, уларнинг кишилар ҳақ-ҳуқуқларини рўёб-га чиқариш ва ҳимоя қилиш йўлидаги самарали фаолияти жамият ҳуқуқий маданиятининг муҳим кўрсаткичидир. Ху-сусан, ҳуқуқий таълим ва тадқиқотларни олиб бориш би-лан боғлиқ институтлар фаолиятдан ташқарида ҳуқуқий билимлар ривожини ҳам, юридик нормаларнинг такомил-лашувини ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Шу нуқтаи назар-дан қараганда, истиқлол йилларида фуқароларимизда ян-гича ҳуқуқий тафаккур, дунёқарашни шакллантиришга хизмат қилувчи таълим тизими яратилганини алоҳида қайд этиш лозим. Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ма-лакасини ошириш соҳасида изчиллик, тадрижийлик таъ-минлангани, кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқий саводхонли-гини ошириш мақсадида оммавий-ахборот воситалари ор-қали оммавий-ҳуқуқий таълимнинг йўлга қўйилгани, янги газета ва журналлар ташкил этилгани ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.



Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари ва давлатга қарашли бўлмаган адвокатлар ассоциациялари, хусусий адвокатлар бюрolari, нотариал идоралар, юридик хизматлар кўрсатувчи фирмалар, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилувчи миллий институтлар каби юридик муассасаларнинг фаолияти ҳам жамият умумий ҳуқуқий маданияти даражасининг муҳим индикатори ҳисобланади. Мамлакатимизда бу борада ҳам ўзига хос тизим яратилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ҳуқуқий маданият субъектларига кўра турли шаклларда чиқишидан қатъи назар, шахс ҳуқуқий маданиятнинг асосий соҳибидир. Демак, асосий эътибор ҳам шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга қаратилиши лозим. Бунга оила, таълим тизимининг барча босқичлари, маҳалла, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, оммавий ахборот воситаларини фаол жалб қилибгина эришиш мумкин. Зеро, фақат тизимли тарғибот-ташвиқотгина кишиларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишга, кундалик ҳаётларида ундан тўлиқ ва тўғри фойдалана олишларига замин яратади.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларини яратаётган Ўзбекистон учун бу ниҳоятда муҳим. Чунки юксак ҳуқуқий маданият демократик жамиятнинг асоси, ҳуқуқий тизим етуқлигининг муҳим кўрсаткичидир. Ривож топган ҳуқуқий маданият ижтимоий жараёнларни тартибга солиш, ҳуқуқий тизимни доимий такомиллаштириш орқали жамиятнинг бир бутунлиги, фуқаролар, ижтимоий гуруҳларнинг бирлигига хизмат қилувчи, фаол ақс таъсир этувчи омил ҳисобланади. Республикамиз Олий Мажлиси томонидан 1997 йилнинг 29 августида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури"нинг қабул қилингани ҳам мамлакатимизда бу масалага алоҳида эътибор билан қараб келинаётганининг исботи бўла олади.

Дастурда кўзланган мақсадга эришиш учун ҳуқуқий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ҳамда барча давлат органлари ва мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан қонун ва ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлишларига эришиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ҳамда

фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш устувор вазифалар қилиб белгилангани диққатга сазовордир.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантирмай туриб, фуқаролик жамиятига хос бўлган ижтимоий адолат, инсонпарварлик, тинчлик, ошкоралик, эркинлик каби демократик идеаллар ва тамойилларни қарор топтириб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, ушбу Миллий дастур қабул қилинганидан кейинги ўтган давр ва амалга оширилган ишлар унинг ўз вақтида қабул қилинганидан ва мамлакатимиз ҳуқуқий ислохотлар йўлидан собитқадамлик билан бораётганидан далолат бермоқда.

### **3-БОБ. МАДАНИЯТДА МИЛЛИЙЛИК ВА УМУМИНСОНИЙЛИК, ВОРИСЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ ДИАЛЕКТИКАСИ**

#### **§ 1. Маданиятнинг этномиллий моҳияти**

Маданиятнинг мавжудлиги қабила, элат, миллат, давлат, минтақа билан боғланса-да, аксарият ҳолларда у этник (миллий) асосга кўра фарқланади. Масалан, муайян миллат маданияти ҳақида гапирилганда энг аввало ҳар бир этник бирликнинг бошқалардан фарқ қилувчи, унинг кўпчилик аъзолари томонидан тан олинувчи, ўзаро боғлиқ ва муайян яхлитликни ташкил этувчи қадриятлар, нормалар, анъана ва урф-одатлар тизими тушунилади.

Этник бирликнинг ягона социал организм сифатида мавжуд бўлиши маданиятнинг бир бутун ҳодиса сифатида ривожланишининг зарурий шарти ҳисобланади. Зеро, фақат муайян бирлик, ҳамжамият доирасидагина маданиятдаги умумийлик ва унинг бошқа маданиятларнинг шунга ўхшаш намуналаридан фарқи шаклланади, мустақкамланади, сақланиб қолади ва ривож топади. Демак, ҳар бир миллат бошқалардан фарқ қилувчи, ўзига хос, у ёки бу тарзда ажралиб турувчи ўз маданиятига эга. Айрим ҳолларда бу ўзига хослик шунчалик кучлики, у тезда кўзга ташланади. Масалан, ўзбек ва араб, япон ва француз маданиятларининг ўзаро фарқли жиҳатларини бир қараганда илғаш мумкин.

Бир-бирига географик жойлашуви, хўжалик юритиш усули, тили, динига кўра яқин бўлган халқлар маданиятида эса бундай фарқларни кузатиш нисбатан қийин. Хусусан, ўзбеклар ва тожиклар, қирғизлар ва қозоқлар, руслар ва белоруслар маданиятидаги бундай фарқларни топиш жиддий кузатишларни, катта синчковликни талаб этади. Ҳар ҳолда бундай фарқлар бирданига кўзга ташланмаса-да, улар мавжуд ва бундай тафовутларни ажратиш мумкин.

Ҳар қандай маданиятнинг ўзига хослиги миллий урф-одатлар, анъаналар, маросимлар ва ахлоқий нормаларда, шунингдек, моддий маданиятнинг кийим-бош, уй жиҳоз-

лари каби элементларида айниқса, яққол кўринади. Буни миллий байрамлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Чунончи, ўз илдизлари билан зардуштийликнинг Баҳор ва Куёш байрамига бориб тақаладиган янги йил байрами - Наврўзни кўпгина халқлар байрам қиладилар ва у ҳар бир халқда ўзига хослик касб этади. Хусусан, асрлар давомида чорвачилик билан шуғулланган, кўчманчиликка асосланган турмуш тарзи ҳукмрон бўлган қозоқ, қирғиз, туркман халқларида ва деҳқончилик билан шуғулланиб, ўтроқ турмуш тарзига эга бўлган ўзбек ва тожик халқларида бу байрамни нишонлаш бир-биридан озми-кўпми фарқланади. Шундай бўлсада, маданиятдаги миллийликни бир маданиятни бошқасидан фарқловчи миллий ўзига хослик билан боғлаш методологик жиҳатдан нотўғридир. Ҳар бир маданиятда қадрдон ва яқин бўлиб қолган, бошқача айтганда, миллий ҳисобланадиган элементларнинг муайян қисми аслида нисбатан кенг доирада тарқалган бўлиши ҳаётий ҳақиқатдир. Масалан, ўзбек маданиятида бошқа халқлар билан умумий бўлган элементлар ҳам анчагина ўринни эгаллайди. Улар доирасига минтақа, турк, умуман Шарқ ёки ислом динига эътиқод қилувчи халқларга хос бўлган хусусиятларни киритиш мумкин.

Ҳар қандай маданият ривожланишида этник, миллий ўзига хосликнинг устуворлиги маданиятларнинг ўз доираси билан чекланиб қолишини, уларнинг маҳдудликка маҳкумлигини билдирмайди. Айрим ороллар ва тропик ўрмонлардаги қабилаларни инобатга олмаганда ҳозирги даврда бу амалий жиҳатдан умуман мумкин эмас.

Маданиятлардаги ўзига хосликлар маданиятлар шаклланишининг тарихий шарт-шароитлари, миллат босиб ўтган йўлнинг спецификаси билан ҳам узвий боғлиқ. Зеро, ҳар бир халқ босиб ўтган йўл унинг тили, адабиёти, санъати, меъморчилиги, умуман маданиятнинг барча соҳаларида ўзининг ифодасини топмай қолмайди. Шу маънода миллат маданияти унинг тарихининг кўзгуси ҳисобланади.

Маданиятлардаги ўзига хосликларнинг камол топишида улар шаклланган жуғрофий муҳитнинг таъсири ҳам катта. Бу таъсирнинг ролини мутлақлаштирмаган ҳолда унинг турли шаклларда рўй беришини таъкидлаш зарур. Тарихда

ана шу ўзига хосликларни мутлақлаштиришга уринишлар кўплаб бўлган. Бундай ёндашувлар ҳозир ҳам мавжуд. Уларнинг моҳияти мавжуд ўзига хосликларни ўзгартирмай сақлаб қолишга интилишда ҳамда халқнинг ўзлиги, ягоналиги, бетакрорлиги ва бир бутунлигини таъминлашнинг кафолати сифатида қаралишида намоён бўлади. Бу миллий-маданий ўзига хосликларни мутлақлаштиришга уринишларнинг бир кўриниши, холос. Чунки жамият ривожидан давомида у ёки бу миллат маданиятининг ўзига хосликларидан келиб чиқиб, унинг бошқа халқлар маданиятига нисбатан устунлигини асослашга ҳаракат қилувчи оқимлар, қарашлар ҳам юзага келганини таъкидлаш зарур. "Негритюд", "арабизм", "панславизм" каби оқимлар ана шу иккинчи йўналишдаги мутлақлаштиришнинг ўзига хос кўринишларидир.

Бир маданиятнинг иккинчисига нисбатан устунлигини илгари сурувчи юқоридаги каби қарашлар миллий-маданий ёки минтақавий мумтозлик шаклида чиқмасин ўз моҳиятига кўра ғайриилмий бўлиб, бирор бир ҳаётий асосга эга эмас. Зеро, миллий ўзига хослик билан чекланиб қолиш миллий-маданий тараққиётга эмас, аксинча миллий маҳдудликка, охир-оқибатда эса шу маданиятнинг ҳалокатига олиб келади.

## **§ 2. Маданиятда миллийлик ва умуминсонийлик**

Маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бойиши табиий жараён бўлса-да, илмий адабиётларда ҳеч қандай ўзаро маданий таъсирлашув йўқ, ҳар бир маданият ўзича пайдо бўлиб мустақил ривожланиш йўлини босиб ўтади, ўзга маданиятлар ривожидан ҳеч қандай из қолдирмай ҳалокатга юз тутади, деган қарашлар ҳам мавжудлиги маълум.

Бундай қарашлар маданиятлар ривожининг ўзига хос талқини сифатида яшаш ҳуқуқига эга бўлса-да, у тарихий асосга эга эмаслигини қайд этиш лозим. Зеро, тарих маданиятларнинг доимий равишда бир-бирига таъсир кўрсатганидан, бир қадриятларнинг бошқа маданиятлар заминида илдиз отиб, гуркираб ривожланганидан далолат беради.

Маданиятларнинг ўзаро таъсирлашуви ва бойиши ҳақида гап кетар экан, бу жараёнга этноцентризм, яъни ўз маданиятини юксак маданият намунаси, деб билиш, ўз миллий қадриятларинигина эталон сифатида талқин этиш, ўзга маданиятларга паст назар билан қараш, уларни ғайримаданий ҳодиса сифатида баҳолаш жиддий зарар етказишни таъкидлаш зарур. "Тараққий қилган ва қолоқ маданиятлар", "ривожланган ва примитив маданиятлар" деган таърифлар ортида ана шундай ёндашув яширинган. Табиийки, ўзгача миллий-маданий қадриятлар муайян маданий мезонлар нуқтаи назаридан талқин қилинадиган, баҳоладиган бўлса ўзаро таъсир ва бойишга умид боғлаш ниҳоятда мушкул. Ваҳоланки, бошқа маданиятга миллат босиб ўтган тарихий йўл, у яшаётган муҳит, ишлаб чиқариш ва турмуш тарзига хос хусусиятлардан келиб чиқиб ёндашиш зарур. Шундагина унинг моҳиятини, унда ифодалаётган умуминсоний мазмунни англаш, маданиятлар тизимидаги бетакрор ўрнини тўғри баҳолаш мумкин бўлади. Демак, ўз маданияти, унинг қадриятлар олаmidан, унга мансубликдан ғурурланиш бошқа маданиятларга ҳурмат ва эътибор билан қарашни ҳам тақозо этади. Ана шундагина ўзаро ҳамкорлик учун йўл очилади.

Шунинг учун ҳам, инсоният маданиятининг буюк намояндalари ўзга халқлар, маданиятларга ўзларининг чуқур ҳурматларини намоён этганлар. Чунonчи, улуғ аждоdларимиз миллий маданиятимиз ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланган ҳолда ўзга маданиятларга катта ҳурмат билан қараб, уларни ҳар томонлама билиш, ўрганиш ва тушунишга ҳаракат қилганлари ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Ўзаро таъсир жараёнида ҳамма вақт бир миллий маданиятга ўзга маданият элементлари кириб келади. Бундай ўзаро бойиш, улардаги умумий томонларнинг юзага келиш жараёнига байналмилаллашув (интернационаллашув) дейилади. Тарих бундай ўзаро таъсир ва бойиш жамият ривожланишига ҳамоҳанг равишда тезлашиб боришини кўрсатади.

Маданиятдаги интернационал элементларнинг юзага

келишида ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқалар билан бир қаторда географик муҳитнинг ҳам ўзига хос ўрни ва таъсири бор. Шундай бўлса-да, байналмилалликни фақат муайян минтақа халқлари маданиятидаги умумий томонлар деб тушуниш, яъни уни минтақавийликка олиб бориб тақаш нотўғри бўлар эди. Масалан, Марказий Осиё билан араб мамлакатлари ўртасида географик яқинлик йўқ. Аммо ягона динга мансублик улар маданиятидаги муайян умумийликнинг юзага келишига сабаб бўлди. Бу байналмилаллик бир қатор миллий маданиятларга хос бўлган умумий томонни ифодалашини кўрсатади. Бунда у ёки бу ҳодисани байналмилал, деб баҳолаётганда қандай мезон олинаятгани ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки миллат маданиятининг баъзи элементлари бир, айримлари эса бошқа минтақа халқлари маданияти билан умумий бўлиши мумкин.

Шу ўринда маданиятдаги минтақавий умумийликни бир томонлама талқин қилиш ҳам ўринсиз эканини таъкидлаш зарур. Хусусан, "европамарказчилик", "осиёмарказчилик" ёки "африкамарказчилик" каби ўта зарарли қарашлар ана шундай бир ёқламаликка - минтақавий ўзига хосликларни мутлақлаштириш, ўз маданияти мезонларидан келиб чиқиб, ўзга минтақалар маданиятини баҳолашга интилишнинг ҳосиласи ҳисобланади. Бундай қарашлар сиёсатнинг ғоявий асосини ташкил қилганда эса маданиятлар ривожига салбий, баъзан фожиали ҳолатларни келтириб чиқарган. Шўро тузуми даврида маданиятимиз ривожланишида содир бўлган айрим салбий ҳодиса, жараёнлар ҳам фикиримизнинг исботи бўла олади.

Минтақавий ўзига хосликларни мутлақлаштириш ҳақида гап кетар экан, уни глобал талқин қилиш шакли - Шарқ ва Ғарб маданиятларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш ҳолати ҳам мавжудлигини таъкидлаш зарур. Янги даврда (XVI-XVII асрлар) Европада пайдо бўлган бундай қарашлар христиан (лотин тилли) ва ислом (араб тилли) маданиятларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш, Шарқнинг қолоқлиги, тараққиётга лаёқати йўқлигини асослашга уришнинг натижаси эди. Кейинроқ бу қарашлар Ғарбнинг

бутун Шарққа нисбатан цивилизаторлик роли ҳақидаги қарашлар билан тўлдирилди.

Бундай қарашлар мутлақо асоссиз эканини, Шарқ жаҳон маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшганини исботлаш учун узоққа бориш шарт эмас. Чунончи, Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби буюк аждодларимиз асарларисиз жаҳон илмий тафаккурининг бугунги ривожини тасаввур қилиш мумкин эмас. Антик Юнонистон фалсафаси Европага ўрта асрларнинг охири ва Уйғониш даврида айнан Шарқ файласуфлари асарлари орқали маълум бўлгани ва фалсафа илми ривожланишининг янги босқичини белгилаб бергани ҳам тарихий фактдир.

Жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган ютуқлар ҳар бир миллий маданиятда мавжуд. Шарқ ва Ғарб маданияти доимо ўзаро таъсирда бўлиб, бир-бирининг бойишига хизмат қилганини кўрсатувчи мисолларни ҳам истаганча топиш мумкин. Аммо бир нарса аниқ: Шарқнинг қолоқлиги, Ғарбнинг илғорлиги ҳақидаги қарашлар Шарқ тарихи ва маданиятини умуман билмаслик, уни ғайриилмий талқин қилиш оқибатидир.

Шарқнинг ҳозирги замон тарихи ҳам бундай қарашларнинг ўринсизлигидан далолат беради. Чунончи, XX асрнинг иккинчи ярмида қотиб қолган, ўзгаришларга мойил бўлмаган, деб қаралган Шарқ жадал ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш босқичига кирди. Япония мўъжизаси, "Осиё йўлбарслари" (Жанубий Корея, Филиппин, Таиланд)нинг кескин тараққиёти, Малайзия, Индонезия каби ислом дини устувор бўлган мамлакатларнинг жиддий юксалиш йўлига кириши бу ғояларни чиппақка чиқарди, Шарқ ва ижтимоий тараққиёт бир-бирига зид тушунчалардир, деган қарашларнинг асоссизлигини яна бир марта кўрсатиб берди. Республикамизнинг мустақилликка эришиб, барқарор ривожланиш йўлидан дадил одимлаб бораётгани ҳам юқоридаги фикрларнинг мантиқсизлигини кўрсатади.

Маданиятларнинг ўзаро таъсирлашуви, уларда байналмилал жиҳатларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақидаги фикрларни давом эттирган ҳолда бир хусусиятни - байналмилал элементлар барча маданиятларда бир пайтда ва



бирданига юзага келмаслигини алоҳида қайд этиш лозим.

Аввало, бундай элементлар бир маданият доирасида юзага келиб, кейин бошқа маданият ичига кириб боради, ўзига хос миллий бўёқ ва мазмун касб этади. Масалан, хорижда пайдо бўлган опера, балет, кино каби маданият ҳодисалари таъсирида ўзимизнинг бетакрор ва ўзига хос миллий опера, балет, кино санъатимиз шаклланди. Айни пайтда, бу соҳаларда эришган ютуқларимиз, бетакрор санъат асарларимиз ва етук ижодкорларимиз фаолияти кўшни халқларда ушбу соҳалар ривожига у ёки бу тарзда таъсир кўрсатаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Демак, бир маданият доирасида шаклланган ҳодисалар бошқа маданиятларга сингиши, миллий руҳ билан суғорилган ҳолда ўз доирасидан ташқарига чиқиши, яъни янгидан интернационал мазмун касб этиши мумкин.

Миллий маданиятлар таркибидаги айрим ҳодисалар, масалан, фан ўз моҳиятига кўра интернационалдир. Зеро, ижодкорлари қайси миллатга мансуб бўлишидан, илмий ҳақиқат турли тилларда ифодаланишидан қатъи назар, фан хулосалари, теоремалари, аксиомалари, формулалари объектив характерга эга бўлгани учун ҳам барчага бирдек тушунарлидир.

Маданиятдаги миллий, байналмилал, умуминсоний элементлар ҳақида гап кетганда методологик аҳамиятга эга бўлган бир масалага диққатни қаратиш лозим. "Миллийлик", "байналмиллалик" ва "умуминсонийлик" категориялари бир-бири билан "яккалик", "хусусийлик" ва "умумийлик" категориялари каби диалектик бирликни ташкил этади. Хусусийлик ва умумийлик категориялари бир-бири билан умумийлик даражасига кўра фарқланганидек байналмилаллик ва умуминсонийлик категориялари ҳам ўзаро шундай фарқланади.

Ҳар қандай маданият ўз моҳиятига кўра миллийдир. Чунки унинг яратувчиси ўз тарихи ва турмуш тарзига эга бўлган муайян халқдир. Шунинг учун ҳам, ҳар қандай маданият, унинг яратувчиси кўп ёки кам сонли бўлишидан қатъи назар, ўз табиатига кўра ноёб ва бетакрордир. Аммо ҳар қандай маданият ҳеч қачон "соф" миллий бўлолмайди. Зеро,

ҳар қандай миллат маданияти ҳам миллий, ҳам байналмилал, ҳам умуминсоний элементларга эга бўлади. Биз одатда миллий деб қабул қиладиган ҳодисаларимиз ҳам ўз моҳиятига кўра чуқур умуминсоний характерга эга. Масалан, Шарқ халқларига хос катталарга ҳурмат, меҳмондўстлик, болаларга муҳаббат, сабр-тоқатлилик каби ҳодисалар умуминсоний қадриятларнинг миллий бўёқларда намоён бўлишидир. Бундай жиҳатлар ҳар қандай маданиятни ўзга халқлар, бутун инсоният маданияти билан узвий боғловчи ҳалқа ҳисобланади.

Умуман олганда, инсоният маданияти ўзини байналмилал ва умуминсоний белгилар орқали намоён қиладиган миллий маданиятлар бирлигидир. Маданиятлар ривожиди миллийлик, байналмилаллик ва умуминсонийликнинг бирлиги эса яхлит ва серқирра жараён сифатида универсал ижтимоий қонунлар замирида ривожланади ва турли халқлар тарихий-маданий фаолиятининг натижаси сифатида чиқади.

### **§ 3. Ворислик, унинг намоён бўлиш хусусиятлари**

Ҳар бир авлод маданий ривожланишни бўш жойдан эмас, балки ўздан олдинги авлодлар яратган қадриятларни ўзлаштиришдан бошлайди. Бу ўзлаштириш ўзига хос бир хом-ашё, янги қадриятлар яратиш, маданият ривожини юқорироқ босқичга кўтариш йўлидаги таянч вазифасини ўтайди. Мана шу икки жараён - эскилик билан янгилик ўртасидаги объектив зарурий боғланиш ворисликнинг моҳиятини ташкил этади.

Маълумки, маданиятда ворислик ҳақида гап кетганда тараққиётга хизмат қиладиган (прогрессив) ва ривожланишга тўсиқ бўладиган (реакцион) ҳамда позитив ва негатив ворислик фарқланади.

Маданият ўз ривожланишининг ҳар бир босқичида олдинги давр натижаларига таянади. Ривожланишнинг кейинги босқичларида олдинги давр натижаларининг сақланиб қолиши ворисликнинг позитив мазмунга эғалигини кўрса тади. Олдинги давр натижаларига таяниш фақат ижобий ҳодисаларнигина сақлашни англатмайди. Маданият тари-

хида кўп асрлар давомида тўғри деб ҳисобланиб, кейин нотўғрилиги тасдиқланган ҳодисалар ҳам маълум. Масалан, Демокритнинг "атомлар оламнинг энг майда, бўлинмас, охирги гиштчаларидир" деган қарашлари билан шундай бўлди. XX аср бўсағасида фан ривожланиши атомлар сўнги "гиштча"лар эмаслигини, у мураккаб тузилишга эгаллигини кашф қилди. Лекин, бу Демокрит қарашлари илм-фан, кенгроқ айтганда маданият ривожидида ҳеч қандай роль ўйнамади, дейишга асос бўла олмайди. Чунки атомлар "оламнинг охирги гиштчалари"дир деган фикр бу "гиштча"ларни топиш ва айти пайтда, уларнинг "охирги" эмаслигини исботлашга олиб келди. Бу нотўғри тасаввурларни танқидий ўзлаштириш, тўғриланган ҳолда қабул қилиш, яъни негатив ворислик маданий ривожланишнинг муҳим хусусияти эканини кўрсатади. Маданият ривожланишидаги ворислик ҳамиша олдин эришилган натижаларни сақлаб қолиш ва ижодий ривожлантиришнинг диалектик бирлиги сифатида чиқади. Ана шундай жараён натижасида маданиятнинг "анъаналар" деб аталадиган барқарор, консерватив элементлари юзага келади. Анъаналарсиз маданият бўлиши мумкин эмас. Тарихий жараёнда маданий анъаналарнинг ўрни ва роли беқийёсдир. Зеро, улар туфайли асрлар давомида сайқалланган тарихий тажриба тўпланиб, авлодлардан авлодларга ўтади, кишилар бирлигининг муайянлиги таъминланади, ўзликни сақлаб қолиш имконияти пайдо бўлади.

Маданий анъаналар деганда фақат, айрим ҳолларда бўлганидек, маросимлар ва урф-одатларни тушуниш унчалик тўғри эмас. Чунки бир томондан, кишилик жамияти ривожланиши давомида юзага келган ҳар қандай маросим, урф-одатлар ҳам узоқ яшамаслиги, демакки, анъанага айланмаслиги мумкин. Иккинчи томондан, маданий анъаналар тушунчаси маросимлар, урф-одатлар каби ҳодисаларни ҳам ўз ичига қамраб олган ҳолда уларга нисбатан кенгроқ мазмун касб этади. Зеро, маданий анъаналар улардан ташқари авлоддан - авлодга ўтиб борадиган, тарихан қарор топган ва ижтимоий онгнинг таркибий қисмига айланган ғоялар, қарашлар, тасаввурлар, билимлар, қадриятлар, хулқ нормалари ва шу каби жараёнларни ҳам ўз ичига олади.

Маданиятнинг ҳар бир соҳасида анъана ўзига хос кўри-нишга эга бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш, фан, санъат соҳасидаги анъаналар бир-биридан ўзининг такрорланмас бўёқлари билан ажралиб туради.

Агар маданиятда фақат ўтмиш натижаларини ўзлашти-риш ва такрорлашдан нарига ўтилмаганда эди, инсоният ўз маданий ривожланишини таъминлай олмаган бўлар эди. Ҳар бир авлод ўзидан олдинги натижаларга таяниб, улар-ни ижодий ривожлантиради, бойитади, янги, юқорироқ босқичга кўтаради. Шу нуқтаи назардан қараганда, мада-ний меросга нисбатан менсимасдан қараш салбий ҳодиса-ларга, фожеавий оқибатларга, муҳим маданий ютуқларнинг йўқолишига олиб келади. Айни пайтда, анъаналар олдида кўр-кўрона сажда қилиш маданиятда турғунликни келти-риб чиқаришини ҳам ёддан чиқармаслик зарур.

Жаҳон тарихига мурожаат қиладиган бўлсак, маданий меросга муносабат доимо зиддиятли бўлганини кўрамыз. Ху-сусан, ижтимоий гуруҳлар ва синфларнинг пайдо бўлиши билан маданий меросга уларнинг қизиқишлари, манфаат-ларидан келиб чиқиб муносабатда бўлиш шакли тарих саҳ-нига чиқди. Натижада кўплаб тарихий обидалар, ёдгорлик-лар, адабиёт ва санъат асарлари аксарият ҳолларда муайян ижтимоий гуруҳлар манфаатига зид ҳодисалар сифатида вайрон қилинди, ёқиб юборилди ёки эътиборсиз қолдири-лиши оқибатида аста-секин йўқ бўлиб кетди. Бундай фоже-авий ҳодисалар айниқса, миллий, гуруҳий, синфий зид-диятлар кескинлашиб кетган даврларда кўплаб содир бўлди.

Тарих маданий меросга диний, яъни муайян диний ақидаларга мослиги ёки мос эмаслигидан келиб чиқадиган муносабат шаклини ҳам яратди.

Динларнинг юзага келиши, ривожланиши нуқтаи наза-ридан маданият тарихини шартли равишда жаҳон динлари - буддавийлик, христианлик, ислом юзага келгунча ҳамда ундан кейинги даврларга бўлиш мумкин.

Биринчи даврда инсоният эришган ютуқлар деярли йўқо-либ кетган. Негаки, бир томондан, жаҳон динлари тарқа-лиш жараёнида кўплаб маҳаллий қадриятларни ассимиля-ция қилган бўлса, иккинчи томондан, ушбу диний таъли-

мотлардаги айрим ақидаларни мутлақлаштиришган мута-  
ассиб кучлар халқларнинг турли тарихий ва маданий ёдгор-  
ликларини мажусий ҳодисалар сифатида йўқ қилдилар.  
Жаҳон динларининг тарқалган ҳудудий барқарорлиги юзага  
келгунча бир неча юз йил ўтди ва кўплаб маданият дурдо-  
налари изсиз йўқолиб кетди.

Халқимиз тарихига мурожаат қиладиган бўлсак, бундай  
фожевий ҳодисалар кўплаб бўлганини, диний, атеистик  
ёки синфий нуқтаи назардан баҳолаш натижасида,  
қиргинбарот урушлар оқибатида бетакрор маданий меро-  
симиздан маҳрум бўлганимизни кузатиш мумкин.

Шу жиҳатдан олганда, Октябрь тўнтаришидан кейинги  
давр ғоят таҳликали бўлганини таъкидлаш зарур. Чунки бу  
даврда маданиятга синфий нуқтаи назардан қараш устувор  
бўлиб келди. Октябрь воқеаларидан кейин юзага келган,  
ўтмиш маданиятига таянмаган, уни бутунлай йўқ қилган  
ҳолда янги - пролетар маданиятини яратиш шиори билан  
чиққан "Пролеткульт" ташкилотининг фаолияти ғоят сал-  
бий бўлди. Гарчанд расмий большевик раҳбарлари бундай  
қарашларни қоралаган бўлсалар-да, маданий меросга  
"оқми-қора" руҳида қарашнинг устуворлиги ўта мудҳиш  
оқибатларга олиб келди. Миллат тарихи муҳрланган архи-  
тектура комплекслари, масжиду мадрасалар вайрон қилин-  
ди. 1920-1930- йиллар оралиғи айниқса, оғир ва фожеали  
бўлганини таъкидлаш лозим. Масалан, маълумотларга кўра,  
1929-1930 йилларда Туркистон ҳудудида 14000 масжид ёқиб  
юборилган. Биргина Тошкентда 1911 йилда 26 мадраса  
бўлган бўлса, шундан 23 таси 1930 - ва ундан кейинги  
йилларда вайрон қилинган.

Тарихий ёдгорликларга бундай ёвуз муносабат кейинги  
йилларда ҳам давом этди. Хусусан, 1950-йилларда 20000  
дан кўпроқ ёдгорликлар вайрон қилинди. Фарғона водий-  
сидаги тарихий ёдгорликларнинг учдан бир қисмигина омон  
қолди, холос.

Булар ҳам етмаганидек миллий-маданий мероснинг  
кўпгина қатламларини ўрганиш қатъиян ман қилинди. Улар-  
га "синфий зарарли" ва "ғоявий хавфли" ҳодисалар тамға-  
си босилди. Бундай ман этишларни бузган, миллатимиз

тарихи, маданий меросини ўрганишга ҳаракат қилган кишилар қаттиқ сиқув остига олинди. 1940-йилларда М.Шайхзоданинг "Жалолиддин", 1970-йилларда И.Мўминовнинг "Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги ўрни ва роли", 1980-йилларда П.Қодировнинг "Юлдузли тунлар" асарларига "феодал ўтмишни идеаллаштириш" айби қўйилгани фикримизга далил бўла олади. Ваҳоланки, бу асарларда ўзбек халқининг уч буюк фарзанди - Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва Мирзо Бобурларнинг ҳаёти, ижоди ва фаолияти билан боғлиқ реал тарихий ҳодиса ва жараёнлар акс этган эди.

Миллий меросимизга синфийлик пардаси остидан қарашнинг зарарли оқибатлари, афсуски, фақат юқоридагилар билан чекланмайди. Маданий меросимизнинг кўпгина қатламлари ўтмиш сарқитлари, кераксиз, умрини яшаб бўлган, патриархал ҳодисалар сифатида баҳоланди. Оқибатда халқ амалий санъатининг ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик ва бошқа бир қатор соҳаларида эришилган ноёб ютуқлар йўқ бўлиб кетди. Бу соҳаларда тўпланган тажриба ва ютуқларни бугунги кунда мисқоллаб қайта тиклашга тўғри келмоқда.

Воқеликка синфий ёндашув халқ оғзаки ижодида ҳам жожеали из қолдирди. Бу даврнинг мудҳиш қиёфаси Қурбонназар Абдуллаев (Бола бахши)нинг куйидаги сўзларида ўзининг ёрқин ифодасини топган: "1933-1940 - йиллар ораси - қўрқинчли йиллар. Энг яхши кишилар бедарак кетар, китоблар, қўлёзмалар йўқ қилинар... Ўша пайтда "ўтмиш сарқити", "феодал даври маҳсули" сифатида мақом ва дostonларни ижро этиш ман қилинди. Мен етти йил дoston айтмадим. Айтган бўлсам ҳам яширини тарзда, кимга бутунлай ишонсам ўшаларга айтиб юрдим".

Маданият, маданий жараёнларга тор синфий манфаатлар нуқтаи назаридан туриб баҳо бериш, уни синфий кураш майдонига айлантириш яна шунга олиб келдики, Октябрь тўнтаришигача шаклланиб улгурган, ўтмиш ютуқларининг соҳиби ва миллий-маданий ривожланишда боғловчи халқа бўлган ижодий зиёлиларимизнинг катта қисми қатон қилинди. Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий каби буюк

миллатпарварларнинг фожеали қисмати ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Юқоридаги каби ўта зарарли жараёнлар натижасида маданиятдаги ворислик жараёнида узилиш содир бўлди. Бунга кўп асрлар фойдаланиб келганимиз, маданий меросимизнинг ажойиб намуналари яратилган араб ёзувидан маҳрум этилганимиз, умуман ёзувимизнинг бир неча марта ўзгартирилиши ҳам сабаб бўлди, албатта. Буларнинг барчаси шунга олиб келдики, тарихимиз ҳақида ғира-шира тасаввурлар билан униб-ўсдик, маданий меросимизнинг ажойиб намуналаридан бебаҳра бўлиб келдик.

Мустақиллик шарофати туфайли республикамызда бу соҳада йўл қўйилган камчиликларга барҳам берилди, асрларга тенгдош қадриятларимиз тикланди. Бугунги кунда маданий меросимиз ўзининг бутун салоҳияти билан халқимиз маънавий дунёсининг узвий қисмига айланиб бормоқда. Ворислик механизмлари тикланиши натижасида миллий маданиятимиз яхлит, хилма-хил ранглар ва жилолардан иборат бир бутун ҳодиса сифатида камол топмоқда.

Айни пайтда, миллий маданиятимизнинг асоссиз унутилаётган анъаналари кенг миқёсда тикланмоқда, буюк аждодларимиз ҳаёти ва ижодига эски андозалару стереотиплардан холи бўлган ҳолда баҳо берилмоқда. Имом Бухорий, Имом Термизий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Ясавийнинг диний-фалсафий асарлари, ҳукмдор бўлганлари учун ўрганилиши ман қилинган Амир Темур, Ҳусайн Бойқаро, Амирий, Феруз каби аждодларимизнинг адабий-бадий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашларининг эндиликда ҳар томонлама тадқиқ этилаётгани ҳам фикримизнинг исботи бўла олади. Бундай ҳол ҳозирда Ер юзида кечаётган жараёнлар билан ҳамоҳанглик касб этмоқда. Зеро, ҳозирги пайтда бутун дунёда маданиятга умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан туриб баҳо бериш, ҳар бир маданият, маданий ҳодисага унинг диний, синфий, миллий ёки минтақавий мансублигидан қатъи назар, инсон маънавий-руҳий изланишининг меваси, инсоннинг ўз-ўзини англаш, камолотга интилишининг бир босқичи, кўрини-

ши, ҳар бир маданий ҳодиса, жараён, объектни табиий-тарихий ривожланиш давомида юзага келган олий бир ижтимоий неъмат, деб билиш устувор бўлиб бормоқда.

Мустақиллик маданий меросимизнинг тарих қаърида яшириниб келган қатламларини тадқиқ этиш учун ҳам имконият яратди. Хусусан, миллий қуроли кучларимизнинг шаклланиши, хорижий давлатлар билан дипломатик алоқаларимизнинг ривожланиши миллий ва ҳарбий символика, геральдика бўйича тўпланган тажриба ва билимларга бўлган қизиқишнинг кучайишига олиб келди. Энг муҳими халқимиз бу соҳаларда ҳам бой меросга эгаллиги маълум бўлди. Ушбу соҳаларда эришилган ютуқлар бугунги кунда маданий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланди.

Маданий ҳаётимизда бўлаётган буюк ижобий ўзгаришларнинг яна бир нишониси бу бетакрор ва ноёб тарихий, илмий, бадиий қўлёзмаларнинг ўрганилиши бошлангандир. Аммо бу соҳада қилиниши керак бўлган ишлар ҳам ҳали талайгина. Зеро, мутахассислар фикрича, кутубхоналаримиз, турли илмий тадқиқот институтларининг қўлёзмалар фондида минглаб ноёб қўлёзмалар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Айни пайтда, бошқа мамлакатлар кутубхоналари, фондлари ва музейларида ҳам маданиятимиз тарихига оид минглаб обидалар сақланаётганини, бу соҳада ҳам илк қадамлар қўйилгани, дастлабки илмий экспедициялар ташкил этилганига қарамай асосий ва кенг қамровли ишлар ўз тадқиқотчиларини кутаётганини қайд этиш лозим. Чунки 1917 йил Октябрь воқеаларидан кейин турли баҳоналар остида Россия шаҳарларига олиб кетилган обидалар беҳисобдир. Хусусан, тадқиқотчилар ҳисоб-китобига кўра, биргина 1923 йилда Москва ва Санкт-Петербурзнинг библиотека ва музейларига 254200 дан ортиқ тарихий коллекциялар жўнатилган. Россия фоно ҳужжатлар архивида мамлакатимиз тарихига оид 2687 овозли ҳужжатлар сақланмоқда. Уларнинг 2617 таси Ўзбекистондаги архивларда йўқ. Мавжуд 1231 та граммофон ёзувларининг 296 таси 1907-1912 йилларга оид бўлиб, катта тарихий аҳамиятга эга.



Россия фото ва кино хужжатлар Давлат архивида эса бизнинг тарихимиз акс этган 622 та кинохужжат мавжуд бўлиб, уларнинг 218 таси юртимиз архивларида йўқ.

Миллий тарихимиз акс этган, халқимизнинг орзу умидлари, интилишлари, анъаналари ўз ифодасини топган ана шу улкан меросимизни ўрганмай, илмий тадқиқ этмай туриб мамлакатимизнинг тарихи, маданияти, унинг ривожланишининг турли босқичларидаги ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўлиқ ва тўғри тасаввурга эга бўлиш қийин, албатта.

#### **§ 4. Янгиланиш - маданият ривожланишининг зарурий шарти**

Ўтмиш маданий меросини миллат маънавий дунёсининг таркибий қисмига айлантириш, бошқача айтганда, уни ижодий ўзлаштириш, унга янги мазмун ва маъно бериш миллий-маданий тараққиётнинг бир томони холос. Ушбу жараённинг иккинчи, янада аҳамиятли томони, маданиятнинг янгиланиши, янги, бетакрор ва ноёб ҳодисаларнинг пайдо бўлиши, умуминсоний маданиятнинг янгидан-янги қатламларининг ўзлаштирилишидир. Бусиз маданият ривожланишини таъминлаб бўлмайди.

Истиклол туфайли маданий ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришлар ана шу жиҳатни ҳам қамраб олмоқда. Бугун биз илғор илмий-техник, технологик, молиявий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий билимларни эгаллашга, жаҳон маданияти, санъати, киноси, адабиёти ютуқлари билан ошно бўлишга ҳаракат қилмоқдамиз. Буни хилма-хил мисолларда кўриш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан ташкил этилган "Жаҳон адабиёти" журналининг миллий адабиётимиз янгиланиши ва ривожигаги ўрни ва аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бугунги кунда журнал Қарорда белгиланган халқимиз, айниқса, ёшларни умумбашарий қадриятлар, инсониятнинг маънавий мероси дурдоналаридан баҳраманд қилиш, кенг жамоатчиликни жаҳон адабиёти ва санъатининг нодир на-

муналари билан мунтазам таништириб бориш, жаҳондаги адабий-бадий жараёни таҳлил қилиш орқали ўзбек адабиётининг янги ижодий тажрибалар орттириши учун шароит яратиш билан боғлиқ вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиб келаётганини қайд этиш лозим. Дунё халқлари адабиёти, санъати, фалсафаси, эстетикаси, маданияти учун ўзига хос кўприк бўлиб қолган журнал саҳифаларида инглиз, немис, рус, хитой, япон, француз, араб, ҳинд ва бошқа тиллардан бевосита таржима қилинган бадий, илмий, публицистик, биографик асарлар эълон қилингани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Маданиятдаги янгиланиш ҳар бир соҳада ўзига хос характер, кўламлилик касб этади. Масалан, таълим-тарбия тизимидаги янгиланиш илғор ютуқлар, техник воситалардан фойдаланиш, тарбияни ташкил этишнинг замонавий методларини ижодий ўзлаштиришда намоён бўлади. Мазкур йўналишда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнида мустақиллик шарофати туфайли ташкил этилган олий ўқув юр்தларининг ўрни катта бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 9 январдаги Фармони билан ташкил этилган Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг ўзбек рақс санъати ривожини йўлидаги фаолиятини алоҳида таъкидлаш зарур. Олий мактабнинг Фармонда белгиланган ўзбек рақс санъатининг тарихий анъаналари ва усулларини тиклаш, асраб-авайлаш, бойитиш, миллий рақс ва балет бўйича балетмейстерлар, балетмейстр-режиссёрлар, рақс ижрочилари, илмий-педагогик ва ижодий кадрлар тайёрлаш, янги бадий жамоалар тузиш, мустақиллик маънавияти ва истиқлол гоъларини тараннум этувчи, халқимизга эстетик завқ бағишловчи замонавий ўзбек миллий рақс мактабини яратиш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишда ўзига хос марказ ролини бажараётгани ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Умуман олганда, республикамызда Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг қабул қилингани таълим соҳасидаги янгиланиш ва юксалиш жараёнининг чуқур, кўламли

ва тизимли бўлиши учун мустаҳкам замин яратганини фахр ва ифтихор билан қайд этиш лозим.

Санъат соҳасида янгиланиш янги ифода усуллари, жанрларнинг кириб келиши, айти пайтда, у ёки бу конкрет санъат асарларининг кишилар дунёқарashi, маънавий дунёсининг бойишига таъсири ҳамда ижодкорларнинг улар таъсирида янгича мазмун билан суғорилган санъат намуналарини яратишдек серқирра жараёнларни қамраб олади.

Муסיқа миллий қиёфани белгилаб берадиган, инсон қалбига эзгу ғоялар, беғубор туйғуларни сингдирадиган омиллардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, халқимиз қадимдан юксак муסיқий салоҳиятга эга бўлганини алоҳида қайд этиш лозим. Самарқанд вилоятининг Ургут туманидан 3 минг 300 йил муқаддам суяқдан ясалган муסיқа асбоби - най топилгани, Форобий, Ибн Сино, Навоий, Бобур каби буюк аждодларимизнинг муסיқашуносликка оид қарашлари ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Мустиқиллик ана шу бетакрор муסיқий меросимизни чуқур ўрганиш, муסיқа санъатини янада ривожлантириш, кенг оммага етказиш имконини яратди. Бу борада қилинаётган ишларнинг истиқболли мазмун касб этишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорининг аҳамияти беқиёсдир. Зеро, Қарор ёшлар истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, муסיқа санъати ривожини учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бошланғич муסיқа таълими, болалар муסיқа ва санъат мактаблари фаолиятини тубдан такомиллаштириш ишларини янги, янада юксак поғонага олиб чиқиш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Маданиятдаги янгиланиш жараёнларида турли йўналишларда ўтказиладиган ижодий танловлар, фестиваллар, халқаро ижодий ҳамкорликнинг ўрни ниҳоятда катта.

Шу маънода Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилдан бери ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ўзига хос маъно ва аҳамият касб этмоқда. Фестиваль дунё халқларининг ноёб мусиқий анъаналари янгилашиши, ўзаро бойишига ва, айти пайтда, турли элларни санъат воситасида муштарак мақсадлар йўлида яқинлаштиришга хизмат қилиб келаётгани ҳам бундай хулосанинг ўринли эканини кўрсатади.

## **4-БОБ. МАДАНИЯТ РИВОЖЛАНИШИНИ БОШҚАРИШ**

### **§ 1. Маданият ривожланишини бошқаришнинг ижтимоий-тарихий табиати**

Бошқарув ҳар қандай биологик ва ижтимоий тизим мавжудлиги, барқарорлиги ва ривожланишини таъминлашнинг муҳим механизми ҳисобланади. Унинг ишдан чиқиши охиروقибатда системанинг ҳалок бўлишига олиб келади.

Ҳар бир системада ўзига хос хусусиятга эга бўлган бошқарув ижтимоий ҳаётда нисбатан мураккаб характер касб этади. Бундай мураккаблик жамият ҳаётининг хилма-хил соҳалардан иборатлигидан, улар ўртасидаги алоқалар ҳамда ўзаро таъсирнинг турфа хиллигидан келиб чиқади.

Кишилар ўртасидаги алоқалар, жамият турли қатламларининг муносабати, ижтимоий ҳаёт соҳаларининг ўзаро таъсири муайян ташкиллашувсиз, бошқарувсиз содир бўлиши мумкин эмас. Азалдан шундай бўлган, бундан буён ҳам шундай бўлади. Масалан, ибтидоий даврда кишилар ўртасидаги алоқалар асосан авлоддан-авлодга ўтиб борган анъаналар, урф-одатлар ёрдамида амалга оширилган, уруғ ва қабила бошлиқларининг бошқарув функцияси куртак ҳолида бўлган. Жамият ривожланишининг кейинги босқичларида бошқариш функциясини ўз қўлига олган ижтимоий институтлар - бошқариш субъектлари шаклланди. Тарихий тараққиёт давомида уларнинг янгидан-янги шакллари пайдо бўлиб, бажарадиган функциялари доираси кенгайиб борди. Илмий билимлар ривожини эса бошқарув жараёнларини фан-техника ютуқларига асосланган ҳолда ташкил этишни келтириб чиқарди. Вақт бундай тенденциянинг асрлар давомида чуқурлашиб борганини, замонавий воқелик эса унинг тобора кенг қамровлилик касб этиб бораётганини кўрсатмоқда.

Ижтимоий бошқарув ҳаминиша конкрет тарихий мазмунга эга бўлади. Бу унинг чегараси, мазмуни, мақсадлари ва тамойиллари ҳар бир даврда конкретлилик, ўзига хослик касб этишида ва мавжуд ижтимоий-иқтисодий, сиёсий,

маънавий-мафкуравий муносабатларнинг характери билан белгиланишида, уларнинг ривожланиши билан ўзгариб, такомиллашиб, тараққий қилиб боришида кўринади. Масалан, ўрта асрларда дунёнинг кўпгина давлатларида диннинг ҳукмронлиги ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини тўла-тўқис назорат қилишни, диний ақидаларга бўйсунгани келтириб чиқарди. Ижтимоий бошқарув диний қонунқоидалар, ақидаларга қатъий ва сўзсиз риоя қилиш асосида ташкил этилди. Яқин ўтмишда ижтимоий бошқарув кўпгина мамлакатларда социалистик мафкура ва атеизм таъсири остида ана шундай назоратга асосланган ҳолда амалга ошириб келинди.

Ҳозирги даврда дунёда демократик мазмунга эга бўлган ижтимоий бошқарув ҳукмрон бўлиб бормоқда. Бу ижтимоий ҳаётда демократиянинг устуворлигида, бошқарув институтларининг демократик тамойилларга асосланиб фаолият кўрсатишида ҳамда шахс қадр-қиммати, ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кучлилигида кўринади. Мазкур хусусиятлар жамиятнинг маданий ҳаётидек мураккаб ва серқирра соҳасига ҳам тегишлидир.

Маданий қадриятларни ишлаб чиқиш, тарқатиш ва истеъмол қилишни бошқариш маданият ривожланишини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Маданиятни бошқариш вазифалари қанчалик хилма-хил бўлмасин бош мақсад инсоннинг камолоти ва салоҳиятини намоён қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат. Шу нуқтаи назардан қараганда, маданиятни бошқариш жамият аъзоларининг маданий эҳтиёжларини қондириш ва уларни доимий ривожлантириб боришдек икки ўзаро боғлиқ ва ўзаро белгиланган вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган бўлади.

Айни пайтда, бу соҳадаги бошқарув маданий қадриятларни яратиш ва тарқатишга йўналтирилган турли ижодий жараёнларни ташкил этиш ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши фуқароларнинг жамият маданий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашга замин яратади.

Маданият ривожланишини муваффақиятли бошқариш-

да давлат ҳокимияти органларининг маданият масалаларига доимий диққат-эътибори алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, бундай эътиборнинг доимийлиги ва тадрижийлиги бошқаришдаги бошбошдоқликнинг олдини олиш билан бир қаторда кўзланган мақсадга эришишнинг зарурий шартин ҳисобланади.

Тарихий тажриба давлат органларининг маданиятга "ўғай" кўз билан қараши жиддий салбий оқибатларга олиб келишини кўрсатади. Яқин ўтмишда - собиқ иттифоқ даврида маданият ривожига нисбатан "қолдиқ сиёсати" амалга оширилгани ва мавжуд муаммоларга нисбатан беписандлик билан қаралгани натижасида маданий ҳаётда турғунлик юзага келгани ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Давлат ҳокимияти ва бошқариш органларининг маданият масалаларига эътибори маданий қадриятларни яратиш ва тарқатиш жараёнини режалаштириш, прогноз ва назорат қилишни ташкил этиш ҳамда замонавий фан-техника ютуқларидан - ахборотларни йиғиш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва тарқатиш воситаларидан самарали фойдаланиш билан узвий боғлиқдир. Ушбу жараёнларнинг тўғри ташкил этилиши маданий ҳаётда бўлаётган ўзгаришларнинг характери ва йўналишини тўғри англаш имконини беради. Аммо улар асосида қабул қилинадиган қарорлар ҳозиржавоб бўлган, мавжуд муаммолар комплексини тўлалигича қамраб олган тақдирдагина ижобий ҳолатларнинг ўсиши, салбий тенденцияларнинг олдини олиш учун шароит яратилади.

Юқорида қайд этилган ҳолатларнинг ўзи маданий жараёнларни муваффақиятли бошқариш учун етарли эмас. Зеро, бу соҳадаги муваффақиятни таъминлаш маданий фаолиятда фойдаланилаётган иш шакллари ва методларининг самарадорлигини ошириш, маданий қурилиш амалиётига социологик, социал психологик методлар ва ижтимоий экспериментларни жорий қилиш, кадрлар малакасига талабни ошириш, уларнинг қобилиятини ривожлантириш, ходимларнинг умумий ва касбий даражасининг ўсиши учун қулай шароит яратишдек вазифаларни ҳам тўғри ва ўз вақтида ҳал этишни тақозо этади.

Мазкур жараёнда бошқарув аппарати структурасини доимий такомиллаштириб бориш, ходимларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини, масъулият доирасини аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг ишларини мувофиқлаштиришни оптималлаштиришнинг ўрни ва аҳамияти ҳам катта.

Маданият тараққиётини бошқаришнинг сифати ва самарадорлиги кўп даражада бошқаришнинг ўзи қандай ташкил этилганига ҳам боғлиқ. Бунда бошқариш жараёни асосини қандай принциплар ташкил этиши, уларга қанчалик риоя қилинаётгани ҳамда маданият ривожига турли социал омилларнинг таъсири нечоғлиқ инobatга олинаётгани ниҳоятда муҳимдир.

Маданий жараёнларни бошқаришга илмий ёндашув бошқарув объектнинг ўзига хошлигини инobatга олишни ҳам тақозо этади. Айниқса, маданий фаолиятнинг мазмуни алоҳида диққат-эътиборни талаб қилади.

Маданий фаолият ўз моҳиятига кўра маданий кадриятларни ишлаб чиқиш, сақлаш, тарқатиш ва истеъмол қилишга қаратилган инсоннинг маънавий-амалий фаолиятидир. Унда индивиднинг моҳиятли сифатлари, қобилияти, эҳтиёжлари, ижодий имкониятлари ўзлигини намоён қилади, рўёбга чиқади. Бундай ёндашув маданий фаолиятнинг шахснинг муайян типини шакллантиришдек асосий функциясини ажратиш имконини беради.

Маданият, энг аввало маънавий маданият, шахснинг дунёқараши, кадриятларини белгилаб беради, кишилар ўртасидаги алоқаларни ва маданий фаолият натижалари билан алмашувни таъминлайди.

Маданиятнинг асосий вазифаси шахсни камол топтириш, инсоннинг ўзлигини рўёбга чиқаришга хизмат қилиш экан, бу маданият ва унинг соҳалари ривожланишини бошқаришнинг ўзига хошлигини белгилайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, маданиятни бошқариш моҳият эътибори билан шахснинг муайян типини шакллантириш ва камол топтириш жараёнини бошқариш демакдир.

Маданиятни бошқаришга хос хусусиятлар ҳақида гап кетар экан, у нафақат профессионал доирадаги фаолиятга, балки бўш вақтда кишиларнинг маданий кадриятларни



яратиш ва истеъмол қилишдек маданий фаолиятини ташкил этишга ҳам йўналтирилган бўлишини алоҳида қайд этиш лозим.

Маданият соҳасидаги бошқарувнинг яна бир ўзига хос хусусияти унинг натижаларининг эҳтимоллик характериға эгаллигидадир. Бу, биринчидан, маданий фаолиятнинг нисбатан эркинлиги, иккинчидан, унинг инсонга таъсирининг хилма-хиллиги билан изоҳланади.

## **§ 2. Маданият ривожланишини бошқаришнинг структураси**

Илмий адабиётларда маданиятни бошқаришнинг бошқариш субъекти ва объекти, субъект ва объект алоқалари тизими, акс алоқалар тизими, бошқариш методлари, таъмоийллари ҳамда бошқариш жараёнининг ўзи каби структуравий элементларини ажратиш кенг тарқалган.

Маданиятни бошқаришнинг субъекти ва объектини, улар ўртасидаги алоқаларни аниқлаш ҳаминша масалаға қандай ёндашишға боғлиқ бўлади. Масалан, умумий тарзда олганда, маданиятни бошқаришға дахлдор бўлган мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари бошқарув субъекти, умумий маданий жараён ёки унинг конкрет соҳалари бошқарув объекти сифатида намоён бўлади. Бошқарув субъекти ва объекти масаласи конкрет мутасадди идоралар фаолиятиндан келиб чиқиб қаралганда эса, ушбу идоранинг ўзи субъект, уларнинг жойлардаги бўлинмалари объект бўлиб чиқади. Демак, бошқарувға вертикал алоқалар нуқтаи назаридан ёндашилганда бир ҳолатда бошқарув объекти ҳисобланган ташкилот, муассаса бошқа бир даражада унинг субъекти сифатида чиқади.

Конкрет маданий муассаса, ташкилотда эса бошқарув субъекти ва объекти бошқача кўриниш олади. Шунинг учун ҳам, маданий ҳаётнинг айнан мана шу даражасида бошқарув субъекти ва объектининг хусусиятлари, улар ўртасидаги алоқалар моҳиятини тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Шахснинг маданият соҳасидаги фаоллиги ўзига хос бошқарув муносабатларининг шаклланишиға олиб келади.

Бу ўзига хослик шундаки, у жамоавий фаолиятнинг ичида юзага келади ва, айниқса, маданий фаолиятнинг театр, ашула ва рақс ансамбллари, турли бадиий гуруҳлар каби шаклларида яққол намоён бўлади. Бунда бошқарув субъектининг структураси, унинг объекти каби мураккаблашади ва бошқарув субъекти сифатида раҳбарият, фаоллар (но-расмий лидерлар), алоҳида гуруҳ, муайян шароитларда эса бутун жамоа ҳам чиқиши мумкин. Табиийки, бундай шароитда объектнинг роли ҳам ўзгаради.

Аксарият ҳолларда бошқарув объекти сифатида маданият ташкилотлари ва муассасалари, яна ҳам аниқроғи уларнинг жамоалари қаралади. Амалиёт маданият ходимлари учун уларнинг раҳбарлари ижодий фаолиятдаги эҳтиёжларини қондиришнинг ўзига хос объекти сифатида чиқишини кўрсатади.

Бошқарув жараёнида акс алоқа, яъни объект-субъект алоқалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундай алоқалар жамоа фикрини билиш, зарур бўлган ҳолларда ижодий фаолият жараёнига тегишли ўзгартиш, қўшимчалар киритиш ва кўзланган мақсадга тўлақонли эришишга имконият яратади.

Акс алоқа объект, яъни коллектив (ташкилот, муассаса, гуруҳ) ва субъект, яъни раҳбарият (масалан, режиссёр, бадиий раҳбар, хореограф, бош архитектор) тизимида жамоа ташаббус билан чиққан, бу ҳақда раҳбариятга маълум қилган ва шу йўл билан бўлажак бошқарув муносабатларига ўзгартишлар киритган пайтда у тавсиявий характерга эга бўлади. Аммо коллектив ва раҳбарият ўзаро конфликтда бўлган пайтда акс алоқа талаб, буйруқ характерига эга бўлади. Бундай вазиятларда конфликт радикал, яъни раҳбариятнинг алмаштирилиши ёки коллективнинг тарқатиб юборилиши ёки ўзаро келишув йўли билан ҳал этилиши мумкин.

Илмий адабиётларда субъект ва объект алоқаларининг характеридан келиб чиқиб, бошқаришнинг бевосита ва билвосита методларини ажратиш кенг тарқалган. Хусусан, бевосита бошқариш методи субъектнинг объектга тўғридан-тўғри таъсирини назарда тутса, билвосита бошқариш методи бошқариш субъекти (раҳбарият)нинг объектнинг му-

айян элементига, айтайлик, ташаббускор гуруҳ (норасмий лидерлар)га таъсирини ифодалайди.

Объект элементларининг ўзаро таъсирини бошқаришга йўналтирилган билвосита бошқариш ижодий ёндашувни ва танлаб олинган йўлда фаол ҳаракат қилишни рағбатлантиради, бошқариш субъектини кенгайтириш, ўз-ўзини бошқариш механизмларини юзага келтиради. Гап шундаки, бошқариш субъектининг объект фаолияти қонуниятларига функционал мос келиши кўп жиҳатдан унинг информაციон мутаносиблиги билан белгиланади. Бошқариш субъектининг барча бирликлари томонидан қабул қилинадиган информация бошқариш объектининг сифатий хилма-хиллигини мумкин қадар кенг характерлаши керак. Бунда бошқаришнинг оралиқ бўғинларининг ўрни ва аҳамияти ошади.

Умуман олганда, бошқарув бевосита ва билвосита раҳбарлик методларининг диалектик бирлиги сифатида чиққандагина самара беради.

Маданият ривожланишини бошқаришда юқори самарадорликка эришишда бошқарув принципларининг ўрни ниҳоятда катта. Бунда системалилик, объективлик, конкретлилик, илмийлик каби умумбошқарув ва специфик, яъни маданий ҳаётнигина бошқаришга дахлдор бўлган принципларни уйғун қўллаш алоҳида аҳамият касб этади.

Системалилик маданий тараққиёт муаммоларини жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳалари ривожланиши билан диалектик бирликда олиб қараш имконини беради. Айнан системали ёндашув маданият ривожланишининг оптимал йўллари белгилаш учун замин яратади. Масалан, иқтисодий салоҳиятни тўғри баҳолашгина маданият муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва мўлжалланган лойиҳаларнинг молиявий таъминланишини тўғри ташкил этиш имконини беради.

Айни пайтда, бундай ёндашув жамият социал структурасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг маданий эҳтиёжларини аниқлаш, қондириш, ривожлантириш ва демакки, маданият та-

раққиётининг устувор йўналишларини оқилона белгилаб олишга хизмат қилади.

Системалилик сиёсий тизимнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш, миллий-маданий тараққиёт манфатлари йўлида давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва жамоат ташкилотлари салоҳиятидан ҳам унумли фойдаланиш имконини яратади.

Бошқариш жараёнида маданият ўз ички ривожланиш мантиқига, ҳеч кимнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган объектив қонуниятларга эгаллигини инобатга олиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, объективлик принципидан чекиниш айрим кишилар хоҳиш иродасини инобатга олган ҳолда маданий ҳаётга оид исталган қарорларни қабул қилиш, маданият ҳодисаларини субъектив қарашларга асосланиб ижобий ёки салбий деб баҳолашга йўл очадиган волюнтаристик ёндашувларни келтириб чиқаради. Тарихий тажриба бундай ёндашув маданий ҳаётда ўта оғир оқибатларга олиб келишидан гувоҳлик беради.

Ҳар қандай объектив қонуниятлар муайян макон ва замонда, конкрет ижтимоий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий вазиятда намоён бўлади ва ўзига хослик касб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, объективлик конкретлилик принципи билан бирга олиб қаралгандагина маданий ҳаётда кечаётган жараёнларни тўғри баҳолаш ва адекват қарорлар қабул қилишга замин яратади. Конкретлилик принципини менсимаслик реал маданий ҳаётдан узоқлашишни, формализмни келтириб чиқаради, мавҳум, рўёбга чиқиши қийин бўлган, амалиётда фақат зарар келтирадиган қарорларнинг қабул қилинишига олиб келади.

Маданий ҳаёт ривожланишини бошқаришда илмийлик принципи ниҳоятда катта аҳамиятга эга. У маданиятга ёки унинг айрим соҳаларига маданият ривожланишининг объектив қонуниятлари ва тенденцияларини англаган ҳолда мақсадга мувофиқ, онгли ёндашиш асосида тараққиётга замин яратадиган тегишли фаолият дастурини ишлаб чиқиш имконини беради. Маданият тараққиётида стихиялиликнинг камайишига, бошқариш жараёнида фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланишга йўл очади.

Маданиятни бошқариш структурасида бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ ва бири иккинчисидан бевосита келиб чиқадиган бошқариш объекти ҳақида ахборотлар йиғиш ва таҳлил қилиш асосида аниқ мақсадни белгилаб олиш, уни рўёбга чиқариш йўлида муайян қарорлар ишлаб чиқиш ва, ниҳоят, уларнинг бажарилишини назорат қилишни ташкил этишдек уч босқичдан иборат бўлган бошқариш жараёнининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бунда бошқариш объекти ҳақидаги ахборотларни йиғиш, тўплаш, қайта ишлаш, системалаштириш бошқарув жараёни кейинги босқичларининг характерини тўлалигича белгилаб беради. Мазкур жараёнда бошқариш объектининг барча бўғинларидан келаётган ахборотларнинг тўғри ва объектив бўлиши ҳаётий-амалий аҳамият касб этади. Чунончи, жойлардаги раҳбарларнинг ўз манфаатлари йўлида ҳақиқий ҳолатни яшириши, нотўғри ахборотлар бериши ҳамда у ёки бу сабабларга кўра таҳлилий маълумотларда субъективизмга йўл қўйилишига шароит яратмаслик лозим. Ахборотлар ва уларнинг таҳлили асосида бошқарув объект(лар)ининг ҳақиқий ҳолати аниқланиб, мақсадлар белгиланиб олинишини инobatга олсак, бундай ҳолатнинг юзага келиши бутун бошқарув жараёнига жиддий зарар етказди.

Аниқ мақсаднинг шаклланиши эса ўз навбатида бошқарув объект(лар)ининг ривожланишини, унда нималар, қандай йўналишда ва қай йўсинда ўзгартирилиши ёки сақлаб қолиниб, такомиллаштирилиши лозимлигини белгилаб берувчи қарорлар қабул қилинишига олиб келади. Улардаги кўрсатмалар конкрет лойиҳалар шаклини олгандагина самара беради. Чунки уларда амалга ошириладиган ишларнинг кўлами, бажарилиш муддати, жойи ва жавобгар шахслар аниқ кўрсатиб берилади.

Тажриба шундан далолат берадики, белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва аниқ бажарилишини қатъий назорат қилишига бошқаришнинг самарадорлигини таъминлайди. Бу босқич зарурий тарзда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш каби элементларни ҳам қамраб олади. Айнан шу босқичда амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида тўлиқ ва ҳар томонлама ахборот йиғиш ҳам таш-

кил этиладики, бу бошқариш жараёнининг янги цикли учун замин яратади.

### § 3. Маданий қадриятларни тарқатиш тизими

Маданий қадриятларнинг тарқалиши, кенг жамоатчиликка маълум бўлиши улар мавжуд бўлишининг зарурий шартидир. Қадриятларнинг тарқалиш доираси, аудиторияси қанчалик кенг бўлса, уларнинг ҳаёт, давр синовидан ўтиши, демакки, яшовчанлиги шунчалик узоқ бўлади. Шунуқтаи назардан қараганда, ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, режиссёрлар ва маданиятнинг профессионал ижодкорларининг бошқа қатламлари ўз ижодлари намуналарини мумкин қадар турли йўллар, усуллар ёрдамида кенг тарқалишидан манфаатдордирлар.

А.Моль фикрича, маданий қадриятларини яратиш ва тарқатиш алоҳида ижодкор ёки ижодий гуруҳ томонидан маданий қадриятлар (ғоялар, асарлар ва ш.к)нинг ишлаб чиқилиши, уларнинг ижодкор зиёлиларнинг муайян доирасида тақдим этилиши йўли билан илк синовдан ўтказилиши, сўнгра эса бутун жамият миқёсида тарқатилиши ва унинг натижаларига таянган ҳолда ушбу қадриятларнинг танқидий баҳоланиши ва қайта ишланиши каби бир-бири билан узвий боғлиқ босқичларни қамраб олади.

Бугунги кунда маданий қадриятларни тарқатишда оммавий ахборот ва коммуникация воситаларининг ўрни ва роли беқиёс даражада кенгайиб кетди. Зеро, матбуот, радио, телевидение, интернет, ҳатто, бугунги кунгача оддий алоқа воситаси бўлиб келган уяли телефонлар ҳам маданият янгиликлари, қадриятларни кенг жамоатчиликка етказиб берувчи ҳодисалар сифатида жамият ҳаётига улкан таъсир ўтказиш қувватига эга. Уларнинг таъсир кучи бериладиган материалларнинг, биринчидан, тезкорлиги, кўтарилаётган масалаларнинг долзарблигига, иккинчидан, муайян аудиторияга мўлжаллангани билан ҳам белгиланади.

Оммавий ахборот воситалари маданий ҳаётдаги муайян маданий воқеа, ҳодиса ёки муаммо юзасидан ахборотни етказиб бериш орқали унинг жамият учун аҳамияти, кенг аҳоли қатламлари учун долзарблигини таъкидлайди, ки-

шилар онгида барқарор тасаввурлар, образлар, қадриятларнинг шаклланишига кўмаклашади. Бу эса, ўз навбатида, у ёки бу масалага диққатни қаратиш орқали фуқароларни унинг атрофида бирлашишларига хизмат қилади, турли ижтимоий гуруҳ вакилларига ягона мақсад йўлида якдиллик билан ҳаракат қилишга замин яратади.

Айни пайтда, бугунги кунда, айнан оммавий ахборот воситалари орқали "оммавий маданият" ниқоби остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм ва эгоцентризм ғояларини тарқатиш, миллий анъана ва қадриятлар, турмуш ва тафаккур тарзининг маънавий негизларини қўпоришга қаратилган ҳаракатлар тобора авж олиб бораётганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Шундай вазиятда ҳар хил шаклу шамоийлда чиқаётган бундай уринишларга қарши маданий ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришлар, асрлар давомида камол топиб келган миллий-маънавий қадриятларимизни халқимизнинг турли қатламларига мос ва тушунарли тилда етказиб бериш ҳаётий-амалий аҳамият касб этади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, "...бизнинг миллий руҳимиз ва табиатимизга ёт ва бегона бўлган ана шундай "маданият" намуналарини фақат танқид ва инкор қилиш ёки уларни тақиқлаш билан бирон натижага эришиб бўлмайди. Бундай хатарлардан ҳаётимизни асраш, маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик учун авваламбор эзгу инсоний ғоялар ва юксак маҳорат билан яратилган асарлар орқали халқимизнинг маданий савиясини юксалтириш, бошқача айтганда, бугун жаҳон майдонида юз бераётган кескин ақл-заковат ва истеъдод мусобақасида беллашувга қодир бўлишимиз шарт".

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида замонавий техник ускуналарга, кенг ва чуқур фикрловчи кадрларга эга бўлган, янгича мазмун-моҳият касб этадиган оммавий ахборот воситалари фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Бугунги кунда мамлакатимизда 1110 та оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатаётгани, уларнинг 100 дан ортиғи интернетда ўз веб-сайтига эгаллиги, сўнгги ўн йил ичида босма оммавий ахборот воситалари сони икки баравар кўпайгани, тўртта ахборот агентлиги, ўнлаб

телерадиоканаллар, шунингдек, Интернет-агентликлари ва ахборот хизматлари ишлаб тургани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Маданий қадриятларни тарқатишда, кишилар тафаккури ва дунёқарашини ўзгартиришда, ҳар томонлама ривожланган инсонни тарбиялашда маданият муассасалари ўзига хос ўринни эгаллайди. Маданият муассасалари деганда бадий томоша (театр, концерт-гастрол ташкилотлари, цирк) ва маданий-оқартув ташкилотлари (музейлар, библиотекалар, клублар, парклар) тушунилади.

Инсоният маданияти тараққиёти, унинг ўзига хослигини белгилаб беришда театрнинг ўрни ниҳоятда катта. Кино ва телевидениенинг пайдо бўлиши театрнинг ҳалокатини таъминлайди, деган қарашларнинг шаклланишига олиб келган, театрнинг истиқболига бундай пессимистик ёндашув ҳозирда ҳам мавжуд бўлса-да, вақт бундай "башоратларнинг" ўринсизлигини кўрсатиб берди. Айтиш мумкинки, бугун ҳам инсоният маданияти мавжудлиги ва истиқболини театрларсиз тасаввур қилиш ниҳоятда қийин.

Бир пайтнинг ўзида маданий қадриятларнинг ҳам яратувчиси, ҳам тарқатувчиси сифатида чиқиши театрларнинг ўзига хос ва энг муҳим хусусияти ҳисобланади. Театр фақат маданий қадриятларни тарқатиш тизимининг элементи сифатида олиб қаралганда ҳам у бир қатор ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туради. Жумладан, театрда ижодкор билан томошабиннинг бевосита мулоқоти содир бўлади. Томошабин билан акс алоқа, сахна ва зал ўртасидаги уйғунлик бадий асарда илгари сурилаётган ғоялар, тарғиб этилаётган қадриятларнинг тўғри тушунилиши, қабул қилинишида катта аҳамиятга эга. Шунингдек, бундай хусусият сахнада қўйилаётган спектаклнинг такомиллаштириливи, янги қирраларининг очилишига хизмат қилади. Ушбу хусусият театрнинг кинодан тубдан фарқ қилишини ҳам кўрсатади.

Замонавий театр содир бўлаётган воқеа, ҳодиса, жараёнларни тушуниш учун томошабиндан муайян билимларни тақозо қиладиган интеллектуал театр ҳисбланади. Агар оммавий намойишлар хоҳ у халқ театри, хоҳ эстрада, хоҳ



цирк намоиши бўлсин биринчи навбатда ҳиссиётларга мурожаат қилса, театр тафаккур қудратини, ақлий билимни мобилизация қилишга ундайди, матн остидаги маънони тушунишга, англашга чақиради.

Театр маданий қадриятларни яратиш ва тарқатишнинг ўзига хос шакли сифатида жуда қадимдан шаклланган. Мутахассислар унинг манбаи сифатида маросим қўшиқлари, рақсларини, комик саҳналарнинг қўйилишини, халқ ўйинларини қайд қилишади.

Маълумотларга кўра, эрамиздан аввалги III асрдаёқ Марказий Осиёда театр санъати шакллана бошлаган. Бу даврга оид кумуш идишларда турли театр саҳналари ифодалангани шундай хулоса чиқариш имконини беради. Ўзбек театрининг илдизлари, ана шундай узоқ мозийга бориб тақалади. "Лекин, — деб ёзади Президентимиз И.Каримов, — XX асрга келиб ўзбек театр санъати янгитдан - юртимиз ва жаҳон миқёсида шаклланган, даврлар синовидан ўтиб келаётган анъана ва тажрибалар асосида вужудга келгани ва камол топганини эътироф этиш зарур. Хусусан, пойтахтимиз ва вилоят театрларида намоиш этилган дунё саҳна санъатининг мумтоз намуналари ўз вақтида нафақат юртимиз, балки чет эл томошабинларини ҳам ҳайратда қолдиргани бу фикрни исботлайди. Шу билан бирга, театр ижодкорларимиз томонидан яратилган кўплаб миллий руҳдаги саҳна асарлари хорижий мамлакатларда ҳам муваффақият билан ижро этиб келинади".

Бугунги кунда республикамизда драма, мусиқали драма ва комедия, сатира, опера ва балет ҳамда қўғирчоқ ва ёш томошабинлар театри каби йўналишларда фаолият кўрсатётган ўттиздан ортиқ театрда турли мавзу ва жанрларда спектакллар яратилиб, самарали ижодий изланишлар олиб борилмоқда.

Айни пайтда, ўзбек театри саҳнасида давр қаҳрамонлари қиёфасини акс эттирадиган, кишиларимизнинг тарихий, бадиий, маънавий-маърифий қарашлари, билим доирасини кенгайтиришга хизмат қиладиган, ҳаққонийлик ва эзгулик ғоялари билан йўғрилган бадиий баркамол санъат асарларини яратиш, истеъдодли драматург ва режиссёр-

лар, театр актёрларининг янги авлодини тарбиялаш масаласи ўз долзарблигини сақлаб қолаётганини ҳам қайд этиш лозим.

Профессионал театр билан бир қаторда маданий қадриятларни тарқатиш тизимида ҳаваскорлик ҳам муҳим роль ўйнайди. Ҳаваскорлик саҳнаси халқ санъатининг энг оммавий турларидан бири ҳисобланади, деб бемалол айтиш мумкин. У қандай кўринишда чиқмасин, халқ талантларини кашф этиш, аҳолининг умумий маданият даражасининг ўсишига қўмаклашиш, профессионал санъат намоёндалари сафини тўлдиришга хизмат қилишнинг муҳим бўғини ҳисобланади.

Республикамизнинг турли бурчакларида ҳаваскорликнинг ашула ва рақс, айниқса, фольклор-этнографик ансамбллар, оилавий санъат дасталари каби шакллари кенг тарқалганини ва асрлар давомида шаклланган санъат дурдоналарини сақлаб қолиш, халқимизга қайтариш борасида самарали фаолият олиб бораётганини таъкидлаш зарур.

Дорбозлик ўзининг бетакрор, асрлар давомида шаклланган, сайқал топган миллий илдизларига эга. У ўзида дорда юриш, акробатика, қизиқчилик, рақс, ҳайвонлар билан томоша кўрсатиш каби элементларни бирлаштирган ва замонавий циркка ниҳоятда яқин бўлган энг дастлабки, энг қадимий миллий-профессионал санъат тури дейиш мумкин. Биринчи миллий циркимиз жамоаси ўзагини ҳам дорбозларимиз ташкил этгани шундай дейишга асос бўлади. Шу билан бирга, бу санъатни эгаллаш мунтазам ва машаққатли меҳнат, тайёргарликни талаб қилишини ҳам таъкидлаш зарур. Айни пайтда, дорбозлик, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос турмуш тарзи ҳамдир. Шундай бўлгандагина бу соҳада муайян мувафаққиятга, оригинал репертуарга эга бўлиш ва халқ олқишига сазовор бўлиш мумкин. Аксарият ҳолларда дорбозлик гуруҳларининг асоси, ўзагини муайян оила ташкил қилиши ва сулолавий санъат турига айлангани ҳам шундан.

Маданий қадриятларни тарқатиш тизимида маданий оқартув ташкилотларининг ўрни ҳам катта. Масалан, бу жараёнда музейларнинг ўзига хос ўрни бор. Маърифий-ма-

даний, илмий ва дам олиш маскани бўлган музейлар ўтмиш ва бугунги кун ўртасида боғловчи ҳалқа ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда турли йўналишларда фаолият кўрсатувчи 1200 дан ортиқ музей ана шундай вазифани бажармоқда. Халқимизнинг бой тарихи, ажойиб анъаналари ва қадриятлари, улкан маънавий салоҳиятини намоён этувчи ушбу муассасалар тизимида мустақиллик шарофати туфайли бунёд этилган Темурийлар тарихи давлат музейи, Қатағон Қурбонлари хотираси музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Термиз Археология музейи алоҳида ва ўзига хос ўринга эгаллигини таъкидлаш зарур.

Санъат тури сифатида ўзининг бир қатор хусусиятлари билан ажралиб турадиган кино ҳам маданий қадриятларни тарқатиш тизимининг муҳим элементи ҳисобланади.

Кино, масалан, кўп асрлик тарихга эга театрдан ва илдишлари қояларга ўйиб ишланган расмларга бориб тақаладиган рассомчиликдан фарқли равишда бир асрдан сал ортиқроқ тарихга эга холос. У узоқ давом этган техника ва технология ривожланишининг табиий маҳсулидир. Зеро, уларнинг ривожланишидан ташқарида кинони тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу ҳозирги давр киносида ҳам яққол кўринади. Кино ўз моҳиятига кўра, пайдо бўлишининг илк даврлариданоқ кенг халқ оммасига мўлжалланганини, ҳамма учун тушунарли санъат тури сифатида юзага келганини таъкидлаш зарур. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки кино ўз томошабинига эга бўлган пайтдагина санъатлигини намоёиш қила олади. Масалан, картина галереянинг бўш залида ҳам маданий қадрият бўлиб қолаверади. Кинофильмнинг томошабинсиз намоёиш қилиниши бемаъниликдир. Айнан кўпчилик учун тушунарли бўлганлик томошабинлар келишини ва молиявий харажатларни қоплаш имконини беради. Кинонинг театр, рақс, қўшиқ, мусиқа ва яна бир қатор санъат турларига хос хусусиятларни ўзида мужасамлаштиргани унинг маданий қадриятларни тарқатиш тизимидаги бетакрор ўрнини белгилаб беради.

Аҳолининг кино санъати билан боғлиқ ижтимоий-маданий эҳтиёжларининг ҳозирги аҳволи ва ривожланиш тен-

денцияларини таҳлил қилиш асосида икки қизиқарли жиҳатни қайд қилиш мумкин. Биринчидан, томошабинларнинг ёши, жинси, маълумоти, умумий маданий даражаси билан боғлиқ равишда ижтимоий-маданий талаблар хилма-хиллигининг чуқурлашуви кузатилмоқда. Шу маънода кинога бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Зеро, олдин у ёки бу сабабларга иложи бўлмаган нарсаларни ҳам кўриш имконияти топилаёпти. Иккинчидан, "соф" кинога бўлган талаб хилма-хил эҳтиёжларни ўзида синтез қилган киноасарларга ўрин бўшатиб бермоқда. Бошқача айтганда, кино билиш, дам олиш, эстетик коммуникация вазибаларини ҳам бажармоқда.

Кинофильмларнинг кўпайиши, телевидение, кабель телевидениеси ривож, космик йўлдош ва интернет орқали телекўрсатувларни узатиш имкониятининг кенгайиши кино тармоғининг структуравий-функционал тузилишига бўлган талабни бутунлай қайта кўриб чиқишни, ижтимоий ўзгаришларга мос равишда уни такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Кино ташкилотлари, муассасаларининг ижтимоий-маданий функцияларини кенгайтиришга бўлган зарурият ортиб бораётгани эса, уларни аҳолига ижтимоий ва маданий хизмат кўрсатиш комплексининг узвий қисмига айлантиришни, янада яқинроқ қилишни тақозо этаётганини ҳам қайд этиш лозим. Бунда кино ташкилотлари фаолиятида иқтисодий мақсадга мувофиқлик билан ижтимоий-маданий самарадорлик принципини биргаликда кўшиб олиб бориш ўринлидир. Зеро, сўнгги йилларда ижтимоий ҳаёт ва онгда бўлаётган ўзгаришларни инобатга олмай кино маданий қадриятларни тарқатиш воситаси сифатида ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотиб қўйиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, телетармоқлар ва турдош соҳалар юксак даражада ривожланган бўлишига қарамай, Фарбда "катта кино" машҳур эканини ва муҳаббат қозонганини ўрганиш, тажрибасини таҳлил қилиш фойдалидир. Бу бир қатор шароитлар, хусусан, муаллифлик ҳуқуқининг амалиёти билан белгиланади: ҳеч бир фильм кинозалларда намоиш этилмай туриб телеэкранларга ва видеотармоққа тушиши мумкин эмас.

Кино ривожланишида тижорат ва маданий жиҳатларнинг уйғун мутаносиблигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, кинонинг бутун бир индустрияга айлангани санъатнинг бу тури моҳиятини йўққа чиқармаслиги, тўсиб қўймаслиги керак.

Кино соҳасидаги сиёсатнинг асосий тамойили кино қадриятларини сақлаш, қўпайтириш ва маънавий-маърифий фаолиятда кенг фойдаланишдан иборатдир. Кинофильмлар аввало маданий-маърифий, сўнгра тижорат қиммати нуқтаи назаридан қаралмоғи лозим.

Кино ўзаро узвий боғлиқ - кино ишлаб чиқариш ва кино маҳсулотларини истеъмол қилишдек қисмлардан иборат экан, барқарор кино ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маблағ билан таъминлаш, кинорепертуарни режалаштириш ва бойитишнинг асосидир. Кино ўзининг ижтимоий-маданий (маданий-маърифий, коммуникатив, эстетик ва ш.к.) функцияларини бой, хилма-хил, плюралистик кинорепертуар бўлган пайтдагина бажара олади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ўтган йилларда республикада улкан ишлар амалга оширилганини қайд этиш лозим. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Президентимиз таъкидлаганларидек, истиқлол йилларида миллий кинематографияни ҳар томонлама ривожлантириш, зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилган кенг қўламли чора-тадбирлар туфайли тарих ва замонавий воқеликни ёритувчи янги-янги фильмлар яратилмоқда, ўзбек кинолари нуфузли халқаро фестивалларда совринли ўринларга сазовор бўлмоқда.

Инсоннинг ҳаётда ким бўлиб етишиши жамият, унда устувор бўлган қарашлар ва қадриятлар, уларни сингдириш, мустаҳкамлашга хизмат қиладиган тарбия тизимига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, маданий қадриятларни тарқатишда таълим тизими муҳим ва асосий ўринни эгаллайди. Зеро, инсон фарзанди айнан таълим муассасаларида тўпланган ижтимоий тажриба ва маданий қадриятларни илмий асосда ва тизимли тарзда ўзлаштириб боради. Таълим тизими босқичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик туфайли бу жараёндаги тадрижийлик таъминланади. Нати-

жада инсоннинг билим доираси ҳам миқдорий, ҳам сифатий жиҳатдан бойиб боради. Маданият, унинг ривожланиш қонуниятлари, инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни билан боғлиқ билимлар таълим жараёнининг ўзида бевосита ва тўғридан-тўғри ўзлаштирилишини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Таълим тизимида маданий кадриятларни тарқатиш бўйича олиб бориладиган ҳаракатларнинг натижаларини бевосита текшириб кўриш ва уни доимий такомиллаштириб бориш имконияти ҳам мавжуд.

Президентимиз таъкидлаганларидек, "Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат кадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳам-жамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин".

Шунинг учун ҳам, мустақиллик шароитида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари каби таълим тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор берилди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ишлаб чиқилиши, босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиши ва ўзининг реал амалий натижаларини бераётгани ҳам бунинг исботидир.

#### **§ 4. Мустақиллик шароитида маданият ривожланишини бошқариш**

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асослари мустаҳкамланиб бормоқда. Бу жараёнда жамият тараққиёти, шахс камолотининг бош омилларидан бири бўлган маданият, маънавиятнинг ўрни ва роли беқиёсдир.

Республикаимизда маданий ҳаётни бошқаришнинг ўрни ва аҳамияти ошиб бораётгани олдимизда турган бир қатор вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ. Маданий меросимизни эски андозалару ёндашувлардан холи ҳолда чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этиш, ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, халқимиз яратган, аммо турли сабабларга кўра чет элларга чиқиб кетган маданият бойликларини излаб топиш ва ўрганиш бўйича ишларни тизимли

ва тадрижий давом эттириш билан боғлиқ вазифалар шулар жумласидандир.

Айни пайтда, фан, адабиёт, санъат, умуман миллий маданиятимизнинг барча соҳаларини жаҳон маданияти ютуқлари асосида бойитиш ва ривожланишнинг янги босқичига кўтаришнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Буларнинг барчаси ўз навбатида мустақиллик руҳиятига сингган, юрт манфаати ва миллат истиқболи йўлида қайгурадиган янги инсонни тарбиялашдек бош вазифани ҳал этишга хизмат қилишини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Қайд этилган вазифаларни маданиятимиз, маънавиятимиз, маърифатимиз тараққиётига дахлдор бўлган давлат ва жамоат ташкилотлари ишини, ижодкор зиёлиларимиз ва халқимизнинг яратувчанлик фаолиятини муайян йўналишда мувофиқлаштирмай, ташкил этмай, бир сўз билан айтганда, бошқармай туриб муваффақиятли ҳал қилиш мумкин эмас.

Маълумки, яқин-яқингача неча ўн йиллар давомида миқдорий ёндашув устувор бўлиб келди ва асосий диққат маданият муассасалари сонига, китоблар фонди, театрларнинг томошабинларни қабул қила олишининг миқдорий характеристикаларига алоҳида эътибор берилди. Ваҳоланки, миқдорий кўрсаткичлар қанчалик муҳим бўлмасин маданият муассасалари фаолиятининг самарадорлиги ва сифати асосий ва муҳим омил ҳисобланади. Бугун мамлакатимизда масаланинг ана шу жиҳатига алоҳида эътибор берилаётганини мамлакатимиз маданий ҳаёти, уни бошқариш билан боғлиқ хусусиятларнинг ўзагини ташкил этаётганини эътироф этиш жоиз.

Шундай бўлса-да, бир ҳолатни алоҳида қайд этиш лозим. Гап шундаки, бугунги кунда ҳам маданиятни бошқариш соҳасида иқтисодий методларнинг тўла устуворлигини таъминлаш зарурлигини илгари сурувчи қарашларни учратиш мумкин. Аслида, бозор иқтисодиёти методларини маданиятнинг барча соҳаларига кўр-кўрона кўчириш амалий жиҳатдан зарарли, методологик жиҳатдан эса нотўғридир. Чунки маданиятнинг барча тармоқларини ҳам бо-

зор иқтисодиёти рельсларига ўтказиш мумкин эмас. Айтайлик, халқ амалий санъатининг ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик ёки кино, эстрада каби санъат соҳаларида бундай ёндашув тўғри ва ўринли. Аммо, музейлар, библиотекалар, архивлар каби маданият муассасалари давлат ва жамиятнинг доимий ёрдамани талаб этади.

Маданият ривожланишини бошқаришни такомиллаштириш маъмурий ва ўз-ўзини бошқариш усулларини кўчириб олиб бориш ҳамда маданий фаолиятнинг мазмуни, шакли ва методларини бойитишдек мақсадларни ўз ичига олади. Маданият муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлаш эса, ўсиб бораётган маданий эҳтиёжларни қондиришнинг ҳажми ва сифатини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, мазкур жараён маданият ходимлари малакасини мунтазам ошириб бориш ҳамда бошқаришнинг самардорлиги ва сифатини юқори кўтаришдек мақсадлар комплексини ҳам қамраб олади.

Маданиятнинг бошқарув тизими маданий сиёсатни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш билан шуғулланадиган муассасалар ва органлар демакдир. У ёки бу орган, ташкилот, муассасанинг ушбу жараёндаги иштироки эса унинг даражаси (марказий, минтақавий, маҳаллий), характери (давлат, жамоатчилик, аралаш, халқаро) ҳамда фаолият соҳаси (масалан, таълим, фан, санъат) билан белгиланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мустақиллик шароитида мамлакатимизда маданий тараққиётни бошқаришнинг ўзига хос тизими яратилганини таъкидлаш зарур. Буни айрим ташкилотлар фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан "Ўзбеккино" давлат-акциядорлик компаниясининг ташкил этилгани кино соҳасида умуммиллий сиёсат юритиш учун замин яратди.

Бугунги кунда ушбу компания Фармонда белгиланган миллий ва умумбашарий кадриятларни уйғунлаштирган, бадий жиҳатдан юксак, миллий-маданий меросга ҳурмат-эҳтиром ва келажакка ишонч туйғусини тарбиялашга хизмат қиладиган киновидеомаҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиш;



Иккинчидан, ўзбек миллий кино санъатининг энг яхши ютуқларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш, халқнинг маънавий-ахлоқий ва маданий мулкунинг бир қисми сифатида миллий кино ва видеофонд барпо этиш, сақлаш, бу боладаги фаолиятни мувофиқлаштириш;

Учинчидан, жаҳон кино санъатининг энг яхши ютуқларини тарғиб этиш, четдан харид қилинадиган кино ва видео маҳсулотларга эксперт баҳоси берилишини амалга ошириш, кино санъати соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

Тўртинчидан, кино тармоғини шакллантириш, бошқариш, кинематография соҳасида фаолият юритаётган ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиб келмоқда.

Ўзбек халқи бой бадиий мерос, жаҳон санъати ривож тарихида ўзига хос ўринга, тасвирий ва амалий санъатнинг замонавий йўналишлари, халқ хунармандчилиги бўйича шаклланган анъаналар ва мактабларга эга. Ушбу мерос ва тажрибани чуқур ва илмий асосда ўрганиш, ривожланиш истиқболларини белгилаш, мазкур йўналишлардаги фаолиятни тизимли ташкил этиш ҳаётий-амалий аҳамиятга эгалиги шубҳасиз.

Бадиий баркамол санъат асарлари яратиш, бу йўлдаги ҳаракатларни рағбатлантириш, зарур моддий-техник базани шакллантириш ҳамда тасвирий ва амалий санъат, дизайн, халқ хунармандчилиги соҳалари бўйича юқори маалаки мутахассислар тайёрлаш ушбу мақсадга эришишнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади. Шу билан бирга, мазкур жараёнда соҳа бўйича халқаро ижодий, илмий алоқаларни мустаҳкамлаш, ўзбек миллий санъати ютуқларини дунё жамоатчилигига танитишнинг ҳам ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон Бадиий академияси ана шу вазифаларни ҳал этиш борасидаги ишларни самарали ташкил этиб, мувофиқлаштириб, бошқариб келаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Умуман олганда, ўз ичига марказий, минтақавий, маҳаллий давлат органларини ҳамда жамоатчилик ташкилот-

лари ва муассасаларини қамраб олган бошқарув тизими доимий такомиллашиб, бойиб бораётганини ва самарали ишлаётганини эътироф этиш лозим. Хусусан, бу тизимда марказий давлат ташкилотлари ва муассасалари ичида умуман маданият ва унинг айрим (таълим, фан, бадиий маданият ва ш.к.) соҳалари ривожланишининг муҳим, фундаментал йўналишларини белгилаб берадиган, бошқарув жараёнларини олиб берадиган ташкилотлар, уларнинг жойлардаги бўлимларининг ўзига хос ўрни борлигини қайд этиш лозим.

Айни пайтда, турли йўналишларда фаолият олиб бораётган жамоат ташкилотлари, марказлар, уюшмалар, жамғармалар ҳам мазкур тизимнинг зарурий ва энг муҳим элементи ҳисобланади. Улар бугунги кунда маданий меросимизни ўрганиш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урфодатларимизни тиклаш, сақлаш ва ривожлантириш бўйича фаолият олиб бориш, фольклор экспедициялари ташкил этиш, доимий равишда турли фестиваль, кўрик, танлов, ижодий кечалар ўтказиш, иқтидорли ёшлар ижодини рағбатлантириш борасида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Маданият жабҳасида фаолият кўрсатаётган турли ижодий ташкилотлар ва бирлашмалар эса аҳолининг маданий эҳтиёжларини тўлақонли қондириш, миллий маданият, адабиёт, санъат, мусиқа, театр, кино ютуқларини, маънавий ва ахлоқий қадриятларни кенг тарғиб этиш борасида сермаҳсул натижаларга эришаётганларини алоҳида қайд этиш лозим.

## 5-БОБ. МАДАНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИСТИҚБОЛИ

### § 1. Ҳозирги даврда маданият ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари

Кишилик ҳамжамияти бир-бири билан хилма-хил ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, сиёсий муносабатлар, ҳам зоҳирий, ҳам ботиний алоқалар билан боғланган ягона бирликни ташкил этади. Ушбу бирликнинг мавжуд бўлиши, мустақкамланиши ва равнақ топишида маданий алоқаларнинг ўрни, маданиятларнинг ўзаро таъсири улкан ва беқиёс аҳамиятга эга.

Маданиятларнинг ўзаро таъсирлашуви ҳамма даврларда бўлган. Зеро, ҳеч бир маданият бошқаси билан таъсирда бўлмай туриб, уларнинг ютуқларини ижодий ўзлаштирмай туриб ривожлана олмайди. Ҳатто энг йирик ва кучли маданият ривожланишининг ички имкониятлари ҳам ҳамиша чеклангандир. Миллий-маданий маҳдудлик шароитида эса бундай имконият тезда тугайди. Ташқи озикланишдан маҳрум бўлган маданият аввалига турфунликка, сўнгра эса ҳалокатга юз тутаяди. Инсоният тарихида юксак тараққиёт босқичига эришган, аммо ташқи ижтимоий-маданий алоқаларнинг издан чиқиши ва ўз қобиғига ўралиб қолиши оқибатида кўплаб маданиятлар ҳалокатга учрагани ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Маданиятларнинг ўзаро таъсирлашуви ҳамиша конкрет-тарихий мазмун касб этиб, мавжуд ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқаларнинг характери, даражаси каби омиллар билан боғлиқ бўлиб келган. Бу жараён жамият ривожлана бориши билан бирга чуқурлашиб, кенг қамровлилик касб этиб бормоқда. Масалан, ўрта асрлардаги ва ҳозирги даврдаги ўзаро таъсирлашув жараёнлари ўртасида кескин фарқ бор. Хусусан, ҳозирги даврда маданиятларнинг ўзаро таъсирлашуви тезкор ва катта шиддат билан кечмоқда. Бу шиддатлилик эришилган ютуқларни яшин тезлигида оммалаштириш, тарқата олиш имкониятини яратган, Ер юзининг турли бурчакларида дунёга келаётган

қадриятларни миллионларнинг маънавий озуғига айлан-тираётган матбуот, радио, телевидение, кинематограф каби ижтимоий ҳодисаларнинг тараққиёти туфайли со-дир бўлмоқда.

Шу билан бирга, ўзаро таъсир жараёни кенг қамровли-лик касб этиб, маданиятнинг барча соҳаларини қамраб олмоқда. Ушбу жараён шунчалик кучлики, бугунги кунда бундай таъсирсиз маданият тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди.

Айни пайтда, ўзаро таъсир ва бойиш жараёни олдинги даврлардагидек стихияли тарзда кечаётгани йўқ. Бугунги кунда ўзга маданиятлар ютуқларини ўзлаштирмай ривож-лана олмаслик давлатларни маданий алоқаларни изчил йўлга қўйишга, уни ўз сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгилашга мажбур қилмоқда. Бир мисол. Мамлакатимиз мустақил ривожланиш йўлидан бормоқда, бозор иқтисо-диётига асосланган демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қурмоқда, маданий-маърифий ислоҳотларни амалга ошир-моқда. Шундай экан, бу соҳаларда анчайин муваффақият-ларга эришган мамлакатлар ютуқларини ўзлаштиришга ин-тилишимиз табиий. Президентимиз таъкидлаганларидек, республикаимизнинг кенг миқёсдаги халқаро алоқалари жаҳон маданиятини янада чуқурроқ билиш, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлиш учун қулай замин ярат-моқда, ўзбек халқининг турли фаолият соҳаларидаги ис-теъдодининг ривожланишига, ноёб фазилатларининг рўёбга чиқишига имкон бермоқда.

Бугунги кунда миллий-маданий алоқаларни ривожлан-тиришда нодавлат ташкилотларнинг роли кескин даража-да ошганини ҳам эътироф этиш жоиз. Хусусан, мамлақати-мизда фаолият кўрсатаётган 140 дан ортиқ миллий-мада-ний марказнинг юртимизда истиқомат қилаётган халқлар маданиятининг ривожланиши, уларнинг ўзаро таъсири ва бойиши жараёнидаги роли катта бўлаётгани фикримизнинг исботи бўла олади. Ўзбекистон хорижий мамлакатлар би-лан дўстлик ва маданий маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши таркибида фаолият кўрсатаётган, 36 мамлакат билан алоқалар ўрнатган дўстлик жамиятлари олиб бора-

ётган ишлар ҳам бундай хулосаларнинг ўринли эканини тасдиқлайди.

Маданий алоқалар, ўзаро бойиш ва таъсирлашув жараёнининг умуминсоний миқёсда кучаювида ЮНЕСКО, АЙ-СЕСКО каби қатор халқаро ташкилотларнинг мавқеи ҳам катта бўлиб бормоқда.

Инсоният маданий тараққиётининг бош йўлини бугунги кунда маданият раўнақи, халқлар маънавий салоҳиятининг ўсиши, маънавий ишлаб чиқариш структураси ва мазмунининг такомиллашуви, маънавий қадриятларнинг кишилар руҳий дунёсидаги ўрни ва таъсирининг ошиши ташкил этади. Бу маданий қадриятларни ишлаб чиқиш ҳажми ва турларининг, уларнинг жамият ҳаётига таъсирининг ортгани, зиёлилар сафининг кескин даражада ўсгани, фан, таълим, санъатга бўлган эътиборнинг ошгани каби омилларда яққол кўринади.

Айни пайтда, инсоният маданий тараққиёти темпи ҳам тезлашмоқда. Бу жумладан, илмий кашфиётлар, ахборотлар миқдорининг ва илм-фан соҳасида банд бўлган кишилар сонининг тез ўсаётгани, илмий фаолият ҳажмининг ҳар 10-15 йилда икки баробарга ошаётганида ҳам кўринади. Шундай бўлишига қарамай, маданият ривожланишини текис жараён сифатида тасаввур қилиш мумкин эмас. Зеро, инсоният бугунги кунда эришган ютуқлардан четда қолаётган минтақа ва халқлар ҳам йўқ эмас. Бундай ҳолат иқтисодий ривожланиш даражасининг пастлиги, ички тотувлик - миллатлараро ҳамкорлик, ижтимоий аҳиллик, сиёсий барқарорликнинг йўқлиги, бу ҳам етмаганидек вақти-вақти билан алангаланиб турадиган фуқаролар уруши каби омиллар таъсирида сақланиб қолмоқда. Бу миллий-маданий ривожланишдаги ўзига хосликларни ҳам белгилаб бермоқда.

## **§ 2. Маданият тараққиёти истиқболи: моҳият ва майллар**

Инсоният маданияти истиқболига турлича ёндашувлар мавжуд. Хусусан, немис олими О.Шпенглер ва инглиз та-

рихчиси А. Тойнбилар томонидан илгари сурилган ва моҳият эътибори билан ўзаро ўхшаш бўлга қарашларни ана шу қаторга киритиш мумкин.

О. Шпенглер фикрича, инсоният бу қуруқ абстракция холос. Нисбатан ёпиқ ва бир-биридан мутлақо мустақил бўлган "маданий организм"ларгина реал мавжуддир. У ана шундай "маданий организм"лардан 8 тасини ажратиб кўрсатиб, майя, миср, ҳинд, вавилон, хитой, грек-рим, византия-араб ҳамда Фарбий Европа маданиятларини бир-бири билан мутлақо солиштириб бўлмайди, деган фикрни илгари сурган эди. Олим бу маданиятларга ўзаро таъсирлашув ва бойиш жараёни мутлақо ёт деб ҳисоблаб уларнинг ҳар бири тирик организм каби туғилиш, вояга етиш, балоғатга эришиш ва ўз ҳаётий имкониятларини сарфлаб бўлиб, ҳалокатга юз тутишдек тахминан минг йиллик оралиқни ўз ичига оладиган босқичларни босиб ўтади ва янги маданиятга жой бўшатиб беради, деб таъкидлаган эди.

О.Шпенглер ана шундай маданиятларнинг охиригиси бўлган Фарбий Европа маданияти ҳам ўз тараққиётининг сўнгги босқичига қадам қўйди, чунки унда бадиий ижодкорлик, яратувчилик салоҳияти сўнмоқда, маънавий инқироз илдиз отмоқда, деб ҳисоблаган эди. Европа маданиятининг келажигига нисбатан бундай пессимистик муносабат XX аср бошидаги зиддиятли ва тушкун аҳволнинг инъикоси эди, дейиш мумкин.

Умуман олганда, тарих инсоният маданияти ривожига бундай муносабат, юмшоқ қилиб айтганда, унчалик ўринли эмаслигини кўрсатади. Зеро, узоқ ўтмишда ҳалокатга юз тутган маданиятлар, цивилизацияларни ҳисобга олмаганда О.Шпенглер тилга олган ва ўз ички ривожланиш ресурсларини сарфлаб бўлган, деб кўрсатган маданиятлар бугунги кунда ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Айни пайтда, ҳеч қайси миллат, минтақа маданияти бир-биридан мутлақ ажралган ҳолда мавжуд бўлмаган. Маданиятлар ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнида ҳар бир миллий маданиятга ўзга маданият элементлари кириб келади. Бундай ўзаро таъсир ва бойиш жараёни жамият ривожига тезла-

шишига мос равишда ўсиб боради. Айниқса, XX асрда саноат, транспорт, алоқа воситаларида рўй берган буюк ўзгаришлар бу жараённинг янада шитоб билан кечишини келтириб чиқарди ва маданиятнинг деярли барча соҳаларини қамраб олди. Аммо вақт бу жараёнларнинг зиддиятли эканини ҳам кўрсатдики, у айрим ҳолларда кенг тарқалган ва нисбатан кучли тараққий қилган маданиятларнинг бошқа маданиятларни сиқиб чиқарганида кўринади.

Афсуски, бундай ҳол маданиятимизни ҳам четлаб ўтмади. Чунки яқин ўтмишда собиқ СССРда миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бойишидек табиий, объектив ва қонуний жараённи нотўғри баҳолаш, бир томонлама талқин қилиш ҳукмрон бўлиб келди. Бу байналмилаллашувни маданиятдаги миллийликнинг камайиши ҳисобига содир бўлади, деб тушунишда айниқса, яққол намоён бўлди. Бундай тушуниш натижасида миллий маданиятларга, уларнинг ютуқларига беписандлик билан қараш расмий сиёсат даражасига кўтарилди. Миллий маданият тўғрисида ғамхўрлик қилишга интилишга эса аксарият ҳолларда миллатчилик тамғаси босилди. Айни пайтда, интернационаллашув байроғи остида европа (рус) турмуш тарзи, маданияти, хулқ-одоб нормаларини миллий ҳаётга жорий қилишга интилиш авж олдирилди. Буларнинг барчаси инсоният маданияти ривожланиши истиқболининг энг тўғри ифодаси деб билинган "миллий маданиятларнинг кўшилиб кетиши" ҳақидаги назариянинг ва унга мос равишда ягона совет халқини барпо этишга қаратилган амалиётнинг мудҳиш оқибати эди.

Бундай назария ва амалиётга узоқ вақт давомида бошқа бир қатор мамлакатларда ҳам амал қилинди ва у болгарлаштириш, руминлаштириш, югославллаштиришга уринишдек ҳаракатларда намоён бўлди. Айнан мана шундай гайриинсоний сиёсат социализм деб аталмиш тузумнинг ҳалокатга юз тутишининг бош сабабларидан бири бўлди, дейишга барча асослар бор.

Ғоят мураккаб ва зиддиятли, зафарлар ва фожеаларга бой бўлган тарихий йўлни босиб ўтган инсоният янги минг йилликка қадам қўйди. Эртанги кун бугуннинг давоми бўлга-

нидек, инсоният, унинг маданияти истиқболи, янги минг йилликдаги қиёфаси ҳам кўп даражада маданият ривожланишининг ҳозирги кундаги хусусиятлари билан белгила- ниши шубҳасиз.

Бугунги кунда маданият ривожининг ўзига хос хусуси- ятларини ўрганиш унда икки асосий тенденциянинг ҳукм- ронлигини кўрсатади. Бир томондан, дунёнинг турли бур- чакларида ҳар хил шиддат билан кечаётган этник уйғониш таъсирида миллий-маданий ўзига хосликни сақлаб қолиш- га, миллий қадриятларни тиклашга бўлган интилишнинг ўсиши кузатилмоқда.

Бу жараён ижобий жиҳатлар билан бир қаторда миллий ўзига хослик сифатида фақат узоқ тарих қаърида шакллан- ган қадриятларни қабул қилиш, маданиятда анъана ва ижодкорлик диалектикасини тўғри тушунмаслик каби бир ёқламаликни, айни пайтда, ўзга маданиятлар ютуқларига беписандлик билан муносабатда бўлишдек салбий оқибат- ларни ҳам келтириб чиқармоқда. Аммо шуни ишонч билан айтиш мумкинки, ҳозирги пайтда бундай салбий томонлар эмас, балки ижобий жиҳатлар, яратувчилик, ижодкорлик жараёни устуворлик қилмоқда. Кишилиқ жамияти тарихи- нинг таҳлили ҳам юқоридаги каби салбий ҳодисалар кес- кин ўзгаришлар, ижтимоий силкинишлар даврининг аж- ралмас йўлдоши ва уларнинг ўзи каби ўткинчи эканидан далолат беради.

Иккинчи томондан, халқаро интеграциянинг чуқурла- шуви миллий маданиятлардаги ўзига хосликнинг эмас, балки уларда кўпроқ умумий, ўхшаш бўлган жиҳатларнинг қарор топишига, кенг илдиз отишига хизмат қилмоқда. Бу жараён ўзининг ижобий кўринишларида маданиятларнинг ўзаро яқинлашуви ва бойишига хизмат қилиши шубҳасиз- дир.

Бу икки тенденциянинг бирортаси устувор мавқега эга бўлиб қолиши мумкинми? Агар шундай бўладиган бўлса у қачон содир бўлади? Инсоният маданияти ривожининг узоқ истиқболига дахлдор бўлган бу саволларга аниқ жавоб бе- риш қийин. Аммо бир нарса шубҳасиз: улардан бирининг иккинчисига нисбатан ҳукмрон характер касб этиши ин-



соният, унинг маданияти камбағаллашувига олиб келган бўлар эди. Демак, инсоният бунга йўл қўймаслик учун мана шу икки тенденциянинг диалектик бирлигини таъминловчи янгидан-янги йўлларни кашф этади, ўзида ўзга маданиятлар билан умумий, ўхшаш бўлган томонларни шакллантирган ҳолда ҳар бир миллий маданият ўзлигини сақлаб қолиш имкониятини топа олади, деб умид қилиш мумкин.

Турли сабабларга қўра ҳалокатга юз тутган бетакрор маданиятлар, демакки, инсонийликка тажовуз солган кўплаб сиёсий тузумлар, маданиятни ҳалокат ёқасига келтириб қўйган жаҳон урушларининг гувоҳи бўлган инсониятнинг ўзлигини ва бир бутунлигини чуқурроқ англаб бораётгани ана шундай умид ўзининг мустаҳкам асосига эга эканидан далолат беради.

## ФЙДАЛАНИЛГАН ВА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2008.

2. Таълим тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 1997.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. - 9-сон.

4. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. - 9-сон.

5. "Ўзбеккино" давлат-акциядорлик компаниясини тузиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1996 йил 29 апрель. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари. 4. -Тошкент, "Адолат", 2000.

6. Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1997 йил 9 январь. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари. 4. -Тошкент, "Адолат", 2000.

7. Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этиш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи. 1997, 24 январь.

8. "Жаҳон адабиёти" журналин ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 1997 йил 27 февраль. // Халқ сўзи. 1997, 1 март.

9. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996.

10. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996.

11. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996.

12. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. -Т.:Ўзбекистон, 1996.

13. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
14. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
15. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. 7-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
16. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
17. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
18. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. 10-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2002.
19. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2003.
20. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2004.
21. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2005.
22. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. 14-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2006.
23. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш - барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2007.
24. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.
25. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2009.
26. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009.
27. Абдуллаев М. Эстетическая культура. - Т.: 1991.
28. Бегматов А., Бекмуродов М. Миллий менталитет ва маънавият. - Т.: 2002.

29. Валиев А. Қ. Ўзбекистонда маданиятнинг раванқ топиши. - Т.: 1994.
30. Гуревич П.С. Философия культуры. - М.: 1994.
31. Гусейнов Л.А., Апресян Р.Г. Этика. - М.: 1999.
32. Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера земли. - М.: 1994.
33. Гуревич П.Ф. Культурология. - М.: 1999.
34. Данилевский Н. Я. Россия и Европа. - М.: 1991.
35. Джаббаров И. Узбеки. - Т.: 2007.
36. Жўраев Б.Х. Маданият, ахлоқ, инсон. - Т.:1992.
37. Жўраев Ў. Илҳомбахш имкониятлар масъулияти. <http://uzmatbuoti.uz>.
38. Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. - Т.: 1996.
39. Каган М.С. Философия культуры: становление и развитие. - СПб, 1995.
40. Карабаев У.Х. Этнокультура. - Т.: 2005.
41. Каримов И.К. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт.- Т.:2001.
42. Категории философии и категории культуры. - Киев, 1999.
43. Красовицкая Т.Ю. Власть и культура. - М.: 1992.
44. Культура: теории и проблемы. - М.:1995.
45. Культурология. - М.: 1996.
46. Леви-Стросс К. Структурная антропология. - М.: 1985.
47. Маҳкамов У. Ахлоқ, одоб сабоқлари. -Т.: 1994.
48. Материалы по истории науки и культуры народов Средней Азии. - Т.: Фан, 1993.
49. Моль А. Социодинамика культуры. - М.: 1985.
50. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. - Т.: 1996.
51. Морфология культуры: структура и динамика. - М.: 1994.
52. Маҳмудов Р. Ҳуқуқ ва маданият. - Т.: 1994.
53. Маврулов А. Культура Узбекистана на современном этапе - Т.: 1991.
54. Наджимов Г. Народные традиции и культура. - Т.: 1992.
55. Ортиқов Н. Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар.- Т.:1997.
56. Отамуротов С., Отамуротов С. Ўзбекистонда маъна-

вий-руҳий тикланиш. - Т.:2003.

57. Пиотровский П.Б. Культурное наследие и его роль в жизни человечества. - Л.: 1991.

58. Полешук В.И. Культурология. - М.: 1999.

59. Политическая культура: теория и национальные модели.- М.: 1994.

60. Радужна Л.А. Хрестоматия по культурологии. - М.: 1998.

61. Разголов К.Э. Дар или проклятие? Проблемы массовой культуры. - М.: 1994

62. Саифназаров И.Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият.- Т.: 2002.

63. Современная философия науки. - М.: 1996.

64. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2 томлик. - Т.: 1998.

65. Тойнби А. Постигание истории. - М.: 1991.

66. Флиер А.Я. Культурогенез. - М.: 1995.

67. Франк С.Л. Духовные основы общества. - М.: 1992.

68. Философия, эстетика и искусство в контексте культуры. - М.: 1991.

69. Хакимов Н. Политическая культура личности. - Т.: 1991.

70. Хакимов Н., Алиев Б. Маданият ва жамият.- Т.:1992.

71. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций? // Полис, №1, 1994.

72. Шайхова Х, Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. - Т.: 1993.

73. Шермухамедов С.Ш. Қадриятлар ва уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни.- Т.:1995

74. Шпенглер О. Закат Европы: очерки морфологии и мировой истории. - М.: 1993.

75. Эркаев А. Маънавият-миллат нишони. - Т.: 1999.

76. Юсупов Э. Маънавий камолот ва жамият тараққиёти.- Т.: 1996.

77. Ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида. - Т.: 1996.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	3
1-БОБ. МАДАНИЯТ ИЖТИМОИЙ ҲОДИСА СИФАТИДА	
§ 1. Маданиятга фалсафий ёндашувнинг моҳияти .....	4
§ 2. "Маданият" тушунчасининг мазмуни .....	9
§ 3. Маданиятнинг ижтимоий-тарихий табиати .....	12
§ 4. Моддий маданиятнинг тузилиши .....	14
§ 5. Маданиятнинг функциялари .....	21
§ 6. Цивилизация: моҳият ва талқинлар .....	27
2-БОБ. МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ СТРУКТУРАСИ	
§ 1. Ахлоқий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари .....	33
§ 2. Дин - маънавий маданиятнинг муҳим элементи .....	36
§ 3. Эстетик маданиятнинг моҳияти .....	41
§ 4. Экологик маданиятнинг маънавий маданият тизимидаги ўрни .....	45
§ 5. Сиёсий маданиятнинг ижтимоий-тарихий табиати .....	51
§ 6. Ҳуқуқий маданият: барқарорлик ва ўзгарувчанлик бирлиги .....	54
3-БОБ. МАДАНИЯТДА МИЛЛИЙЛИК ВА УМУМИНСО- НИЙЛИК, ВОРИСЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ ДИАЛЕКТИКАСИ	
§ 1. Маданиятнинг этномиллий моҳияти .....	59
§ 2. Маданиятда миллийлик ва умуминсонийлик .....	61
§ 3. Ворислик, унинг намоён бўлиш хусусиятлари .....	66
§ 4. Янгиланиш - маданият ривожланишининг зарурий шарты .....	73
4-БОБ. МАДАНИЯТ РИВОЖЛАНИШИНИ БОШҚАРИШ	
§ 1. Маданият ривожланишини бошқаришнинг ижтимоий-тарихий табиати .....	77
§ 2. Маданият ривожланишини бошқаришнинг структураси 81	
§ 3. Маданий қадриятларни тарқатиш тизими .....	86
§ 4. Мустақиллик шароитида маданият ривожланишини бошқариш .....	94

<b>5-БОБ. МАДАНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИСТИҚБОЛИ</b>	
§ 1. Ҳозирги даврда маданият ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари .....	99
§ 2. Маданият тараққиёти истиқболи: моҳият ва майллар .....	101
<b>Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>106</b>



**Абдувоҳид Очилдиев**

## **МАДАНИЯТ ФАЛСАФАСИ**

Илмий-маърифий нашр

Муҳаррир:  
**Акрам Деҳқон**

Мусахҳиҳ:  
**Абдугафур Искандар**

Техник муҳаррир:  
**Файзулла Турсунов**

Компьютерда матн терувчилар:  
**Н. Атамирзаева, Н. Абдурахманова**

Босмахонага 2009 йил 09 декабрда топширилди.  
Босишга 2010 йил 04 январда рухсат этилди.  
Бичими: 84x108  $\frac{1}{16}$ . «Virtec Times Uz» гарнитурасида  
офсет босма усулида босилди.  
6,75 шарт. б.т. 7 ҳисоб нашр. таб.  
Адади 750 нусха. 15-сон буюртма.

«Муҳаррир нашриёти»

«Муҳаррир нашриёти» матбаа бўлимида чоп этилди.  
100060, Тошкент ш., Элбек кўчаси, 8-уй.